

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАР»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

«Темир йўлдан фойдаланиш ишларини бошқариш» кафедраси

«МАХСУС ТАШИШИ ИШЛАРИ» ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2018й

**1-МАЪРУЗА: Тинчлик ва ҳарбий даврларда
темир йўл транспортида ҳарбий ташишни
бажаришдаги ўрни.**

Режа:

- 1. Қўшинларни ташиш тадбирларининг асосий тамойиллари.**
- 2. Ташиш жараёнида мансабдор шахслар ва органлар олдига қўйиладиган талаблар.**

1. Қўшинларни ташиш тадбирларининг асосий тамойиллари.

1. Қўшинларни темир йўл ва ҳаво транспорти воситасида ташиш тадбирлари умумқўшин низомлар, ҳарбий ташиш тадбирларига оид низомлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштирилган бошқа меъёрий ҳужжатларда баён этилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

2. Қўшинларни ташиш жараёнини, одатда, имкон қадар тез амалга ошириш талаб этилади. Бундай тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш - ҳарбий ташиш тадбирларига бевосита дахлдор бўлган мансабдор шахсларнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири саналади. Қўшинларни ташиш тадбирларининг муддатлари фақат ҳарбий ҳаракатлар органлари билан мувофиқлаштирилган тарзда ўзгартирилиши мумкин.

3. Ташиладиган қўшинлар, ҳарбий ҳаракатлар органлари ва транспорт органларида фаолият юритадиган, қўшинларни ташиш тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш учун масъул саналган мансабдор шахслар баён этилган талабларни пухта билиш ва сўзсиз ижро этишга мажбурдир.

Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар томонидан қўшинларни ташиш тадбирларига доир берилган кўрсатмалар ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари томонидан бажарилиши шарт. Ташиш тадбирлари билан боғлиқ масалалар ташилаётган қўшинга мансуб мансабдор

шахс томонидан ҳарбий ҳаракатлар органи вакили, агар станцида бундай вакил бўлмаса транспорт турига мансуб мансабдор шахс орқали хал этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги ҳарбий қисмлар, муассасалар, ҳарбий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ёки уларга қарашли бўлинмалар, шунингдек, ҳарбий хизматчилардан ташкил топган кўп сонли командалар темир йўл транспорт воситасида ташилиши учун ҳарбий эшелонлар сифатида ташкил этилади.

Ҳарбий эшелон деб, битта поездда ташилиши учун ташкиллаштирилган ҳарбий қисм, битта ёки бир нечта бўлинма, кўп сонли ҳарбий командага (яъни ташилиши учун битта ва ундан ортиқ йўловчи ташиш ёки одам ташиш вағони ҳавола этилиши талаб этиладиган командага) айтилади.

Тегишли манзилга қоровул муҳофазаси остида етказиладиган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳам айрим ҳолларда ҳарбий эшелон сифатида ташилиши мумкин. Ҳарбий эшелон ҳар қандай вазиятда жанговар вазифа ижросига шай бўлиши шарт.

Ҳарбий транспорт деб, юк жўнатаётган томон юк қабул қилиб оладиган томонга бир вақтда жўнатган битта ёки бир нечта юк ортилган (шахсий таркиб ташилаётган) вагонга айтилади.

Ташиш тадбирларини режалаштирган ҳарбий ҳаракатлар органи ҳар бир ҳарбий эшелон, ҳарбий команда ва ҳарбий транспорт шартли рақам белгилайди. Тегишли эшелон (команда, транспорт) тўзилган пунктдан тайинланган пунктга етиб боргунга қадар, шу жумладан, ташилаётган юк транспортнинг бир туридан бошқа турига ортилганида (шахсий таркиб бошқа транспорт турига ўтганида) ҳам, ушбу шартли рақам ўзгармайди.

Битта поездда бир нечта ҳарбий эшелон ташилаётганида, уларнинг ҳар бири ўз тузилиши ва шартли рақамини сақлаб қолади.

Муайян ҳарбий эшелонга қарашли юк бир нечта поездга тақсимланиб

қайта ортилган бўлса, тақсимлаб юборилган юклар эшелоннинг умумий шартли рақамини, ушбу рақамга қўшимча литер берилган ҳолда сақлаб қолади.

Шахсий таркиб транспортга чиқишидан олдин транспортга чиқадиган ҳарбий қисмга *дастлабки ҳудуд, кўтиш ҳудуди*, шахсий таркиб тушганидан сўнг эса - *йигилиш, жамланиш ҳудуди* тайинланади. Бундан ташқари, ўз ичига бир нечта темир йўл станцияларини мужассам этган *асосий ва захира транспортга чиқиш-тушиш ҳудудлари* тайинланади.

Ҳарбий қисм қароргоҳи бевосита транспортга чиқиш-тушиш ҳудудига яқин жойлашган бўлса, дастлабки ҳудуд тайинланмаслиги ҳам мумкин.

Шахсий таркиб транспортга чиқишидан олдин қўшинлар дастлабки ҳудудда ҳарбий эшелонлар (командалар) ва поездлар буйича тақсимланган, транспортга чиқиш-тушиш жойлари томон ҳаракатланиш навбатини инобатга олган ҳолда жойлашади.

Шахсий таркиб бевосита транспортга чиқишидан олдин битта ҳарбий эшелонга мансуб бўлиб, битта поездда ташиладиган юк дастлабки ҳудуддан ёхуд ҳарбий қисм қароргоҳидан кўтиш ҳудуди томон, шахсий таркиб транспортдан тушганидан сўнг эса йигилиш, жамланиш ҳудуди томон йўлга чиқиши лозим.

Темир йўл узеллари, кўприклари ва туннеллари вайрон бўлган ҳолатда ташиш тадбирларининг ўзлуксиз боришини таъминлаш учун ҳаракат йўлида юкни бошқа транспортга ортиш учун мўлжалланган бир нечта ҳудуд ташкил этилади.

Транспортга чиқиш-тушиш, қайта чиқиш-тушиш ҳудудларини, шунингдек, бўлинмаларнинг транспортга чиқиш-тушиш жойига етиб бориш йўлларини муҳофаза ва мудофаа қилишга доир тадбирлар ҳарбий қисм командири томонидан белгиланади.

Ҳарбий эшелонларнинг транспортга чиқиши учун қўшинларнинг доимий жихозланган ҳамда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган

транспортга чиқиш-тушиш жойларидан фойдаланиш мумкин.

Қўшинларнинг транспортга чиқиш-тушиш жойи қўшинлар тасарруфидаги командалар шахсий таркиби транспортга чиқиши-тушиши учун мўлжалланган иншоот ва қурилмалар (шу жумладан, махсус ускуналар) мажмуини англатади.

2. Ташиш жараёнида мансабдор шахслар ва органлар олдига қўйиладиган талаблар.

Ташиш тадбирларини белгиланган муддатда амалга ошириш, ҳарбий эшелонлар (командалар) транспортдан тушиш ҳудудига жанговар вазифани бажаришга шай ҳолатда ўз вақтида етиб келиши учун тегишли мансабдор шахслар ва органлар олдига бир қатор талаблар қўйилади, жумладан:

командир ва штаблар олдига:

ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳарбий ташиш тадбирларига шай ҳолатини сақлаб бориш;

бўлинма командирлари олдига юк ортиш-туширишга, шахсий таркибнинг транспортга чиқиши-тушишига доир вазифаларни ўз вақтида қўйиш;

шахсий таркибга юк ортиш-тушириш, муайян транспорт турига ортилган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (**ҚА ва ХМТ**), мол-мулк ва бошқа моддий воситаларни маҳкамлаш қоидаларини ўргатиш;

бўлинмалар дастлабки ҳудуд, қўтиш ҳудуди ва транспортга чиқиш-тушиш жойлари томон тез йўлга чиқишини таъминлаш:

транспортга чиқиш-тушиш, бир транспортдан тушиб, бошқасига чиқиш тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

шахсий таркибнинг ҳаракат давомида транспортдан кутилмаганда тушиш, йўлнинг муайян (ёки колган) қисмида марш юриш ва транспортга такроран чиқишга шайлигини таъминлаш;

транспортга чиқиш-тушиш, қайта чиқиш-тушиш ҳудуди ва йўл юриш

давомида ҳаво хужумидан мудофаа, жанговар, техник ва фронт орти таъминоти тадбирлари бажарилиши, бошқарув ва алоқа таъминланишини ташкиллаштириш;

транспортга ортилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани маҳкамлаш ва ниқоблаш материаллари, воситалари билан таъминлаш;

ҳарбий ҳаракатлар ва транспорт органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ҳарбий ҳаракатлар органлари олдига:

қўшинларни ташиш тадбирларини ўз вақтида режалаштириб, транспорт органининг тегишли муассасасига ташиш тадбирларининг режаси ва бажариладиган ишларга оид топшириқларни тақдим этиш;

темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби ва ҳаво кемалари, юк ортиш-тушириш воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкиллаштириш;

ҳарбий ташиш тадбирларини барқарор, узлуксиз, тезкор ва пинхона бошқариш;

ташилаётган қўшин командирлари, штаблари, ҳарбий эшелон бошлиқлари ва транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар билан чамбарчас ҳамкорлик қилиш;

транспорт органлари олдига:

олдиндан тайёрланган юк ортиш-тушириш жойларини ўз вақтида ҳавола этиш, юк ортиш-тушириш ишларининг ижросини таъминлаш учун манёвр локомотивлари, поезд тузувчилар ва локомотивчилар бригадаларини, юк ортиш-тушириш кранларини ажратиш;

поездлар қатнаш жадвалига амал қилиш ва ҳарбий ташиш тадбирларининг ушбу жадваллар буйича хавфсиз амалга оширилишини таъминлаш талаблари қўйилади. Уруш даврида амалга ошириладиган ҳарбий ташиш тадбирлари командир ва штаблар, ҳарбий ҳаракатлар ва транспорт органларидан ҳарбий ташиш тадбирларини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида пухта ҳамкорлик олиб борилиши ва ижрочилик савияси нихоятда

юқори бўлишини, жумладан, таъминотнинг барча турларига оид қўшимча чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

Ташилаётган қўшинлар, транспорт органларига мансуб муассасалар ва ҳарбий ҳаракатлар органлари ҳаракат йўналишидаги транспорт объектлари издан чиққан ҳолларда ҳарбий ташиш тадбирлари давом эттирилишига оид чора-тадбирлар кўришга мажбурдир.

Қўшинларни ташиш тадбирлари пинхона кечишини таъминлаш ҳарбий қисм командирлари ва штаблари, ҳарбий ҳаракатлар ва транспорт органларида фаолият юритадиган мансабдор шахсларнинг энг муҳим мажбуриятларидан биридир.

Ҳарбий ташиш тадбирларига оид маълумотларнинг ошкор бўлишида айбдор деб топилган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Қўшинларни ташиш тадбирларининг пинхоналигига:

ташиш тадбирларини тайёрлаш ва хусусан уларнинг сир тутилиши;

жамланиш, юк ортиш-тушириш ҳудудлари ва йўл давомида қўшинларнинг пинхона бошқарилиши;

ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш ва таъминлаш ишларига жалб этиладиган шахслар доирасининг чекланиши, бундай ишларга жалб этилган шахсларнинг фақат ўз соҳасига доир маълумотлар билан таништирилиши;

ҳарбий ташишга оид буюртма ва топшириқларни тақдим этиш тартиби, шу жумладан, ҳарбий ташиш ва юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш қоидаларига сўзсиз амал қилиниши ҳамда қўшинларни ташиш масалалари юзасидан олиб бориладиган ёзишма ва сўзлашувларда мансабдор шахслар томонидан махфийлик режимида амал қилиниши;

транспортга чиқиш-тушиш қайта чиқиш-тушиш ҳудудларида қўшинларни тарқоқ жойлаштирилиши, панага олиниши ва ниқобланиши, шу жумладан йўл давомида ниқобланиши;

ташиш тадбирларини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида қўшинларни муҳофаза қилиш учун қўриқчилик хизмати ташкиллаштирилиши;

ҳарбий эшелон шахсий таркибига бегона шахслар билан ҳарбий ташиш тадбирлари ҳақида гаплашиш, хат ва телеграммалар мазмунига бундай тадбирлар ҳақидаги маълумотлар киритилишининг ман этилиши, зарурат туғилганда эса ёзишмалар вақтинча тўхтатилиши;

станцияларда транспорт воситасидан ташқарига чиқадиган шахсий таркиб сони чекланиши;

ҳарбий эшелон ортилган поездларни темир йўл станциясида тўхтатмай, вагонларининг эшик ва люклари ёпилган ҳолатда йўлнинг алоҳида участкаси орқали ёки тунги соатларда ўтказиб юборилиши;

ҳарбий эшелон таркибида бегона шахслар бўлиши ман этилиши орқали эришилади.

Алоҳида ҳолларда транспорт органларида фаолият юритаётган мансабдор шахслар, шунингдек, йўли бир бўлган ҳарбий командалар муайян ҳарбий эшелон таркибида боришига ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси ҳарбий комендант томонидан ижозат берилади.

Тўғридан-тўғри бошлиқлар ва ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслардан ташқари, кимга бўлишидан қатъи назар, ҳарбий қисм номи, юк ортиш-тушириш станцияси, ҳарбий эшелон ҳаракатланадиган йўналиш, унинг таркиби ва шу каби бошқа маълумотларни маълум қилиш **ман этилади.**

Эшелонга (командага) дахли бўлмаган юкларни эшелон (команда) таркибида ташишга **рухсат берилмайди.**

Қўшинларни ташиш тадбирларининг хавфсизлиги транспорт органлари томонидан жорий этилган қоида ва йўриқномаларга риоя этилиши, шунингдек, жанговар таъминот тадбирлари амалга оширилиши билан таъминланади.

Ҳарбий эшелон шахсий таркиби транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида транспорт турларида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидаларига риоя этиши шарт.

Ҳарбий қисм командирлари жанговар тайёргарлик дастурларига мувофиқ, махсус жихозланган ўқув синфлари, ўқув марказлари, ўқув мақсадларда ажратилган темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби ҳамда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни реал ташиш тадбирларидан фойдаланган тарзда бўйсунувчи штаб офицерлари ва шахсий таркибни темир йўл транспорти воситасида амалга ошириладиган ҳарбий ташиш қоидаларига ўргатиб боришга мажбурдир.

Бундай таълимот давомида:

ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга оширишга доир масалаларнинг ўзлаштирилиши;

мансабдор шахсларнинг ҳарбий қисмни темир йўл транспорти воситасида ташишга доир ҳисоб-китоблар чиқариш кўникмалари шакллантирилиши;

ҳарбий эшелон таркибидаги мансабдор шахслар ва суткалик наряд таркибининг мажбуриятлари ўзлаштирилиши;

штатда кўзда тутилган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ва ХМТ) ни транспорт воситасига жихозланган ва жихозланмаган станциялар, икки кўшни станция ораси ва жихозланмаган сохилда амалий юклаш, маҳкамлаш ва тушириш усуллари шахсий таркиб томонидан машқ қилиниши;

ҳарбий эшелон томонидан ҳаракат йўналишидаги издан чиққан транспорт объектлари ва зарарланган зоналар енгиб ўтилиши, транспортга чиқиш-тушиш, қайта чиқиш-тушиш ҳудудлари ва йўл давомида кўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиниши, оммавий қирғин қурол таъсиридан сақланиши каби таъминот турларига оид бошқа масалалар ўзлаштириб, меъёрига етказилиши;

Курол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техниканинг янги намуналарини транспорт воситасига ортиш ва туширишга доир кўргазмали машғулотлар ўтказилиши;

Қўшинларни ташиш тадбирлари пинхона ўтказилиши, ниқоблаш воситалари ва усуллариининг қўлланилишига доир тадбирлар ижроси машқ қилиниб, меъёрига етказилиши **кўзда тутилади.**

Юк ортиш-туширишга доир ўқув машғулотлари, кўргазмали ёки синов тариқасидаги юк ортиш-тушириш тадбирлари ўтказилиши учун ҳарбий қисмларга ҳарбий ҳаракатлар органлари томонидан тақдим этиладиган талабномаларга мувофиқ:

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан:

икки қўшни станция орасидаги масофага (перегонга) чиқиш ҳуқуқи ҳавола этилмаган тарзда 10 дона темир йўл транспорти воситаси, юк ортиш-тушириш жойлари ва манёвр локомотивлари ажратилади.

Юк ортиш-туширишга доир ўқув машғулотлар, кўргазмали ёки синов тариқасидаги юк ортиш-тушириш тадбирлари ўтказилиши учун ажратилган бўлиб, ҳарбий қисм айби билан ишдан чиққан транспорт воситаси, мол-мулк ва жихозлар транспорт органига келтирилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш йўли билан тегишли ҳарбий қисм ҳисобидан таъмирланади.

Тегисли транспорт органида фаолият юритаётган мансабдор шахслар юк ортиш-туширишга доир ўқув машғулотлар, кўргазмали ёки синов тариқасидаги юк ортиш-тушириш тадбирларига жалб этилади.

Ҳарбий ташиш ва юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳарбий эшелонлар ташилгани учун ҳақ тўлаш тартиби ҳар бир ҳарбий транспорт тури учун жорий этилган.

1-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Қўшинларни ташиш тадбирларининг асосий тамойиллари. 2. Ташиш жараёнида мансабдор шахслар ва органлар олдига қўйиладиган талаблар.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
- Қўшинларни ташиш тадбирларининг асосий тамойилларини тушунтириш; - Ташиш жараёнида мансабдор шахслар ва органлар олдига қўйиладиган талаблар бўйича тўлиқ маълумот бериш.	- Қўшинларни ташиш тадбирларининг асосий тамойилларини тушуниш; - Ташиш жараёнида мансабдор шахслар ва органлар олдига қўйиладиган талаблар бўйича тўлиқ маълумот олиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий хужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

1-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиқ беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий хужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.

Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

2-МАЪРУЗА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ ВА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида транспорт

логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташкиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизматининг вазифалари.

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташкиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасини Мудофаа вазирлигида транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизмати, собиқ Совет иттфоқи давлатини бўлиниши натижасида ва республикамизнинг Қуролли кучларини ташкил этилиши муносабати билан вужудга келди.

Бу хизматни асоси қилиб - Совет иттифоқининг ҳарбий ҳаракатлар хизматининг темир йўлдаги ташкилий тузилиши ва республикамизнинг ҳаво йўлларидаги ҳаракатлар хизматини тузилиш таркиби асосида шаклланди.

Ҳарбий ҳаракатлар хизматининг кейинги ривожланиши эса республиканинг мустақиллик йилларида бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташкилий ва тузилиш шакллари ўзгариб борди ва ҳозирги даврда ҳарбий мақсадлар учун темир йўл, сув ва ҳаво ҳаракат йўллари ишлашга тайёрланган.

Ҳаракат йўлларида катта ҳажмда бузилишлар ва уларнинг натижасида радиациявий, кимёвий ва бактериологик воситалар билан заҳарланган майдонлар пайдо бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий ҳаракатлар хизматининг шахсий таркибидан доимо тезкорлик билан ҳаракатланиши, давлатнинг ички ҳудудларида ва транспортлардаги вазиятларни қисқа даврда керакли қарорларни қабул қила олиши, қўшинларни ҳаракатларини ва уларни моддий воситалар билан таъминлашда штаб, бошқарма ва бўлимлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатишни талаб этади.

Ҳарбий мақсад учун тайёрланган ва ишлатиладиган ердаги (темир йўл, автомобиль), сувдаги (даръё) ва ҳаво йўл ҳарбий ҳаракатлар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида темир йўл, сув ва ҳаво йўлларидаги ҳаракатларни махсус хизмат амалга оширади. У ҳарбий юкларни ташишни ташкиллаштиради ва уни бажарилишини назорат қилади. Унинг номи ҳарбий ҳаракатлар хизмати ва у республикамизнинг Мудофаа вазирлигини таркибига киради. Ўзбекистон Республикасини ҳарбий ҳаракатларини таъминлашда муҳим шартлардан бири, бу ҳаракат йўлларини яшовчанлигини ва қўшин, моддий таъминот воситаларини тўхтовсиз ташишни бажаришдир.

Хозирги кунда Мудофаа вазирлигини ҳарбий ҳаракатлар хизмати қўшинларни «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК воситаситаларида ташиш тадбирларини умумқўшин низомлар, ҳарбий ташиш тадбирларига оид низомлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштирилган бошқа меъёрий ҳужжатларда баён этилган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар жумласига:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизмати бошлиғи (шартли телеграф номи «ЗР»);

Ҳарбий округларда транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизмати бошлиғи (шартли телеграф номи «ЗО»);

темир йўл транспорти органларида:

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти қошидаги ЎР МВ қўшин ва юкларни темир йўл транспорти воситасида ташиш бўйича транспорт лагистикаси ва Ҳарбий ҳаракатлар маркази бошлиғи (шартли телеграф номи «З»);

темир йўл участкаси ва станцияси ҳарбий комендантлари (шартли телеграф номи «ЗКУ»);

темир йўл станцияси ҳарбий комендантлари (шартли телеграф номи «ЗК»);

Ҳарбий ҳаракатлар хизмати юқори ташкилоти Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазирлигини транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизмати ҳисобланади. Ҳар бир ҳарбий округда (ҳудудда), ҳарбий ҳаракатлар хизмати мавжуд, буларга хизмат бошлиғи раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон темир йўлларида транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизматини ўз вакиллик тизимига эга.

Мазкур вакиллик тизимининг бошлиқлари темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида маъмурий бирлигида Мудофаа вазирлигининг вакилари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги транспорт логистикаси ва ҳарбий ҳаракатлар хизматининг вазифалари.

Ҳарбий ҳаракатлар хизмати, темир йўлда ўзининг амалий ишларида иккита **асосий** вазифани бажаради:

1. Темир йўл тармоғини ялпи ҳарбий юкларни ташишни бажаришга тайёрлаш;

2. Республика минтақавий ва бекат ҳудудларига ҳамма турдаги ҳарбий юкларини ташишни бошқариш.

Биринчи масалани ечишда, яъни темир йўл тармоғини ҳарбий юкларни ташиш режаларини бажарилишини таъминлашда, ҳарбий ҳаракатлар хизмати қуйидагиларни бажариши керак:

ўзига тегишли ҳудудлар, чегараларида темир йўлларнинг техник ҳолатларини билишлари лозим (компания, минтақавий темир йўл ўзели, бекатлар);

давлатнинг мудофаа манфаатини кўзлаб, темир йўлни ривожланиши ва уни тайёргарлиги бўйича таклиф ва махсус талабларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишини назорат қилиш;

темир йўлини техник тайёргарлигини назорат қилиш.

Хамма турдаги ҳарбий юкларни ташишга боғлиқ бўлган хизмат раҳбариятлари билан биргаликда иккинчи масалани ечишда, ҳарбий ҳаракат хизматининг қуйи органлари қуйидагиларни бажаришлари мажбурийдир:

транспорт органларига ҳарбий юкларни ташиш вазифасини ўз вақтида тақдим этиши ва уни бажарилишини назорат қилиш;

транспорт органлари томонидан берилган ҳаракат таркибини ва бошқа воситаларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини назорат қилиш;

юклаш-тушириш воситаларини, қўшинларни ва ҳарбий юкларни юклаш жойларини сақланишини ва ишлатилишини назорат қилиш;

хавфли юкларни ташиш қоидаларини бажарилишини назорат қилиш ва уларни олиб бориш жараёнини эса махсус назорат остида амалга ошириш;

қўшин ва юкларни ташишни ҳарбий қисм ва муассасалар билан биргаликда амалга ошириш;

ҳарбий қўшинларни ҳаракат таркибига юклашда, туширишда ва уларни манзилга олиб бориш даврида сақлаш, қўриқлаш ва ҳимоя тадбирларини бажарилишини назорат қилиш;

қўчирилаётган қўшинларни моддий ва тиббий таъминланишини таъминлаш;

Мудофаа вазирлигининг ҳаракат таркибини ва объектларга келадиган йўлларни таъмирланганлигини, ишлатилишини ва сақланишини назорат қилиш;

қўшинларни ташиш тадбирларини ўз вақтида режалаштириб, транспорт органининг тегишли муассасасига ташиш тадбирларининг режаси ва бажариладиган ишларга оид топшириқларни тақдим этиш;

темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби ва ҳаво кемалари, юк ортиш-тушириш воситаларидан оқилона фойдаланишни ташкиллаштириш;


ҳарбий ташиш тадбирларини барқарор, узлуксиз, тезкор ва пинхона бошқариш;

ташилаётган қўшин командирлари, штаблари, ҳарбий эшелон бошлиқлари ва транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар билан чамбарчас ҳамкорлик қилиш;

катта бекатларда ҳарбийларга хоналарни ажратилишини, ҳарбий чиптахона ва одамлар ташийдиган поездларда ҳарбий командаларга ва алоҳида кетаётган ҳарбий хизматчиларга жой ажратилишини назорат қилиш;

транспортларда кетаётган ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизомни таъминлаш;

ҳарбий қўшинларни транспортда ташиш учун ишлатилаётган пул миқдорлар ҳисоботини назорат қилиш ва ўз вақтида ТЙАЖ ва бошқа транспорт хўжаликлари билан ҳамма молия ҳисобларини ўтказишни таъминлаш;



ҳамма ҳарбий юкларни ташиш ҳисобини олиб бориш ва ўрнатилган хисоботларни муддатида бериш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ечиш учун ҳарбий ҳаракатлар хизматини қуйи органларида ҳарбий ходимлардан ташкил топган аппарат мавжуд. Улар ўз фаолиятида транспорт, қўшинлар штаби, мудофаа муассасалари билан энг яқин алоқаларда бўладилар.

Ҳарбий ҳаракатлар хизматини темир йўлдаги қуйи органларининг мансабдор шахслари:

темир йўл бошқармасидаги ҳарбий ҳаракатлар бошлиғи;

минтақавий темир йўл ўзелидаги ҳарбий коменданти;

темир йўл бекатларидаги ҳарбий коменданти;

Бу мансабдор шахслар ва ҳарбий ҳаракатлар қуйи органларини зобитлари Мудофаа вазирлигини мухтор вакиллари ва уларга кўчирилаётган қўшинларнинг ҳамда темир йўл транспортининг вакиллари билан ўзининг вакиллик ҳуқуқи доирасидаги ҳарбий юкларни ташиш бўйича ҳамма саволларни ечиш имконияти берилган.

Темир йўл транспортида ҳарбий ҳаракатлар хизматининг қуйи органларининг мансабдор шахсларидан ҳарбий юкларни ташишни ва уларни назорат қилишни бевосита ташкиллаштирувчи ҳамда кўчирилаётган ҳарбий қўшин ва транспорт органларининг вакиллари билан алоқа қилувчи – бу темир йўл бекатларидаги ҳарбий комендант ва унинг ёрдамчиси.

Ҳарбий эшелонларни ўз вақтида ҳаракат таркибига юклашни таъминлашга ҳарбий комендантни мажбурияти:

ҳарбий қисм ва эшелон бошлиғи билан ҳамкорликда ҳар бир эшелонни ташиш ҳисобини аниқлаш ва эшелонларни юклашга тайёргарлигини текшириш;

эшелон бошлиқларига ташиш қоида ва тартиблари бўйича йўл-йўриқ бериш, бунда кўпроқ ҳарбий техника ва қурол-яроғларни ўз вақтида тўғри

юклаш ва уларни маҳкамлаш, ҳаракат таркибларидан унумли фойдаланиш масалаларига эътибор берилади;

эшелон бошлиқлари билан ҳамкорликда ҳаракат таркибидан унумли фойдаланишни кўзлаб эшелонларни юклаш режаларини ишлаб чиқиш;

ҳарбий юкларни юклаш-тушириш жойларининг ҳолатини кузатиш;

транспорт воситаларини таёргарлигини ва уларни ўз вақтида юкланиш жойларига келишларини назорат қилиш;

транспорт органи ходимларига қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни маҳкамлаш учун керакли мосламалар ҳамда юклаш-тушириш аслахалари учун буюртмаларни ўз вақтида баён қилиш;

кўчирилаётган қўшинларни ўрнатилган юклаш муддатлари, юкларни тўғри жойлашганлигини, маҳкамланганлигини ва транспорт воситаларида қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни ниқобланганлигини ҳамда эшелон бошлиқларининг ўз вақтида, керак булган барча транспорт ҳужжатларини расмийлаштирилганлигини кузатиш;

эшелонни яширин юкланиши ва уни ниқобланиш талабларини бажарилишини назорат қилиш;

юкланган эшелонларни жўнатилишига тайёрлигини текшириш ва бошқалар;

ҳарбий юклар ортилиб бўлганида махсус юклаш-тушириш жойларини тартибга келтирилганлигини текшириш;

Ҳарбий эшелонларни ўз вақтида ўтиб кетишини таъминлаш учун ҳарбий комендант мажбур:

темир йўл органи ходимлари билан ҳарбий эшелонларни ўтказиб юбориш ва бекатларда тўхтаб туриш вақтларини келишиб темир йўл участкаларида уларни ҳаракатларини назорат қилиш;

моддий ва тиббий пунктларнинг шахсий таркибини ҳарбий эшелонларга хизмат қилишга таёргарликларини текшириш;

ҳарбий эшелонли поездни кутиб олиш ва эшелонни озиқ-овқат, сув, ёқилғи ва шамлар билан таъминланганлигини, юкларни мустаҳкам маҳкамланганлигини, техникаларни ниқобланганликларини, эшелонни санитар-эпидемиологик ҳолатини текшириш;

олинган буюртмага асосан эшелонларни моддий ва тиббий таъминотини ташкиллаштириш;

ҳаракат ҳудудларидаги ҳаво, радиацион, кимёвий ва бактериологик ҳолатлар тўғрисида ҳамда моддий ва тиббий таъминотларни олиш тартибини ва темир йўл участкасидаги ҳаракат жадвалларини эшелон бошлиғига хабар бериш.

Ҳаракат йўналишида давомли тўхташ рўй берганида, ҳарбий комендант эшелон бошлиқларига бу тўғрисида ахборот беради ва юқори бошлиқларни қарорларини, бузилган участкаларни четлаб ўтиш ёки эшелонни поезддан туширишни ташкиллаштиради ва белгиланган ҳудудга бориш учун қайтадан ҳарбий юкларни юклаш пунктининг йўналишини кўрсатади.

Ҳарбий комендант темир йўл участкаси ва станцияси ҳудудидаги ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизом сақланиши ва ҳарбий кийим кийиш қоидаларига амал қилиниши устидан мунтазам кузатиб боришга мажбур.

Ҳарбий комендантнинг ўз маъсулиятидаги темир йўл станцияси ҳудудига кириб келган ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш буйича ҳамда ҳарбий юк ортилган транспортни кўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул таркибига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Умумқўшин низомларида белгилаб қўйилган.

Қўшинларни ташиш жараёнини, одатда, имкон қадар тез амалга ошириш талаб этилади ва бу ҳарбий ташиш тадбирларига бевосита дахлдор бўлган мансабдор шахсларнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири саналади, қўшинларни ташиш тадбирларининг муддатлари фақат ҳарбий ҳаракатлар

хизмати билан мувофиқлаштирилган тарзда ўзгартирилиши мумкин.

Қўшинларни ташиш тадбирлари пинхона кечишини таъминлаш ҳарбий қисм командирлари ва штаблари, ҳарбий ҳаракатлар ва транспорт органларида фаолият юритадиган мансабдор шахсларнинг энг муҳим мажбуриятларидан биридир.

Ҳарбий ташиш тадбирларига оид маълумотларнинг ошкор бўлишида айбдор деб топилган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

2-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташиқлаштириши. 2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаракатлар хизматининг вазифалари.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириши.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташкиллаштиришни тушунтириш;	• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳарбий ҳаракатлар хизматини ташкиллаштиришни тушуниш;
• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаракатлар хизматининг вазифалари бўйича тўлиқ маълумот бериш.	• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаракатлар хизматининг вазифалари бўйича тўла маълумот олиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоён этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

2-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиқ беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган	Тинглайдилар ва ёзиб

	мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини таркатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишшни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарҳ мобойида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади

	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб олади

3-МАЪРУЗА: Ҳарбий юкларни темир йўл транспортида ташишни ташкиллаштириш асослари

Режа:

- 1. Темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари.**
- 2. Ҳарбий эшелонларни (командаларни) ташишга тайёрлаш бўйича ҳарбий қисм командири ва штаби томонидан олиб бориладиган ишлар.**

1. Темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари.

Темир йўл транспорти юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларни ташишни амалга ошириш пайтида юк жўнатувчилар, юк олувчилар, йўловчилар, жисмоний ва юридик шахслар, бошқа турдаги транспорт ва транспорт воситаларининг мулкдорлари билан муайян ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади:

- *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси;*
- *“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;*
- *Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави;*
- *темир йўл транспортида юкларни ташиш Қоидалари;*
- *темир йўл транспортида йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш Қоидалари;*

- темир йўл транспортида юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг Техник шартлари.

“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига асосан 1999 йил 15 апрелда амалга киритилган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни темир йўл транспорти қонун ҳужжатларининг асосий бош манбаларидан бири ҳисобланади. Унда темир йўл транспортининг республикамиз ҳўжалигини иқтисодий ва ижтимоий соҳасидаги тутган ҳуқуқий ўрни белгилаб қўйилган. Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддаси асосий тушунчаларга бағишланган. Бу моддада темир йўл транспорти, темир йўл транспорти корхонаси, муассасаси ва ташкилоти, темир йўл Устави, транспорт хизматлари бозори, ташиш жараёни, умумий фойдаланишдаги темир йўллар, юк, йўловчи, багаж, юк багажи, юк жўнатувчи, юк олувчи, хавфли юклар, ажратилган минтақа, муҳофаза зоналари каби ибораларга таъриф берилган.

Қонуннинг 8-моддаси темир йўл қатновларининг турлари ва махсус ташишларга бағишланган бўлиб, бу моддада ички қатновларга, ҳалқаро қатновларга, тўғри аралаш қатновларга ва алоҳида муҳим давлат ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган махсус ташишларга таърифлар берилган. Темир йўл шохобча йўллари, уларнинг ишлаш шарт – шароитлари, ҳамда темир йўл шохобчалари мулкдорлари билан темир йўли ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши қонуннинг 9-моддасида белгиланган.

Қонунда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилган, чунки йўловчиларни ҳаёти ва соғлиғи, ҳамда юк, багаж ва юк багажларни ўз вақтида асраб-авайлаб етказиб бериш, темир йўл ходимларини меҳнати ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш бевосита ҳаракат ҳавфсизлигига боғлиқдир (Қонуннинг 21-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 октябрь 2008 йил № 232 Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави амалда, собиқ Иттифоқ темир йўл Устави эса ҳалқаро катновларда қўлланилмоқда. Устав темир йўлини ҳамда темир йўл транспортдан фойдаланувчи корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг мажбурияти, ҳуқуқи ва жавобгарлигини белгилайди.

V-боб “Темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари” га (49 - 74 - бандлар) бағишланган бўлиб бу бобда ташиш жараёнинг дастлабки ва сўнги операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган юк ва тижорат ишларини бажаришда темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ, мукамал ва батафсил баён этилган.

2. Ҳарбий эшелонларни (командаларни) ташишга тайёрлаш бўйича ҳарбий қисм командири ва штаби томонидан олиб бориладиган ишлар

1. Ҳарбий қисмни ташиш тадбирлари, тегишли ҳарбий қисм командири томонидан ҳарбий ҳаракатлар органи билан биргаликда ташкиллаштиради. Ҳарбий ташиш жараёнида узилиш рўй берган (ушбу жараён тўхтатилган) ҳолатда ташилаётган қўшиннинг қисқа муддат ичида ташиш тадбирларидан марш юришга ўтиш шайлигини таъминлайдиган тадбирлар ушбу ҳарбий қисм командири ва ҳарбий ҳаракатлар органи томонидан назарда тутилиши шарт.

Ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш учун сарф этиладиган вақтни имкон қадар қисқартириш мақсадида ҳарбий қисм штабида транспортнинг ҳар хил турлари воситасида амалга ошириладиган ҳарбий ташиш тадбирлари, шу жумладан, қўшинлар кўчиб ўтишининг уйғун қўлланилган усулларига доир чиқарилган ҳисоб-китобларнинг белгиланган

вариантлари бўлиши лозим.

Техникани транспорт воситасининг маълум турига ортиш ва маҳкамлашга оид техник шартлар ҳамда ҳарбий қисм бўлинмаларининг жанговар ва миқдорий таркибида ўзгаришлар рўй берган сари юқорида зикр этилган ҳисоб-китобларга аниқликлар киритилиб борилиши даркор.

2. Ҳарбий қисмни ташишга доир чиқариладиган ҳисоб-китоблар учун қўлланиладиган дастлабки маълумотлар сифатида:

ҳарбий қисм бўлинмаларидаги шахсий таркиб сони, улар тасарруфида мавжуд техника миқдори, вазни ва ташки ўлчамлари;

ҳарбий эшелон шахсий таркибини вагонларга жойлаштириш меъёрлари;

ҳарбий эшелон ортиладиган поезднинг умумий вазни ва узунлиги;

қўшинларни ташиш жараёнида қўлланиладиган транспорт воситаларининг асосий тактик ва техник хусусиятлари;

йўл давомида таъминотнинг барча турларини ташкиллаштириш учун қўлланиладиган куч ва воситалар бор-йўклиги;

ташиш тадбирлари амалга ошириладиган умумий масофа, бундай тадбирларни амалга ошириш шартлари ва ўзига хос жихатлари хизмат қилади.

Ҳарбий эшелон ташиладиган поезднинг умумий вазни ва узунлиги, ташиш тадбирларига ажратиладиган ҳаво кемаларининг русумлари, бундай тадбирларнинг шартлари ва ўзига хос жихатлари ҳақидаги, ҳарбий қисм штабига тегишли ҳисоб-китоблар чиқариш учун зарур бўладиган маълумотлар юқори поғонадаги штаб томонидан маълум қилинади.

3. Ҳарбий қисмни ташишга доир чиқариладиган ҳисоб-китоблар имкон қадар:

ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш давомида ҳарбий қисм бўлинмаларининг ташкилий яхлитлиги ва жанговар вазифаларни мустақил равишда бажаришга шайлиги сақлаб қолинишини;

юк ортиш-тушириш тадбирлари ва йўл юриш ҳаракатларининг ПИНХОНИЙЛИГИНИ;

бўлинмаларнинг кудратли, ўзоқ масофага юриши кўзда тутилмаган, марш юриш тезлиги паст бўлган қурол-аслаҳалари, ҳарбий ва махсус техникаси алоҳида поездларга ортилган тарзда ҳарбий қисмнинг уйғун қўлланиладиган ташиш усулларига ўтишини;

алоқа воситалари ва таъминотнинг бошқа турларига мансуб воситалар бўлинмалар ҳарбий эшелонлар буйича тенг тақсимланишини;

бўлинмаларни транспортдан тушгандан сўнг бажарадиган вазифаси ва амалга ошириши лозим бўлган хатти-ҳаракатлари инобатга олинган ҳолда жўнатиш ва уларнинг белгиланган пунктларга етиб бориш навбатини;

хавфсизлик қоидаларига амал қилиш шартлиги, ҳарбий эшелонни тез ортиш-тушириш (бошқа транспорт турига қайта ортиш) талаблари инобатга олинган ҳолда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани транспорт воситаларига зич жойлаш имконини;

моддий воситалар захирасини ташиладиган техника кузовига максимал жойлаш имконини таъминлаши лозим.

4. Ҳарбий қисмни ташишга доир чиқариладиган ҳисоб-китоблар мазмунан:

темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби, ҳаво кемалари, транспортга ортилган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани маҳкамлаш материаллари ва мосламаларининг зарурий совини (миқдорини) белгилаш;

транспорт воситаларининг юк кўтариш қобилияти ва юк олиш ҳажмидан максимал фойдаланган тарзда бўлинмаларнинг поездларга оқилона тақсимлаб чиқилишидан иборат. Ҳарбий ташиш тадбирларининг муайян йўналиши учун поезд вазни ва ўзунлигига оид унификация қилинган меъёр поездлар қатнаш жадвали билан белгиланади. Битта поезд вазни ва узунлиги сифатида қуйидаги меъёрлар эътироф этилади: 1500 тонна, 40 та

шартли вагон; 3000 тонна, 57 та шартли вагон.

5. Ҳарбий эшелон ортилган поезд вазни ва ўзунлиги ташиш йўналишининг чекланган участкаси бўйлаб амалга ошириладиган поездлар қатнаш жадвали билан белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги шарт.

Поезд вазни шахсий таркиб, ҚА ва ҲМТ ҳамда вагонлар идиши вазнларининг умумий йигиндисидан (локомотивлар вазни ҳисобга олинмаган ҳолда) ҳосил бўлади.

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техниканинг вазни аникланаётганида уларнинг жанговар комплекти, қўйилган ёқилги-мой махсулотлари ва бошқа моддий воситалар захирасининг вазни ҳам ҳисобга олиниши даркор.

Одам ташиш учун мўлжалланган ёпик вагон ёки йўл давомида ишлатиладиган дала ошхонаси учун соф оғирлиги 33 тонна, йўловчи ташиш учун мўлжалланган юмшок вагон учун 3 тонна, қаттиқ купе вагон учун 4 тонна, купе бўлмаган, ётиш жойларига эга қаттиқ вагон учун 6 тонна, купе бўлмаган, ўтириш жойлари билан жихозланган вагон учун 8 тонна юк бўлиши белгиланган.

Поезд узунлигининг ҳисоби шартли вагон ҳисобида чиқарилади.

6. Темир йўл транспорти воситасида ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш вазифасини олган ҳарбий қисм штаби:

ҳарбий ташишга доир муқаддам чиқарилган ҳисоб-китобларга аниқлик киритади;

ҳарбий ҳаракатлар органлари билан ҳарбий эшелонларни ортиш тартибини мувофиқлаштиради;

ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси ҳарбий комендант номига юк ортишга талабнома ва ҳарбий ташишга доир чиқарилган ҳисоб-китобни йўллаб, ундан ҳарбий эшелонларга бериладиган шартли рақамларни аниқлайди.

Марш юрадиган ва ҳар хил транспорт турида ташиладиган бўлинмалар ҳаракатига доир чиқарилган ҳисоб-китоблар шундай мувофиқлаштирилган

бўлиши лозимки токи, ташиш тадбирлари жараёнида узилиш рўй берса, ушбу бўлинмаларнинг тез орада бирлашиш имкони бўлсин. Бўлинмаларни ҳар хил транспорт турида ташиш муддатлари, ушбу бўлинмалар жамланиш ҳудудига имкон қадар бир вақтда етиб келиши кераклиги инобатга олиниб белгиланади.

7. Ҳарбий ташиш тадбирлари ғоясида ҳарбий қисм командири бир қатор масалаларни, жумладан:

ҳарбий қисмни ташиш учун зарур бўладиган ҳарбий эшелонлар сонини;
бўлинмаларнинг транспортга чиқиш ва йўлга чиқиш навбатини;

бўлинмаларнинг эшелонлар буйича ҳамда транспортга чиқиш станциялари бўйича тақсимотини;

бўлинмалар учун дастлабки, кўтиш, йиғилиш ва жамланиш ҳудудларини, ушбу ҳудудларнинг муҳандислик жихатидан жиҳозланишини, зикр этилган ҳудудлар ва транспортга чиқиш жойлари томон ҳаракатланиш йўналишлари ва етиб бориш вақтини;

ҳарбий ташиш тадбирлари жараёнида узилишлар рўй берса, ҳарбий қисм томонидан амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар тартибини;

қўшинларни бошқариш, ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш, оммавий кирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш, қўриқлаш, жанговар жихатдан таъминлаш тадбирлари қандай ташкиллаштирилишини белгилаб ўтади.

Ҳарбий ташиш тадбирларини транспорт воситасида ташиш усуллари уйғун қўлланилган тарзда ташкиллаштириш ғоясида эса ҳарбий қисм командири, юқорида санаб ўтилган масалалардан ташқари, темир йўл транспорти воситасида ташиладиган, марш юриб борадиган бўлинмалар таркибини ҳамда ҳаракатланаётган ушбу бўлинмаларни бошқариш тартибини белгилайди.

Ташиш тадбирларини ташкиллаштиришга ажратилган вақт чекланган бўлса, ҳарбий қисм командири ташиш тадбирларининг ғоясини белгилагач, бўйсунувчи бўлинма командирларига олдиндан бериладиган жанговар

кўрсатмалар беради. Ушбу кўрсатмаларда, одатда:

- душман ҳақида қисқача маълумотлар;
- ҳарбий қисм олдида турган вазифалар;
- ташиш тадбирларига жалб этилган транспорт тури;
- ташиш тадбирларининг йўналиши (ҳаракат йўналиши);
- жамланиш ҳудуди ва вақти;
- дастлабки ҳудуд;
- транспортга чиқиш-тушиш ҳудудлари;
- транспортга чиқиш-тушишга ажратилган вақт;
- бўлинмалар олдида турган вазифалар яъни, қайси транспорт воситаларига чиқилиши, дастлабки ҳудуд ва унга етиб бориш вақти, транспортга чиқиш-тушиш станциялари, кўтиш ҳудуди;
- ташиш тадбирларига ажратилган ҳарбий эшелонлар сони ва уларнинг юк кўтариш қобилияти;
- юк ортиш станцияларига тайинланадиган оператив гуруҳлар таркиби;
- транспортга чиқишга шайлик вақти кўрсатиб ўтилади.

8. Ҳарбий қисм командири ҳарбий ташиш тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисидаги буйруғида:

бўлинмалар томонидан бажариладиган вазифалар, эшелонлар, командалар сони ва рақами, транспортга чиқиш-тушиш учун тайинланган асосий ва захира станциялар, транспортга чиқиш-тушишдан олдин эгалланадиган дастлабки ҳудуд, кўтиш ҳудуди ва йигилиш ҳудуди, ушбу ҳудудлар томон ҳаракатланиш йўналишлари, тартиби ва вақти, транспортга чиқиш-тушиш учун ажратилган вақт (хусусан, бошланиши ва якунига етиши), тадбирларни пинхона амалга ошириш ва ниқоблашга доир чоралар, транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида қўшинларни ҳимоя қилиш учун тайинланган зенит-ракета бўлинмалари олдида турган вазифалар;

ҳарбий қисмнинг ташиш тадбирларига шай бўлиш вақти ва бошқалар.

Ҳарбий қисм командири томонидан тегишли вазифалар белгилаб ўтилгач, транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида, шу жумладан, ташиш жараёнлари узилиб қолган (тадбирлар тўхтаган) ҳолларда бўлинмалар таъминотини ташкиллаштириш масалаларига доир кўрсатмалар берилади.

9. Ташиш тадбирларига тайёргарлик кўриш давомида ҳарбий қисм командири:

ўз тасарруфидаги штаб, қўшин ва хизмат тури бошлиқлари ва бўлинма командирлари билан биргаликда шахсий таркиб транспортга чиқадиган ҳудудларни кўриб, ўрганиб чиқади;

дастлабки ҳудуд ва кўтиш ҳудудига, бундай ҳудудлар ва транспортга чиқиш жойлари томон йўл юриш йўналишларига аниқлик киритади;

темир йўлни кесиб ўтиш жойларидан ўтиш тартибини белгилайди.

Зикр этилган ҳудуд ва объектларни кўриб, ўрганиб чиқиш давомида ҳарбий қисм командири:

қўшинларни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш, оммавий қирғин қурол таъсиридан саклаш, ниқоблаш тадбирларини ташкиллаштириш масалаларига аниқлик киритади;

транспортга чиқиш ҳудудини муҳандислик жихатидан жихозлаш, ушбу ҳудуд томон йўл юриш йўналишларини ҳозирлаш буйича амалга ошириладиган ишлар ҳажмини, бундай тадбирларни амалга ошириш вақти, шунингдек, кимёвий таъминот, техник таъминот, фронт орти таъминоти ва комендантлик хизматини ташкиллаштириш тартибини белгилайди;

транспортга чиқиш жойлари томон йўл юриш ва транспортга чиқиш давомида бўлинмаларни бошқариш ва улар билан алоқа боғлаб бориш масалаларини ҳал этади.

Транспортга чиқиш жойлари ҳамда бўлинмаларнинг кутиш ҳудудидан транспортга чиқиш жойлари томон йўл юриш йўналишларини кўриб, ўрганиш тадбирларида ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти ҳам иштирок этади.

Транспортдан тушиш, йиғилиш ва жамланиш ҳудудларини кўриб, ўрганиб чиқиш тадбирлари ташилаётган ҳарбий қисм штаби, қўшин ва хизмат турига мансуб офицерлар ёки юқори поғонадаги штаб офицерлари томонидан амалга оширилади.

10. Ҳарбий эшелон бошлиғи, ҳарбий эшелон бўйича навбатчи, унинг ёрдамчиси ва бўлинма бўйича навбатчи кўкрагининг чап соҳасига (чап энгига) тегишли ёзувлар битилган кўкрак нишонини тақиб олади.

11. Ҳарбий эшелонларга қарашли қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ва ХМТ) ташиш тадбирларига, одатда, кутиш ҳудудида бўлинмалар ихтиёридаги куч ва воситалар билан ҳозирланади.

Бўлинмалар транспортга чиқиш жойи томон йўл оладиган навбат шундай тайинланиши лозимки токи, улар станцияга етиб келиши билан транспортга чиқишга киришсин.

12. Транспортга чиқиш станцияси томон йўл юриш ва транспортга чиқиш амаллари давомида бўлинмалар дастлабки ҳудудда ташкил этилган қумондонлик пунктидан бошқарилади.

Ҳарбий қисм командири ва штаби ҳарбий эшелонлар билан бирга йўлга чиққач, қолган бўлинмаларнинг транспортга чиқишини бошқариш маъсулияти энг сўнгги ҳарбий эшелон билан йўлга чиқадиган ҳарбий қисм командирининг ўринбосарларидан бири ҳамда ҳарбий қисм штабига мансуб бўлиб, ушбу тадбир ўтказилиши учун атайин тайинланган офицерлар зиммасига юкланади.

Транспортга чиқиш тадбирлари давомида бўлинмаларни узлуксиз бошқариб бориш учун дастлабки ҳудуд ва кутиш ҳудудларида жойлашган бўлинмалар, транспортга чиқиш станциясига етиб борган офицерлар, ҳаракатларни мувофиқлаштириш постлари ва ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти билан алоқа ташкил этилади.

Ҳарбий эшелонларни қарши олиш ва манзилга етиб келган

бўлинмаларни жойлаштириш масъулияти транспортга чиқиш-тушиш, йигилиш ва жамланиш ҳудудларини кўриб, ўрганиб чиқиш тадбирларини амалга оширган штаб офицерларининг зиммасига юкланади.

Ҳарбий эшелонларни симли ва радио алоқа воситалари орқали бошқариш амаллари қўшинларни пинхона бошқариш ҳужжатларида баён этилган талабларга амал килинган ва тегишли усуллар қўлланилган тарзда бажарилади.

Транспортга чиқиш-тушиш пунктлари томон марш юриб бораётган ёки транспортнинг ҳар хил турлари воситасида ташилаётган қўшинлар билан алоқа кумондонлик тасарруфидаги алоқа воситалари ҳамда транспорт органларининг алоқа тизими орқали олиб борилади.

13. Шахсий таркибнинг транспортга чиқиши-тушиши ҳамда ҚА ва ҲМТни ортиш-тушириш тадбирлари пинхона, хавфсизлик қоидаларига амал килинган ҳолда, белгиланган муддатда ва транспорт воситаларига зарар етказилмаган тарзда амалга оширилиши шарт.

14. Транспортга чиқиш ҳудудидаги кўрикчилик ва комендантлик хизмати сўнгги эшелонда йўлга чиқадиган бўлинма шахсий таркиби, йўл давомида - суткалик наряд таркиби, транспортдан тушиш жойларида эса биринчи эшелонда келган бўлинмалар шахсий таркиби томонидан олиб борилади.

Амалга ошириладиган барча тадбирларнинг ниқобланишига бўлинмаларнинг кутиш ҳудудлари ва транспортга чиқиш ҳудудларига пинхона бориши, юк ортиш-тушириш ишлари тунги соатларда ўтказилиши, штатга илова қилинган жадвалда кўзда тутилган ва маҳаллий ниқоблаш воситаларининг мохирона қўлланилиши билан эришилади.

15. Эшелонлар ташиладиган йўналиш ва улар тушириладиган станциялар ташиш тадбирларини ташкиллаштирган юқори поғонадаги штаб билан биргаликда ҳарбий ҳаракатлар органлари томонидан белгиланади.

Ташиш жараёнида эшелонлар ташиладиган йўналиш ёки муайян эшелон тушадиган станциялар ўзгарган ҳолда ҳарбий кумондонликнинг бундай ўзгаришлар ҳақидаги кўрсатмалари эшелон бошлиғига ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий комендантлари орқали етказилади.

16. Ташилаётган қўшин ҳар қандай фурсатда транспортдан тушиш, йўлнинг қолган қисмини марш юриб ўтиш ва жангга киришишга шай бўлиб бориши шарт. Темир йўл транспорти воситасида ташилаётган ҳарбий қисм ташиш тадбирлари давомида узилишлар юзага келган ёки ушбу тадбирлар ҳарбий қисм командирининг буйруғи ёхуд катта бошлиқнинг ҳарбий ҳаракатлар органи вакиллари орқали етказилган кўрсатмасига биноан тўхтатилган ҳолда транспортдан тушиб, қўшинлар транспортга чикиб-тушадиган янги жой ёки тайинланган ҳудуд томон мустакил равишда йўлга чиқади.

3-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. <i>Темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари.</i> 2. <i>Ҳарбий эшелонларни (командаларни) ташишга тайёрлаш буйича ҳарбий қисм командири ва штаби томонидан олиб бориладиган ишлар</i>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Темир йўл транспорти қонун ҳужжатларини таништириш; • Ҳарбий эшелонларни (командаларни) ташишга тайёрлаш буйича ҳарбий қисм командири ва штаби томонидан олиб бориладиган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш.	• Темир йўл транспорти қонун ҳужжатларини танишиш; • Ҳарбий эшелонларни (командаларни) ташишга тайёрлаш буйича ҳарбий қисм командири ва штаби томонидан олиб бориладиган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш.
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

3-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг

Ўқув машғулоти кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-лариға ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскаға ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-лариға ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига	Тинглайдилар шарҳ мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.

	жалб қилади.	
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

4-МАЪРУЗА: ҲАРБИЙ ЭШЕЛОНЛАРНИ ТАШИШДА ПОЕЗДЛАР ТАРКИБИНИ ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ТУЗИШ

Режа:

1. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш.

2. Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд тузиш.

1. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш.

Ҳарбий эшелонлар ташилиши учун темир йўл транспорти органи темир йўл транспортининг бир қатор воситаларини ҳавола этади. Бундай воситалар жумласига:

йўловчи ташиш вагонлари ва шахсий таркиб ташиш (одам ташиш) учун жихозланган ёпик вагонлар, шунингдек, ярадор ва беморларни ташиш учун мўлжалланган тиббий вагонлар;

йўл давомида ишлатиладиган дала ошхоналари ўрнатиладиган ёпик вагонлар (вагон-ошхоналар) ҳамда эшелон тариқасида ташилаётган автомобиль техникаси ва бошқа турдаги техника кузовларига жойлаштирилмайдиган моддий воситаларни ташиш учун ажратиладиган ёпик вагонлар;

озик-овқат махсулотлари ва ташиш давомида муайян ҳарорат режими сақланиши талаб этиладиган моддий воситалар учун изотермик вагонлар;

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани ташиш учун мўлжалланган платформалар ва яримвагонлар киради.

Эшелон шахсий таркибини ташиш учун йўловчи ташиш вагонларини тақдим этиш тартиби *Ўзбекистан Республикаси темир йўл транспортida йўловчилар, багаж ва юк ташиши қоидаларида* белгиланган.

Одам ташиш вагонлари, тиббий вагонлар, вагон-ошхоналар ва озиқ-овқат махсулотларини ташиш вагонлари (озик-овқат махсулотлари омбори сифатида қўлланиладиган вагонлар) санитария жихатидан тайёрланган бўлиб, ўрнатилиб-ечиладиган жихозлар билан таъминланган бўлиши шарт.

Ҳарбий эшелон бир суткадан ортиқ йўл юрадиган бўлсагина, дала ошхоналари ўрнатиладиган ёпиқ вагонлар тақдим этилади. Агар озиқ-овқат махсулотларининг вазни 2 тоннадан енгил бўлса, улар учун алоҳида вагон ҳавола этилмайди. Бундай ҳолатда озиқ-овқат махсулотлари вагон-ошхона ёки бошқа вагонларга ортилади.

Ташиш тадбирлари уч суткадан ортиқ давом этиб, ташиш давомида муайян ҳарорат режими сақланиши талаб этиладиган озиқ-овқат махсулотларининг вазни икки тоннадан оғир бўлган ҳолдагина ҳарбий эшелон таркибига изотермик вагон киритилиши мумкин.

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани ташиш учун платформалар тақдим этилади. Платформалар сони етарли бўлмаса, ҳарбий ҳаракатлар органлари билан мувофиқлаштирилган тарзда ҚА ва ХМТнинг айрим турларини ортиш учун яримвагонлар тақдим этилиши мумкин. Платформалар ўрнига яримвагонларни қўллаш амаллари яримвагонларга бўлган реал эҳтиёж ва бундай вагонларга ҚА ва ХМТни жойлаштириш имкони бор-йўқлиги инобатга олинган ҳолда бажарилади.

Ҳарбий эшелонларни ташиш учун темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш ишлари темир йўл

транспорти органи томонидан амалга оширилади. Ушбу тадбирлар ўз ичига:

темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини (вагон ва платформаларни) кўздан кечириб чиқиб, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти (АЖ) томонидан жорий этилган *Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибидан техник жихатдан фойдаланиш қоидаларида* баён этилган талабларга жавоб берадиган воситаларни (вагон ва платформаларни) саралаш;

вагонларни чиқинди, қор ва муз қопламаси, муқаддам ташилган юк қолдиқлари ва ишлатилган юк маҳкамлаш материалларидан тозалаш, ортиқча ёзув ва расмларни бартараф этиш;

одам ташиш вагонлари, тиббий вагонлар, вагон-ошхоналар ва озиқ-овқат маҳсулотлари омбори сифатида қўлланиладиган вагонларни иссиқ сув билан ювиб, дезинфекция қилиш, қуриштириш ва шундан сўнг, ўрнатилиб-ечиладиган жихозларни вагонга ўрнатиш;

одам ташиш вагонлари, тиббий вагонлар, вагон-ошхоналар ва озиқ-овқат маҳсулотлари омбори сифатида қўлланиладиган вагонларнинг устки юк ортиш-тушириш люкларини тўлиқ ёки қисман ёпиш, йўловчи ташиш вагонларини тегишлича (ўрин-жой анжомлари, чойшаб тўпламлари, анжом-аслахалар билан) жихозлаш;

темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳарбий эшелоннинг тақдим этилган тузилиш чизмасига мувофиқ тузиш;

темир йўл транспорти воситаларининг тузилган ҳаракатчан таркибини назорат кўригидан ўтказиш тадбирларини мужассам этади.

Такроран ортиладиган бўлса, зарурат тугилган ҳолларда, йўловчи ташиш вагонлари дезинфекция қилинади, одам ташиш вагонлари, тиббий вагонлар, вагон-ошхоналар ва озиқ-овқат маҳсулотлари омбори сифатида қўлланиладиган вагонлар бундан ташқари, иссиқ сув билан ювилади.

Темир йўл транспорти воситаларининг ҳарбий эшелон ташиш учун тузилган ҳаракатчан таркибини назорат кўригидан ўтказиш тадбирлари

Минтақавий темир йўл узели бошлиғи томонидан тайинланган комиссия томонидан амалга оширилади.

Ушбу комиссия таркибига:

комиссия раиси - тегишли станция бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

комиссия аъзолари:

темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти;

вагон депоси бошлиғи;

санитария шифокори ёки зикр этилган муассасалардан тайинланган вакиллар киради.

Комиссия томонидан ўтказилган назорат кўригининг натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатноманинг биринчи нусхаси станция бошлиғи, иккинчи нусхаси эса темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти ихтиёрида сақланади.

Комиссия томонидан ўтказилган назорат кўриги якунига етгач, ёпик вагонларнинг эшиклари ёпилиб, эшма сим ўтказилган тарзда кўрғошин тамға воситасида муҳрланади.

Юк ортилиши (бўлинмалар шахсий таркиби чиқиб жойлашиши) учун темир йўл транспорти воситаларининг янги тузилган ҳаракатчан таркиби ўз вақтида тақдим этилади.


Зарурат туғилса, темир йўл транспорти воситаларининг янги тузилган ҳаракатчан таркиби дозиметрик, кимёвий ва бактериологик (биологик) текширувдан ўтказилади.

Зарарланиш даражаси белгиланган меъёрдан ортган вагонлар алмаштирилади ёки дезактивация, дегазация ва дезинфекция тадбирлари ўтказилади.

Дозиметрик, кимёвий ва бактериологик (биологик) назорат, шунингдек, темир йўл транспорти воситаларининг тузилган ҳаракатчан таркибида ўтказиладиган дезактивация, дегазация ва дезинфекция тадбирлари темир йўл транспорти органи тасарруфидаги куч ва воситалар билан амалга


оширилади. Зарур бўлган ҳолларда ушбу тадбирларга ташиладиган ҳарбий қисм тасарруфидаги тегишли куч ва воситалар жалб этилади.

Таркиби 10 та ва ундан ортиқ вагондан ташкил топган ёки 7 та ва ундан ортиқ йўловчи ташиш вагонидан ташкил топган бўлиб, шахсий таркиб жойлашган поезд одам ташилайётган **ҳарбий поезд** саналади.



1-расм. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги ёпиқ вагонларнинг ўрнатилиб-ечиладиган жихозлари:

- 1- тахта; 2- ўқли қурол ўрнатиладиган тишли тахта; 3- печка; 4- печка ва ошхона тўплами;
а) мўри; б) ёнилги жойлаш яшиги; в) темир косов; г) ошхонага оид темир конус; д) хокандоз; е) люк беркитиш учун копкок; ж) печка таглиги;
5- сирғалувчилар ўрнатилган дераза роми; 6- нарвон; 7- ўт ўчириш челаги; 8- фонуслар; 9- ёғоч шоти; 10- супурги.



2-расм. Ёпиқ вагоннинг жихозланиши:

- а) кузовининг ҳажми 120 м^3 келадиган, шахсий таркибни ташиш

учун мўлжалланган вагон (қишки вариант);
б) кузовининг ҳажми 120 м³ келадиган, дала ошхоналари ўрнатиладиган вагон

2. Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд тузиш.

Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд қуйидагича тузилади:

йўловчи ташиш ва одам ташиш вагонлари, вагон-ошхона ва озиқ-овқат маҳсулотлари омбори сифатида қўлланиладиган вагон - вагонларнинг бир гуруҳини ташкил этганча, поезд ўртасида;

курол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ортилган платформалар (яримвагонлар) ҳамда моддий воситалар ортилган ёпиқ вагонлар - вагонларнинг бошқа гуруҳларини ташкил этганча, поезднинг боши ва охириги қисмига жойлаштирилади.

Темир йўл транспорти воситаларининг ҳарбий эшелон ташиш учун тузилган ҳаракатчан таркибини ўзгартириш, хусусан, унинг тузилишини, таркибига кирган вагонлар сони ва турларини ўзгартириш тадбирлари фақат ҳарбий ҳаракатлар органлари билан мувофиқлаштирилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Ҳарбий эшелон ташиладиган поездда фақат ушбу эшелонга қаршли моддий воситалар ташилишига рухсат берилади. Бундай моддий воситалар жумласига:

ҳарбий қисм штатида ва ушбу штатга илова қилинадиган жадвалда кўзда тутилган техника ва ёпиқ вагонлар ичига ёки платформалар устига (яримвагонлар ичига) *Темир йўл транспорти воситасида хавфли юк ташиш қоидаларига* мувофиқ ортилган портловчи материаллар ва бошқа хавфли юклар;

ёпиқ вагонлар ва яримвагонлар ичига ҳамда платформалар устига ортилган идиш, махсус ҳажм, ёқилғи қўйиш ва мой қўйиш автомобиллари, цистерна-тиркамалар ва ёқилғи қўйиш - ташиш учун мўлжалланган бошқа воситалар ичига, шунингдек, темир йўл транспорти органи тасарруфидаги цистерналар ичига қўйилган ва темир йўл транспорти воситаларининг махсус

ҳаракатчан таркибида ташиладиган ёқилғи-мой маҳсулотлари, махсус сууюқликлар ва шу каби бошқа хавфли юклар киради.

Ҳарбий транспорт таркибида, горизонтал ҳолатда ортилган ва қоровул муҳофазаси остида бўлган ғилдиракли ва занжир-тасмали машиналарни, уларнинг ёқилғи бакларидан ёқилғини тўкиб олмаган тарзда, баклар бўғзи қопқоқ воситасида ишончли ёпилиши шарти билан ташишга рухсат берилади.

Ташиладиган ҳарбий эшелон учун темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби тузилаётганида йўловчи ташиш, одам ташиш вагонлари ва вагон-ошхона портловчи моддалар ва хавфли юклар ортилган вагонлардан (ёқилғи ташиш цистерналаридан) тўсилган бўлиши шарт (ичида бундай юклар бўлган танклар ва шу каби бошқа зирхли машиналар ортилган платформалар бундан истисно).

Портловчи моддалар ва хавфли юклар ортилган вагонлар (ёқилғи ташиш цистерналари), одатда, поезднинг охири қисмига жойлаштирилади. Бундай вагонлар билан йўловчи ташиш, одам ташиш вагонлари ва вагон-ошхона ўртасидаги тўсиқ сифатида хавфли бўлмаган юк ортилган вагонлар, айрим ҳолларда эса бўш вагонлар қўлланилади.

4-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш. 2. Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд тузиш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш ҳақида тушунчалар бериш;	• Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш ҳақида тушунчалар олиш;
• Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд тузиш ҳақида тўлиқ маълумот бериш.	• Ҳарбий эшелон ташиш учун мўлжалланган поезд тузиш ҳақида тўлиқ маълумот олиш.

Таълим усуллари:	Маъруза, “аклий хужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

4-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Аклий хужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот боскичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган	Дафтарига ёзиб оладилар.

	муаммоларини санаб ўтади	
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

5-МАЪРУЗА: ҲАРБИЙ ЮКЛАРНИ ОРТИШ-ТУШИРИШ ХУДУДЛАРИ, ЖОЙЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИ.

Режа:

- 1. Юк ортиш-тушириш жойини хозирлаш;**
- 2. Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдонига тааллуқли махсус қурилма ва мосламалар;**

1. Юк ортиш-тушириш жойини хозирлаш.

Қўшинларнинг юк ортиш-тушириш жойи ўз ичига бир қатор

элементларни мужассам этади. Асосий элементлар жумласига:

темир йўл қисми (ёки бир нечта темир йўл қисми);

қўшинларнинг доимий (кўчмас) юк ортиш-тушириш платформалари ёки қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган платформалар ёхуд аппаратлар аппарат - темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби устига ўзинюар техникани ортиш учун мўлжалланган қия (баъзан механизациялаштирилган кўчма) платформа *ўрнатилган қўшинлар майдони*;

юк ортиш-тушириш платформаси ёки майдонига олиб келадиган йўллар;

юк ортиш-тушириш учун мўлжалланган махсус қурилма, мослама, материал ва асбоб-ускуналар қиради.

Қўшинларнинг юк ортиш-тушириш платформалари жумласига доимий (кўчмас) ҳамда рельснинг устки юзасига нисбатан 1100-1200 мм га кўтарилиб турадиган горизонтал майдон ҳамда ушбу майдон устига транспорт чиқиши-тушиши учун битта ёки бир нечта нишаб чиқиш-тушиш томонларига эга, қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган, юк ортиш-тушириш учун мўлжалланган қурилмалар, аппаратлар жумласига эса горизонтал майдони бўлмаган, қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган юк ортиш-тушириш қурилмалари қиради.

Қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган юк ортиш-тушириш қурилмалари жумласига металл аппаратлар, шу жумладан, рельс ва шпаллардан тайёрланган платформа ва аппаратлар қиради.

Қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган платформа ва аппаратлар қўшинларнинг темир йўл транспортига кўп маротаба ортилиши-туширилиши учун қулланилади. Қўшинлар майдони ва бошқа юк ортиш-тушириш майдонларида ўрнатиладиган бундай қурилмалар темир йўл транспортига ортилган юк билан йўлдаги объектлар орасида қолиши шарт бўлган оралик масофага амал қилинган ҳолда йиғилади. Ушбу платформа ва аппаратларнинг сони эшелон ортилиши учун ажратилган вақтга мувофиқ

келиши шарт.

2. Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдонига тааллуқли махсус қурилма ва мосламалар.

Юк ортиш-тушириш мосламалари жумласига:

кичик ўлчамли боғловчи кўприклар;

таянч туткичлари ва шпаллардан тайёрланган кичик ўлчамли кўприклар;

транспорт воситалари (юк ташиш автомобиллари) нишабликдан юриб чиқадиган-тушадиган зиналар;

металл тахталар киради.

Қўшинларнинг доимий (кўчмас) юк ортиш-тушириш платформаси ҳарбий ҳаракатлар органлари билан мувофиқлаштирилган намунали лойиҳаларга асосан қўрилади.

Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдони эса рельс асосининг сатҳига тенг бўлиб, мустаҳкам копламага эга бўлиши ва одатда, темир йўлнинг юк ортиладиган-тушириладиган жамики фойдали қисми ўзунлигида барпо этилиши лозим.


Темир йўлга нисбатан жойлаштирилиш турига боғлиқ ҳолда юк ортиш-тушириш платформалари:

темир йўл бўйлаб қуриладиган яхлит ҳамда алоҳида бўлимлардан ташкил топган, темир йўлнинг ён томонига ўрнатиладиган платформалар;

йўлнинг боши берк жойида, темир йўл устига ўрнатиладиган платформалар;

темир йўлнинг ён томони ва устига ўрнатилган платформаларнинг бириккан қўринишига эга *уйғун платформалар*;

темир йўллар орасида қўриладиган *оралик «орол» платформаларга* фарк қилади.



3- расм. Кичик ўлчамли боғловчи кўприклар
а) ёғоч кўприк:
б) металл кўприк:
в) вазни енгиллаштирилган металл кўприк

Қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган юк ортиш-тушириш қурилмасининг ҳар бир муайян ҳолатда қўлланиладиган тури қўшинларнинг темир йўл транспортига чиқиши-тушишига доир шарт-шароитлар инобатга олиниб, темир йўл участкаси ҳарбий коменданти томонидан, Минтақавий темир йўл узели бошлиғи билан мувофиқлаштирилган ҳолда белгиланади.

Қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган платформа ва аппаратларни ўрнатиш учун зарур бўладиган барча материал ва асбоб-ускуналар темир йўл транспорти органига мансуб муассаса томонидан тақдим этилади. Бундай платформаларни йиғиш ишлари қўшинлар ва темир йўл транспорти органига мансуб муассаса томонидан тайинланадиган махсус бригадалар кучи билан амалга оширилади.

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ва ХМТ)ни ортиш-тушириш учун қўшинлар ихтиёридаги танк негизида яратилган кўприк солиш қурилмалари ҳамда автомобиль негизидаги механизациялаштирилган йўл кўприклар қўлланилиши мумкин. Юк ортиш-тушириш қурилмалари бўлмаган оралиқ станциялар ва темир йўлнинг икки қўшни станциялар орасидаги қисмида (уруш даврида) ҳарбий эшелонларнинг ортилиши-туширилиши ўта зарур бўлган вазият юзага келганида қўл остида мавжуд маҳаллий материаллардан (мисол учун, ҳода, ёғоч, тупроқ ва шу кабилардан) фойдаланиш мумкин.

Ҳарбий эшелонга қарашли моддий воситаларни ортиш-тушириш учун махсус юк ортиш-тушириш мосламалари ва бундай жараёнларни механизациялаштириш воситалари қўлланилиши лозим.

Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдонига тааллуқли

махсус қурилма ва мосламалар жумласига:

сув олинадиган кран ёки колонкалар;

кўчмас ёки кўчма хожатхоналар;

ёруғлик ниқоблаш мосламаларига эга доимий (кўчмас) ёритиш тармоғи;

темир йўл станцияси бўйича навбатчи ва темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти билан алоқа боғлаш учун телефон алоқаси воситалари киради.


Зарурат туғилганда, шахсий таркибни ҳимоя қилиш учун темир йўл транспорти органига мансуб тегишли муассаса билан мувофиқлаштирилган тарзда ташиладиган қўшинлар ихтиёридаги куч ва воситалар билан паногохлар қазилади.

Қўшинларнинг темир йўл транспортига чиқиши-тушиши ёки юк ортилиши-туширилиши даврига темир йўл транспорти органига мансуб муассаса томонидан юк ортиш-тушириш жойлари юк ортиш-тушириш мосламалари билан таъминланади (етказиб берилади).


Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдонида халқ хўжалигига оид юкларни ортиш-туширишга рухсат, ҳар бир алоҳида ҳолатда, темир йўл участкаси ҳарбий коменданти билан мувофиқлаштирилганидан сўнг, минтақавий темир йўл узели бошлиғи томонидан, ушбу жойларнинг ҳарбий эшелонларни ортиш-туширишга доимий шайлигини таъминлаш шarti билан берилади.

Юк ортиладиган-тушириладиган қўшинлар майдонида қандай турга мансуб бўлишидан катъи назар юк сақлашга рухсат берилмайди.


Темир йўлнинг электрлаштирилган қисмида амалга ошириладиган юк ортиш-тушириш тадбирларига йўл ўзра тортилган контакт сими тоқдан ажратилиб, ерга улаш қурилмасига улангач, тегишли станция бошлиғи (станция бўйича навбатчи) юк ортиш-тушириш ишларини бажаришга доир ёзма равишда рухсат берганидан сўнг, киришилади.



- расм. Таянч тўткичлари ва шпаллардан тайёрланган кичик ўлчамли кўприклар:
1-таянч тўткичлари;
2- шпаллар



а



б

5- расм. Транспорт воситалари (юк ташиш автомобиллари) нишабликдан юриб чиқадиган-тушадиган зиналар (вариантлар):
а) устига тахта қопланган ходалардан тайёрланган, узун зина;
б) тахталардан тайёрланган узун зина;
в) тахталардан тайёрланган қисқа зина.

5-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Юк ортиш-тушириш жойини хозирлаш; 2. Юк ортиладиган-тушириладиган кўшинлар майдонига тааллуқли махсус қурилма ва мосламалар;
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Юк ортиш-тушириш жойини хозирлаш ҳақида тушунтириш.	Юк ортиш-тушириш жойини хозирлаш ҳақида тушунча олиш.
Юк ортиладиган-тушириладиган кўшинлар майдонига тааллуқли махсус қурилма ва мосламалар бўйича тўлиқ маълумот бериш.	Юк ортиладиган-тушириладиган кўшинлар майдонига тааллуқли махсус қурилма ва мосламалар бўйича тўлиқ маълумот олиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “аклий ҳужум”, намоёйиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда

	ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

5-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулоти кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг	Тинглайдилар шарҳ мобойида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар,

	асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

6-МАЪРУЗА: ҲАРБИЙ ЭШЕЛОННИ ТЕМИР ЙЎЛДА ТАШИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Режа:

1. Ҳарбий эшелон ҳаракати;
2. Ҳарбий эшелоннинг бошлиғига юкланган мажбуриятлар;
3. Ҳарбий эшелоннинг таъминоти;
4. Эшелон (қоровул) шахсий таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ёпиқ вагонлардан фойдаланишга оид чекланишлар.

1. Ҳарбий эшелон ҳаракати;

1. Ҳарбий поезд темир йўлда поездлар қатнаш жадвалида белгиланган тезлик режимида амал қилган тарзда ҳаракатланади. Ҳарбий поездлар навбатдан ташқари ҳаракатланадиган поездлардан (таъмирлаш-тиклаш, ўт ўчириш, қор тозалаш поездлари, вагон уланмаган локомотив, олиб қўйилмайдиган турга мансуб, поездларнинг меъёрий ҳаракатини тиклаш ва

ўт ўчириш учун тайинланган автомотриса (Автомотриса (франц. automotrice, ўзиюрар маъносини англатади) ички ёнув двигателига эга ўзиюрар темир йўл вагони. Муқаддам чиқарилган автомотрисаларга бензин воситасида ишлайдиган мотор ўрнатилган. Хозирги русумларига дизель двигатели ўрнатилган. Электр двигатели ўрнатилган ўзиюрар вагон ҳам автомотриса саналади. Бирок, у кўпроқ «электромотриса», деб юритилади. Автомотрисага бир-иккита вагон уланиши мумкин. Бунда у дизель-поезд номини олади. Автомотрисадан шаҳар атрофига ва *шаҳар* ичида мунтазам қатнайдиган йўловчи ташиш поезда ҳамда иккинчи даражали темир йўлда қатнайдиган поезд сифатида, шунингдек, хизмат (йўл таъмирлаш, йўл ўлчаш) транспорти сифатида фойдаланилади) ва *автодрезиналардан* (Автодрезина - темир йўлда юрадиган моторли ёки моторсиз арава) ташқари, йўловчи ва почта-юк ташиш поездлари каби бошқа поездлар олдида биринчи навбатда ҳаракатланиш ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳарбий поездлар ҳаракатининг навбати кумондонлик томонидан белгиланган изчилликка мувофиқ ҳарбий ҳаракатлар органлари томонидан белгиланади.

Эшелон ортилган ҳарбий поездларнинг қатнаш жадвали ва ҳаракат йўналишига киритиладиган ўзгартиришлар темир йўл транспорти органлари томонидан ҳарбий ҳаракатлар органлари билан мувофиқлаштирилиши лозим.

Агар эшелон ортилган ҳарбий поездни ўз станциясидан жадвалда кўрсатилган вақтда жўнатиш имкони бўлмаса, уни жўнатиш вақти темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти, бундай шахс бўлмаган жойда эса ҳарбий эшелон бошлиғи билан биргаликда темир йўл транспортига мансуб мансабдор шахслар томонидан тайинланади.

2. Ҳамрох юк ортилган вагонларнинг эшелон ортилган ҳарбий поездга уланишига:

эшелон ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш;

эшелон таркибининг яхлитлигини сақлаб қолиш;

хамрох вагон уланадиган ва ажратиладиган станцияларда туриш вақти

ҳаракат жадвалида кўрсатилган вақтдан ошиб кетмаслик шартлари билан йўл қўйилади.

Ҳарбий эшелонга тегишли бўлмай, ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси жихатидан тўғри келмайдиган, радиоактив ва хавфли разрядларга мансуб юк ортилган, кислота, суюлтирилган газ, ўт олиш жихатидан биринчи разрядга мансуб суюқлик, керосин ва дизель ёқилғиси қўйилган цистерналар, шу жумладан, суюлтирилган газдан бўшатирилган цистерналарни одам ташилайётган ҳарбий поездга уланишига **рухсат берилмайди**.

3. Йўл давомида эшелон таркибидаги вагонларнинг бир-биридан ажратилишига **рухсат берилмайди**.

Эшелон ташилайётган поезд таркибидаги вагонлар техник жихатдан носозлиги аниқланса, темир йўл транспорти органлари, ушбу вагонларнинг поезд таркибидан ажратилмай таъмирдан чиқарилиши ёки зудлик билан соз вагонларга алмаштирилишини таъминлашга мажбурдир. Агар носоз вагонни таъмирдан чиқариш ишлари эшелоннинг (ҳарбий транспортнинг) ушланиб қолишига олиб келадиган бўлса, ушбу вагон темир йўл участкаси (станцияси) коменданти билан мувофиқлаштирилган тарзда поезддан ажратилади ва таъмирдан чиқарилганидан сўнг, яқин вақт ичида тегишли манзил томон йўлга чиқадиган бошқа поездга уланиб, жўнатилади.

Эшелонга тегишли юкни носоз вагонлардан соз вагонларга олиб ўтиш ишлари, ушбу эшелон шахсий таркиби томонидан, ҳарбий транспорт таркибида ташилайётган юкни олиб ўтиш ишлари эса ҳарбий транспортни кузатиб бораётган мутахассис, бундай шахс бўлмаса, темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти чақиртирган мутахассис раҳбарлигида темир йўл транспорти органи ихтиёридаги куч ва воситалар томонидан бажарилади. Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ортилган вагонлар ажратилиб, темир йўл станциясида қолдириладиган бўлса, ушбу вагонлар билан тегишли экипаж аъзолари (хайдовчилар, расчёт таркиби), бошқа турдаги моддий воситалар билан эса қоровул таркиби ҳам қолади. Бундай ҳолатда эшелон (қоровул)

бошлиғи темир йўл станциясида қолаётган шахсий таркиб орасидан бошлиқ тайинлаб, унга, вагон поезддан ажратилганлиги ҳақидаги, темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти ёки станция бошлиғи томонидан тасдиқланган далолатномани топширади ва станцияда қолаётган шахсий таркибни пул ва озиқ-овқат махсулотлари билан тегишли меъёрларга мувофиқ таъминлайди. Темир йўл станциясида қоладиган шахсий таркиб жойлашиши учун темир йўл транспорти органи одам ташиш вагонини бепул ҳавола этади. Амалга ошириладиган ишларнинг кейинги жараёнида, ушбу шахсий таркиб, йўл юриш давомида, ўз ҳарбий қисмини қувиб етиб, қушилишига қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. Ишдан чиққан одам ташиш ва йўловчи ташиш вагонларини соз вагонларга алмаштиришнинг иложи бўлмаса, эшелон шахсий таркиби бошқа вагонларга жойлашади. Бундай ҳолатда, темир йўл транспорти органлари яқин ўртадаги темир йўл узели, станция, вагон саралаш станцияси ёки темир йўл участкаси станциясида эшелон ортилган поезддан ажратиб олинган носоз вагон ўрнига соз вагон улаб беришга мажбурдир.

Темир йўл транспорти органининг айби билан ҳарбий юкка шикаст етган ёки бузилган бўлса, тижорат далолатномаси расмийлаштирилади.

4. Йўл давомида қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ва ҲМТ) нинг маҳкамланганлик ҳолати мунтазам кузатиб борилиши шарт. Юк жойидан силжигани ёки маҳкамланганлик ҳолати бузилганлиги аниқланса, бундай нуқсонлар бартараф этилиши учун эшелон ушланиб қолиши лозим. Ташки ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси нуқтаи назаридан ён томони ноль ва биринчи даражага мансуб ҚА ва ҲМТ силжиган бўлса, эшелон бошлиғи, темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий коменданти ва станция бошлиғи бу хавда йўл ведомостига илова қилинган далолатномага тегишли ёзув киритади.

5. Эшелон шахсий таркиби ва ҳарбий юк ортилган транспортни кўриқлаб, кузатиб бораётган қоровул эгаллаган вагонлар билан станцияда

бажариладиган манёврлар, ушбу эшелон (қоровул) бошлиғи ёки эшелон бўйича навбатчи темир йўл станцияси ходимлари томонидан огохлантирилганидан сўнггина, амалга оширилади.

Бундай ҳолатда беихтиёр очилиб кетмаслиги (ёпилиб қолмаслиги) учун одам ташиш вагонларининг эшиклари эшелон (қоровул) бошлиғининг кўрсатмасига биноан маҳкамланади.

Бундан ташқари, эшелон (қоровул) бошлиғи вагонлар билан ёнма-ён йўлларда бажариладиган манёврлар ҳақида, ушбу йўлларга поездлар қабул қилиниши ёки жўнатилиши, эшелоннинг жўнаш вақти ҳақида огохлантирилади.

Ҳарбий эшелон эгаллаган вагонлар вагон саралаш дўнгликларидан **эркин қўйиб юборилмайди.**

Вагонлар билан манёврлар бажарилаётганида шахсий таркибнинг вагонларга чиқиши ёки тушишига **рухсат берилмайди.**

Ичимлик суви ва ёнилғи билан таъминланиши, иссик овқат тарқатилиши кўзда тутилган темир йўл станциясида ҳарбий эшелон томонидан эгалланган поезд эшелон шахсий таркибининг хавфсизлиги, таъминот турлари амалга оширилишининг қулайлиги таъминланадиган йўлга қабул қилинади.

6. Темир йўл транспорти воситасида ташилаётган эшелонда шахсий таркибга дала ошхоналарида овқат тайёрлаш ва одам ташиш вагонларини иситиш учун суюқ ёнилғидан фойдаланиш **ман этилади.**

Ҳарбий поездлар ўт ўчириш воситалари билан темир йўл транспорти органлари томонидан жорий этилган меъёрларга мувофиқ жихозланади.

7. Темир йўлнинг поезд радиоалоқаси ёки икки қўшни станция орасидаги телефон алоқаси бўлмаган участкаларида ҳарбий поездни ташиш учун ҳавола этиладиган локомотивлар темир йўл транспорти органлари томонидан қўл телефон аппаратлари билан таъминланади.

8. Эшелон бошлиғи бўлинмаларнинг хатти-ҳаракатларини йўл юриш давомида телефон алоқаси ёки радиоалоқа орқали, ёруғлик сигнали ва товушли сигнал воситалари ёрдамида ҳамда чопар йўллаш орқали бошқариб боради. Қоровул бошлиғи, кузатув постлари, ҳаво хужумидан мудофаа воситалари расчётларининг командирлари, бўлинма командирлари ва локомотив машинисти билан телефон алоқасига эга эшелон бошлиғи, одатда, эшелон ўртасида жойлашади. Эшелон бошлиғи билан алоқа боғлаб бориши учун локомотив кабинасида бир нафар эшелон таркибига мансуб ҳарбий хизматчи боришига рухсат берилади.

Эшелон бошлиғи ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий комендантлари билан темир йўл транспортига қарашли алоқа воситалари орқали, катта бошлиқлар билан эса ҳаракат йўналишидаги темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий комендантлари орқали ёки тегишли радиоалоқа воситалари (агар эшелон ихтиёрида бўлса) алоқа боғлаб боради.

2. Ҳарбий эшелоннинг бошлиғига юкланган мажбуриятлар.

Ҳарбий эшелон бошлиғи:

эшелоннинг доимий жанговар шайлиги сақлаб борилиши, транспортга ўз вақтида чиқиб жойлашиши ва туширилиши;

эшелон шахсий таркибининг интизоми, ташиш қоидаларига тўғри амал қилиб бориши;

эшелоннинг ҳар томонлама таъминоти, ёнғинга қарши тадбирлар амалга оширилиши, темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби ва унинг жихозлари бут сақланиши учун **жавоб беради.**

Йўл давомида юкланадиган мажбуриятлар жумласига:

поезд тўхтаб турган вақтда ҚА ҲМТ ишончли маҳкамланганлиги ва ниқобланган ҳолатини текшириб чиқиш ишларини ташкиллаштириб бориш;

транспортдан тушиш (юк тушириш) ҳудудига яқин қолганида яқин орадаги ҳарбий комендантдан транспортдан тушиш (юк тушириш) станциясига етиб бориш вақти, унда мавжуд шарт-шароитлар ва ушбу

худудда қарор топган вазиятни аниқлаб олиш;

олинган кўрсатмаларга мувофиқ эшелонни транспортдан тушишга (юк туширишга) ҳозирлаш тадбирларини ташкиллаштириш киради.

Транспортдан тушиш (юк тушириш) станциясига етиб келган эшелон бошлиғининг зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

Ҳарбий Ҳаракатлар органи ҳарбий коменданти ёки унинг вакилидан тегишли кўрсатмалар олиб, эшелоннинг транспортдан тушишини (юк туширилишини) ўз вақтида ташкиллаштириш;

транспортдан тушиш (юк тушириш) станциясида, йўл давомида, йиғилиш ва жамланиш ҳудудларида бўлинмалар муҳофазаси ва ҳаво ҳужумидан муҳофаасини ташкиллаштириш;

транспортдан тушиш (юк тушириш) жойларида ортиқча шахсий таркиб, ҚА ҲМТ йиғилиб қолишига йўл қўймаслик;

вагонга урнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозларни белгиланган тартибда топшириш;

эшелоннинг темир йўл транспорти воситасини бушатганига оид ҳужжатларни расмийлаштириш;

бушаган вагонлар ва юк ортиш-тушириш жойлари тозаланиб, тартибга келтирилишини ташкиллаштириш киради.

3. Ҳарбий эшелоннинг таъминоти

1. Темир йўл транспорта воситасида ташилаётган ҳарбий эшелонни куриклаш хизмати Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомида баён этилган талабларга мувофиқ ташкиллаштирилади.

Ҳарбий юк ортилган транспортни қўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул таркиби одам ташиш вагонига ёки йўловчи ташиш вагонининг алоҳида қўпесига жойлашади. Поезд ҳаракатланаётганида сокчилар постлар жадвалига мувофиқ курикланадиган ҚА ҲМТ яқинидаги махсус тусикка эга платформаларга жойлашади.

2. Йўл давомида шахсий таркиб, одатда, дала ошхонасида тайёрланган иссиқ овкат билан таъминланади.

3. Темир йўл транспортида йўл юриш давомида эшелонни ичимлик суви ва кайнок сув билан таъминлаш амаллари поезд 15 дакикадан кам турмайдиган, сув олиш иншоотлари ва сув кайнатиш қурилмалари билан жиҳозланган тухталиш жойида бажарилади. Овкат тайёрлаш ва истеъмол қилиш учун очик сув хавзаларидан сув олишга **рухсат берилмайди**.

Одам ташиш вагонларида истеъмол қилинадиган доғ сув захираси сув бачоклари, чойнақлар, рух югуртирилган челақлар ва флягаларда сақланади. Вагон-ошхонада эса овкат тайёрлаш ва қозон ювиш учун сув захираси ҳарбий қисм томонидан ажратиладиган махсус идишларда сақланади.

4. Эшелон одам ташиш вагонини иситиш ва ошхонада овкат тайёрлаш учун ишлатиладиган ёнилғи ҳамда вагон ёритиш шамлари билан эшелон бошлиғи тақдим этган талабномага биноан, Ҳарбий Ҳаракатлар органларининг ҳарбий комендантлари расмийлаштирган ёзма буюртмалар асосида темир йўл транспорти органлари томонидан таъминлаб борилади. Ушбу моддий воситалар поезд тухтаган жойга темир йўл транспорти органи ходимлари томонидан етказилади.

Темир йўл транспорти воситасида ташилаётган эшелон шахсий таркиби учун вагон-ошхонага урнатилган дала ошхонасида овкат тайёрлаш жараёнида суюқ ёқилғи қўлланилиши **ман этилади**.

5. Эшелон (команда) транспорт турига чиқаётганида (тушаётгани ва бир транспортдан бошқасига утиб жойлашаётганида) ва йўл юриш давомида даволаш-эвакуация тадбирлари ва санитария назоратини олиб бориш масъулияти:

эшелон шифокори (фельдшери);

транспорт органи тасарруфидаги санитария-шифокорлар хизмати муассасалари;

станция (аэропорт) ҳудуди ва ташиш йўналишларида жойлашган ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган тиббий ва даволаш-профилактика муассасалари зиммасига юкланади.

Санитария назорати органларининг юкумли касалликлар кўзгалиши ва таркалишининг олдини олишга қаратилган талабларига амал қилиш ташилаётган эшелоннинг (команданинг) жамики шахсий таркиби ва транспорт органлари ходимлари учун мажбурий саналади.

6. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспорти воситасида ташиш тадбирларининг давомийлиги уч суткадан ошса ҳамда эшелон таркибидаги одам ташиш вагонларининг 10 донадан ортиқ бўлса, поезд таркибига ярадор ва беморларни ётқизиш учун мўлжалланган битта тиббий вагон киритилиб, урнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар билан таъминланади.

Ҳарбий эшелонни темир йўл транспорти воситасида ташиш тадбирларинингдавомийлиги уч суткадан ошмаса ҳамда эшелон таркибидаги одам ташиш вагонларининг сони **10** донадан кам бўлса, эшелон бошлиғининг курсатмасига биноан йўловчи ташиш вагонларидан бирида битта тиббий кўпе ажратилиши мумкин.

Душман томонидан бактериологик (биологик) қурол қулланилган ва нохуш эпидемиологик вазият қарор топган шароитларда ташиш тадбирларининг давомийлиги ва эшелон шахсий таркибининг сонидан катъи назар поезд таркибига тиббий вагон мажбуран киритилади.

7. Вабо, улат, табиий чечак каби ута хавфли юкумли касалликлардан ташқари, юкумли касаллик ягона ҳолатда юзага келса, эшелон ташиётган поезд тайинланган манзил томон ҳаракатини давом эттиради.

юкумли касалликка дучор бўлган беморлар аникланиб, изоляция қилинади ва зарурат тугилса, тегишли даволаш муассасаларига эвакуация қилинади;

эшелон ортилган поезд станциялардаги атайин ажратилган йўлларга қабул қилинади;

поезд темир йўл ўзели станциялари орқали тухтатилмасдан ўтказилади;
эшелон ортилган поезднинг станцияда турадиган вақти кискартирилиб,
вагонлардан тушадиган шахсий таркиб сони чекланади;

шахсий таркиб учун овқат таркатиш ва сув қўйиш ишлари кичик станцияларда амалга оширилади.

8. Эшелон темир йўл транспортида йўл юраётган бўлса, юкумли касалликка дучор бемор вагон-изоляторга (кўпе-изоляторга) жойланади.

4. Эшелон (қоровул) шахсий таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ёпиқ вагонлардан фойдаланишга оид чекланишлар.

Ҳарбий эшелон (қоровул) шахсий таркиби, йўл юриш давомида ишлатиладиган дала ошхоналари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун захдрли химикатлар, радиоактив моддалар, кислоталар, хайвонлар, хом чорва маҳсулотлари, шунингдек, копланмасдан ташилган минерал угитлар, цемент ва охақдан бушаган ёпиқ вагонлардан фойдаланилишига йўл қуйилмайди.

6-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Қирини – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ҳарбий эшелон ҳаракати; 2. Ҳарбий эшелоннинг бошлиғига юкланган мажбуриятлар; 3. Ҳарбий эшелоннинг таъминоти; 4. Эшелон (қоровул) шахсий таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ёпиқ вагонлардан фойдаланишга оид чекланишлар
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Ҳарбий эшелон ҳаракати ҳақида тушунтириш;	• Ҳарбий эшелон ҳаракати ҳақида тушуниш;
• Ҳарбий эшелоннинг бошлиғига юкланган мажбуриятлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш;	• Ҳарбий эшелоннинг бошлиғига юкланган мажбуриятлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш;
• Ҳарбий эшелоннинг таъминоти ҳақида тўлиқ маълумот бериш;	• Ҳарбий эшелоннинг таъминоти ҳақида тўлиқ маълумот олиш;

• Эшелон (қоровул) шахсий таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ёпик вагонлардан фойдаланишга оид чекланишларни тушунтириш.	• Эшелон (қоровул) шахсий таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун ёпик вагонлардан фойдаланишга оид чекланишларни тушуниш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

6-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.

	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

7-МАЪРУЗА: ҲАРБИЙ ЮКЛАРНИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ

Режа:

- 1. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби.**
- 2. Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш.**
- 3. Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш учун қўлланиладиган материал ва мосламалар.**

- 1. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби.**

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани ҳарбий транспорт ва ҳарбий эшелон таркибида ҳарбий юк ортилган транспортни қўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул муҳофазаси остида ташиш учун темир йўл транспорти органи томонидан темир йўл платформалари, яримвагонлар ва транспортёрлар тақдим этилади.

Темир йўл транспорти органи юк ортиш учун соз ва тегишли юкни ташиш учун ярокли, тоза темир йўл платформалари, яримвагонлар ва транспортёрлар тақдим этишга мажбур.

Вагонларнинг техник жихатдан юк ташишга яроклиги темир йўл транспорти органи томонидан аникланади.

Вагонларнинг тегишли юкни ташишга иктисодий жихатдан яроклигини:

юк жунатувчи томон аниқлайди, агар юк ортиш ишлари унинг ихтиёридаги воситалар билан амалга оширилса;

темир йўл транспорти органи белгилайди, агар юк ушбу орган тасарруфидаги воситалар билан ортилса.

Металл шпор турига мансуб кўп қулланиладиган мослама, тирговуч металл бошмоқлар, кўп қулланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари (УММ) воситасида маҳкамланадиган ҚА ҲМТ ортилиши учун темир йўл платформасининг пол таглиги бир-бирига зич ётқизилиб, платформанинг айланасига металл бурчаклар билан маҳкамланган бутун тахталардан иборат бўлиши шарт.

2. Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш

Ҳарбий транспорт ва ҳарбий эшелон таркибида ҳарбий юк ортилган транспортни қўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул муҳофазаси остида ташиладиган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ҲМТ) темир йўл платформаларига (яримвагонларга) мазкур Техник шартларга амал килинган тарзда жойлаштирилиб, маҳкамланади.

Ҳарбий эшелон ортिलाётганида ҚА ҲМТ тўғри ортилгани, маҳкамлангани ва ниқобланганини ҳарбий эшелон бошлиғи, ҳарбий транспорт ортिलाётганида эса - юк жўнатаётган томон вакили текширади. Ушбу шахслар зиммасига мазкур Техник шартларга тулик амал килингани, шу жумладан, ҚА ҲМТни маҳкамлаш ишларида кулланилган маҳкамлаш материаллари ва мосламаларининг сони, улчамлари ва сифати учун жавобгарлик масъулияти юкланади.

Танклар ва ўзиюрар артиллерия қуролларининг миноралари, ракета учуриш қурилмаларининг йуналтирувчилари, бошқа турдаги техниканинг ҳаракатчан қисмлари темир йўл транспорти воситасида ташиш ҳолатига келтирилиб, айланиб кетишига йўл қўймаслик учун силжитмайдиган ўз туткичлари (қурилмалари) воситасида маҳкамланади. Ишга солинган силжитмайдиган туткичлар (қурилмалар) кургошин тамгалар воситасида муҳрланади. Бундай туткичлар (қурилмалар) носоз бўлса, мулоҳаза юритилаётган миноралар, йуналтирувчилар ва бошқа турдаги ҳаракатчан қисмлар сим, трос ёки занжир воситасида ишончли маҳкамланади.

қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ҲМТ) ортилганидан сўнг, юк жўнатаётган томон вакили темир йўл транспортига оид ташиладиган юк хати ва ҳарбий транспорт вагонларининг руйхатига «қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига тўғри жойлаштирилиб, ишончли маҳкамланди. Силжитмайдиган ва маҳкамлаб қўядиган туткичлар (қурилмалар) соз бўлиб, қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникадаги айрим қисмлар ва механизмларнинг айланиб ёки оғиб кетишига йўл қўймайдиган ҳолатга келтирилди» ёзувларини киритади.

Таркибида ҚА ҲМТ ташиладиган ҳарбий эшелоннинг бошлиғи ҳам йўналиш варакаси ва темир йўл транспортига оид ташиладиган юк хатида худди шу ёзувни киритади.

Йўл юриш давомида қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техниканинг тўғри ҳолати, ишончли маҳкамланганлиги ва ниқобланлиги устидан назорат

олиб бориш ишларини ҳарбий эшелон бошлиғи, ҳарбий транспортда эса ҳарбий юк ортилган транспортни қўриқлаб, кузатиб бораётган қоровул бошлиғи ташкиллаштиради. Зарурат тугилганида, ушбу мансабдор шахслар аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва поездлар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини куришади.

Темир йўл транспорти органи ходимлари юк ортилган вагонларни кўздан кечириб бориб, мазкур Техник шартларга амал қилинаётгани устидан назорат олиб боришади. Ушбу ходимлар эшелон бошлиғи ёки юк жўнатаётган томон вакилидан ҚА ХМТнинг ташки улчамлари ва вазнига оид техник тавсифлар ҳамда ишлатиладиган маҳкамлаш материаллари ва мосламалари курсатилган тарзда қулланиладиган маҳкамлаш усуллари акс эттирилиши шарт бўлган зарурий чизмаларни, айрим ҳолларда, ҚА ХМТни темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига маҳкамлашга оид ҳисоб-китоблар чиқарилган юк ортиш чизмаларининг (лойиҳаларининг) темир йўл транспорти бирламчи юк ортиш органи билан муофиқлаштириш далолатномасини талаб қилишлари мумкин.

Вазни, улчамлари ва конструктив хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҚА ХМТ платформалар (яримвагонлар) устига горизонтал ёки қия ҳолатда жойлаштирилиши мумкин.

Ташилаётган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техниканинг конструктив хусусиятлари имкон берса, платформаларнинг бортлари, яримвагонларнинг люк ва эшиклари ёпилиб, тамбалари маҳкамланган бўлиши лозим. Платформа бортларини тамбалари воситасида маҳкамламай, платформанинг қиска ва ён томонларидаги устун тўтиш туткичларига киритиладиган ёғоч устунлар воситасида тик ҳолатда маҳкамлашга йўл қўйилади. Ушбу устунларнинг бўйи борт бўйидан паст бўлмаслиги ва турт томони билан устун тўтиш туткичларига зич ёпишиб туриши шарт.

Платформа (яримвагон) полининг сарҳадларидан чиқиб турадиган ҚА

ЎМТ ташиладиган бўлса, платформаларнинг киска томонидаги бортлари ўз ошик-мошиклари воситасида пастга туширилади. Ён томондаги бортларнинг бўлимлари пастга туширилиб, халкаларидан буйлама тусинларга махкамланади. Бундай халкалар бўлмаса, диаметри 4 мм дан ингичка бўлмаган сим воситасида боғланади. Яримвагонларнинг эшиги очик колдирилиб, махкамланади.

Қурол-аслаха, ҳарбий ва махсус техника платформанинг очик колдирилган бортларига **таянмаслиги керак.**

қурол-аслаха, ҳарбий ва махсус техниканинг алохида элементлари вагоннинг олд чоркиррасидан 400 мм дан нари чикмаслиги лозим. Ушбу чоркиррадан чикиб турадиган қисми 400 мм дан ўзун бўлган ҚА ЎМТ бир ёки иккита вагонга таянган холда вагонларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилиб ташилади.

Машиналар вагонларнинг автоматик илашмалари устига куйидаги иккита вариантда жойлаштирилиши мумкин:


гилдиракли машина вагонларнинг автоматик илашмалари устига урнатилиши мумкин. Бунда, орка (орка ва урта) кўприк гилдираклари битта вагоннинг поли сархадида колиши, олд кўприк гилдираклари кўшни вагон полида бўлиши шарт;

занжир-тасмали ёки гилдиракли машина битта вагон устида колиши, унинг ствол, ҳартум каби муайян қисми эса вагоннинг олд чоркиррасидан 400 мм дан нари чиқиши мумкин, бу эса кўшни вагоннинг маълум қисми ажратилишини такозо этади.

220 мм дан тор эмас

50мм дан тор эмас

220мм дан тор эмас




Вагоннинг олд чоркиррасидан
400мм дан нари чикмаслиги лозим

Махкамлаш воситалари шартли
равишда курсатилмаган

Расм. Автомобилни темир йўл платформасининг
илашмалари устига жойлаштириш

Вагонларнинг автоматик илашмалари устига занжир-тасмали машиналар, тегишли тоифага киритилган хавфли юк ортилган машиналар, автомобиль негизидаги цистерналар ва шу каби осон ут оладиган суюклик ёки суюлтирилган газ тулдирилган бошқа турдаги идишли машиналар, кўприklarининг сони учтадан кўп машиналар, гилдиракли юк ортиш кранлари ва экскаваторларни жойлаштириш **рухсат берилмайди.**

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника вагонларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилганида юк жўнатаётган томон вакили бир-бирига илаштирилган темир йўл платформаларининг (яримвагонларнинг) ён бортларига «Илашма ажратилмасин» сўзларини иккала томонга ёзиб, вагонларнинг бир-биридан ажратиш юборилишига йўл қўймаслик учун автоматик илашмани ажратиш ричаглариининг дасталарини ошик-мошик инлари орқали ўтказиб, юмшок сим воситасида махкамлаб қўйиш и лозим.




Расм. Вагонларнинг бир-биридан ажратиш юборилишига йўл қўймаслик
учун автоматик илашмани ажратиш ричагининг дастасини махкамлаш

Вагон, темир йўл ва вагонларнинг буйлама уклари битта вертикал юзада ўзаро мос келган ҳолда темир йўлнинг тўғри горизонтал участкасида турган шароитда темир йўл платформалари устига (яримвагонлар ичига) ниқоблаш қоидалари инобатга олинган ҳолда ортилиб, маҳкамланган ҚА ҲМТ вагонга ортилган юкнинг белгиланган ташки улчамлари сарҳадида жойлашиши лозим.

Ташки улчамларнинг мос келмаслик даражаси нуқтаи назаридан паст томони 1-2 - даражага, ён томони 1-3-даражага, устки қисми 1-2-даражага мансуб ҚА ҲМТни ташиш тадбирлари тегишли юкни темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига маҳкамлашга оид ҳисоб-китоблар чиқарилган юк ортиш чизмалари (лойихалари) темир йўл транспорти органларига тақдим этилмасдан, шунингдек, юк ортиш станциялари ва йўл давомида комиссия томонидан куриқдан ўтказиб борилмасдан, амалга оширилади.

Ташки улчамларнинг мос келмаслик даражаси жиҳатидан катта даражаларга мансуб ҚА ҲМТни ташиш тадбирлари «Темир йўлда ташки улчамларнинг мос келмаслик даражасига эга ва оғар юкларни ташишга доир йўриқнома»да баён этилган талабларга риоя қилинган тарзда амалга оширилади.

Ортилган қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техниканинг вазни темир йўл платформаларининг (яримвагонларининг) юк кутариш қобилиятидан ошиб кетмаслиги лозим. Вагонга ортилган юк вазни вагон аравасига бир текис тақсимланиб жойлаштирилиши даркор. Агар бунинг иложи бўлмаса, ҚА ҲМТ массасининг умумий маркази вагоннинг буйлама уки жойлашган вертикал юзага нисбатан вагон негизи ўзунлигининг саккиздан бир қисмидан ошмаган тарзда оғишига йўл қўйилади.



Шартли белгилар: эни 1520 мм келадиган темир йўл изи; эни 1435 мм келадиган темир йўл изи.

Вагонга ортилган юк вазнидаги тафовут: турт укли вагонда 10 тоннадан, олти укли вагонда 15 тоннадан, саккиз укли вагонда эса 20 тоннадан огир булмаслиги лозим.

Айни вақтда, ушбу вагонларнинг ҳар бир аравасига бериладиган юклама, вагонларнинг белгиланган юк кутариш қобилятидан ортиқча ортилишига йўл қўйиладиган юк вазни назарда тутилган ҳодда, тегишли вагон тури учун белгиланган юккутариш қобилятининг ярмидан огир булмаслиги керак.

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ҲМТ) вазнининг умумий маркази вагоннинг бўйлама уқи жойлашган вертикал юзага нисбатан 100 мм дан ошмаган тарзда кундаланг огишига йўл қўйилади.

Металл шпор турига мансуб кўп қулланиладиган мосламалар ёки тирговуч бошмоқлар воситасида маҳкамланадиган бир нечта занжир-тасмали ҳарбий машина (ЗТҲМ) битта темир йўл платформаси ёки платформалар

илашмаси устига жойлаштириладиган бўлса, ушбу машиналар уртасидаги оралик масофа 220 мм дан тор булмаслиги лозим. Агар **ЗТХМ** тирговуч чоркирралар ва тортмалар ёки кискичлар (тортма-кискичлар) воситасида махкамланган бўлса, машиналар уртасидаги оралик масофа 100 мм дан тор булмаслиги керак.

Битта темир йўл платформаси ёки платформалар илашмаси устига бир нечта гилдиракли машина жойлаштириладиган бўлса, ушбу машиналар уртасидаги оралик масофа 50 мм дан тор булмаслиги лозим.

Темир йўл платформаси устида (яримвагон ичида) буйлама йўналишда огмаслиги учун махкамланиб, кўшни вагонларнинг ўзаро илашмаси устига ортилган гилдиракли машина билан айна шу платформа устига жойлаштирилган машина уртасидаги оралик масофа 270 мм дан, карама-карши томондаги оралик масофа эса 50 мм дан тор булмаслиги керак.


Агар кўшни вагонларнинг ўзаро илашмаси устига ортилган бўлиб, темир йўл платформаси устида (яримвагон ичида) буйлама йўналишда огмаслиги учун махкамланмаган машина ортида (олдида) металл шпор турига мансуб кўп кулланиладиган мосламалар ёки тирговуч бошмоқлар воситасида махкамладиган **ЗТХМ** жойлаштирилса, улар орасидаги масофа 440 мм дан тор булмасли **ЗТХМ** тирговуч чоркирралар ва тортмалар ёки кискичлар воситасида махкамладиган бўлса, оралик масофа 270 мм дан тор булмаслиги лозим.

Махкамлаш воситалари шартли равишда курсатилмаган

400 мм дан нари
чикмаслиги лозим

220 (100) мм
дан тор эмас

220 (100) мм
дан тор эмас



220 мм – металл шпор турига мансуб кўп айданадиган мосламалар ёки тирговуч бошмоқлар воситасида махкамланганда
100 мм – тирговуч чоркиралар ва тортмалар ёки кискичлар (струбцина) воситасида махкамланганда

Расм. Занжир-тасмали ҳарбий машиналарни темир йўл платформаларининг илашмасига гилдиракли машиналар бирга жойлаштириш

Юк ортилмаган юк ташиш машиналари платформа устига (яримвагон ичига) ёки кўшни вагонларнинг ўзаро илашмаси устига кия ҳолатда ортилишига рухсат берилиши мумкин. Яримвагонлар ичига ГАЗ-52 ва ГАЗ-53 русумли автомобиллар ортилиши мумкин.

Автомобилларни кия ҳолатда ортиш ишлари, ушбу машиналарнинг темир йўл платформаси устига юриб чиқиши, автомобиль ёки темир йўл транспорти негизидаги юк кутариш кранлари, ҳартум қисмига эга ўзиюрар юк ортиш-тушириш машиналари воситасида ҳамда юк ортишнинг уйғун усуллари кулланилиб бажарилади.

Автомобилларни кия ҳолатда ортишга ҳозирлаш жараёнида кўзов устини ёпиш ёйлари, брезентлар ва кўзовдаги ён уриндиклар ечиб олиниб, алохида ташилади. Сўнгги автомобилдан ташқари, барча автомобилларнинг орка бортлари очик ва махкамланган бўлиши, кўзовларда ҳеч қандай жисм булмаслиги шарт.

Турли русумларга мансуб, кўзовларининг эни ҳар хил автомобиллар ортиладиган бўлса, кўзовининг эни нисбатан энлироқ машиналар кўзовининг эни нисбатан торроқ машиналарнинг олд томонида жойлаштирилади.


Автомобиллар темир йўл платформаларининг (яримвагонларнинг) буйлама укига нисбатан симметрик равишда, минимал оралик масофа колдирилган тарзда жойлаштирилади.

Кия жойлаштирилган автомобиллар орасидаги минимал оралик масофа 50 мм дан, кўшни вагонлар илашмаси устига урнатилган бўлиб, темир йўл платформаси устида (яримвагон ичида) буйлама йўналишда огмаслиги учун махкамланмаган машина томонда эса 270 мм дан тор булмаслиги лозим.

50 мм дан тор эмас

270 мм дан тор эмас

50 мм дан тор эмас



Темир йўл платформаларининг бортлари шартли равишда очик курсатилган. Маҳкамлаш воситалари шартли равишда курсатилмаган.

440 мм - металл шпор турига мансуб кўп айланадиган мосламалар ёки тирговуч бошмоқлар воситасида маҳкамланганда

270 мм - тирговуч чоркирралар ва тортмалар ёки воситасида маҳкамланганда

Расм. Занжир-тасмали ҳарбий машиналарни гилдиракли машиналар бирга, автомобилларнинг маълум қисмини темир йўл платформаларининг ўзаро илашмаси ўстига ўрнатган тарзда жойлаштириш

Кия жойлаштирилган автомобилнинг пастки, олдинга буртиб чиққан қисми билан унинг олдида ўрнатилган машина кўзовининг поли орасидаги масофа 50 мм дан тор булмаслиги керак.

Тушириш қулай бўлиши учун илашмадаги сўнгги автомобиль горизонтал ҳолатда ўрнатилиши мумкин.

Кия жойлаштирилган барча машиналарнинг ёқилғи бакларига ёқилғи бак ҳажмининг учдан бир қисмидан оширмаган миқдорда қуйилиши мумкин.

Юк ортиш тадбирлари бошланишидан олдин вагон поллари, техниканинг таянч юзалари ва маҳкамлаш мосламалари юк жўнатаётган томон вакиллари томонидан тозаланиши (киш фаслида кор ва мўз копламасидан ҳалос этилиши) лозим.

Киш фаслида вагон полларининг **қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника (ҚА ҲМТ)** таянадиган жойларига юк жўнатаётган томон вакиллари томонидан курук кумнинг ингичка, 1-2 мм ли катлами сепилиши даркор.

3. Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани

жойлаштириш учун қулланиладиган материал ва мосламалар

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш учун тортмалар (илиб улаш ва боғлаш мосламалари), ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар, ёғоч кистирмалар, тагликлар, кистирмалар, кашак чоркирралар, устунлар, мих, туткичлар, қайта-қайта ишлатиладиган стандарт маҳкамлаш мосламалари (УММ, металл тирноқлар (тишлар), тирговуч бошмоқлар,


тортма-кискичлар, кискичлар, махсус тортмалар) кулланилади.

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани маҳкамлаш учун юмшоқ, киздириб ишлов берилган (юмшатирилган), юмалок, диаметри 4 мм дан ингичка бўлмаган, дарз кетмаган, эшилмаган ва шу каби бошқа нуксонларга эга бўлмаган сим ишлатилади.

Меъёрий ва ҳажми камайтирилган калавалардаги (урамлардаги) симнинг вазни ва ўзунлиги 1-жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Сим диаметри, мм	100 погон метр келадиган сим вазни, м, кг	Меъёрий калава (урам)		Ҳажми камайтирилган калава (урам)	
		ўзунлиги, м	огирлиги, кг	ўзунлиги, м	огирлиги, кг
4	99	202	20	101	10
5	162	162	25	78	12
6	222	113	25	54	12



Расм. Юк ортилмаган юк ташиш машиналарини кия ҳолатда қўшни платформаларнинг ўзаро илашмаси устига ортиш

Маҳкамлаш мосламаларининг ёғоч деталлари (ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар, ёғоч кистирмалар, тагликлар, кистирмалар, кашак чоркирралар, устунлар) фақат сифатли ёғочдан тайёрланади. Бундай деталларни тоғтерак (ансол), ольха, жука ва кўриб колган бошқа дарахт турларидан тайёрлаш **ман этилади.**

Каттик дарахт, чунончи эман, граб каби дарахт турларидан тайёрланган

деталлар пармаланиб, мих учун тешик очилади.

Ёғоч тирговучлар (гуланинг икки томони рандаланган шакли, турга булинган қисми, шпал резгилари) темир йўл платформаси устидаги **ЗТХМ** ва гилдиракли машинага буйлама йўналишда ҳаракатланишга тускинлик қилади.

Бундай тирговучларнинг улчамлари (2 ва 3-жадваллар) **ЗТХМ** вазни ёки гилдирак диаметрига боғлиқ холда белгиланади.

2 - жадвал

Ёғоч тирговуч улчамлари, камида... мм	Гилдирак диаметри, мм					
	500 дан кичик	500-799	800-1099	1100-1399	1400-1599	1600 дан катта
Буйи	40	50	75	100	135	150
Эни	100	100	120	160	200	220

3 - жадвал

Ёғоч тирговуч улчамлари, камида... мм	Занжир – тасмали ҳарбий машина вазни, тонна		
	12,0 гача	12,1-18,0	18,0 дан огир
Буйи	75	100	180
Эни	150	180	200


Ўзун ёни билан машинанинг занжир-тасмаси ёки гилдирагига такалиб ётадиган тирговуч ўзунлиги, ушбу занжир-тасма ёхуд гилдирак энидан қисқа булмаслиги ёки гилдирак энидан бир оз ўзунроқ (машина жуфт гилдиракли бўлса, иккала гилдирак энидан ҳам ўзун) бўлиши лозим.

Гилдиракли машиналарни маҳкамлаш учун тўғри бурчак шаклидаги кесимга эга иккита устма-уст қўйилган тирговуч кулланишига йўл қўйилади.

Ёнбош чоркирралар қурилиш бандлари билан бир қаторда темир йўл платформаси устидаги, маҳкамлашнинг айрим усуллари кулланилган тарзда жойлаштирилган **ЗТХМ**га, шунингдек, темир йўл платформасининг

бортларини ёпиш имкони бўлмаган ҳолда жойлаштирилган ва кўшни темир йўл платформаларининг илашма устига жойлаштирилган гилдиракли машиналарга кундаланг йўналишда ҳаракатланишга тускинлик қилади.

ЗТХМни маҳкамлаш учун мўлжалланган ёнбош чоркирраларнинг улчамлари 100x100x200мм дан кичик бўлмаслиги лозим.




Гилдирагининг диаметри 1200 мм гача бўлган машиналарни маҳкамлаш учун мўлжалланган ёнбош чоркирраларнинг улчамлари 75x75x400 мм дан, гилдирак диаметри зикр этилган диаметрдан йирик бўлса, 100x100x100 мм дан кичик бўлмаслиги лозим.

Намунавий ёғоч тирговучлар ва ёнбош чоркирралар темир йўл платформаси устидаги гилдиракли машиналарга буйлама ва кундаланг йўналишларда ҳаракатланишга тускинлик қилиб, қайта-қайта ишлатиладиган маҳкамлаш мосламалари жумласига киради. Бундай мосламаларни юк жунатадиган томон тайёрлайди.

Намунавий ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар пармаланиб, мих учун тешик очилади.

Расм. Намунавий ёғоч тирговучлар ва ёнбош чоркирралар:

а - ёғоч тирговуч; *б, в* - ёнбош чоркирралар



Расм. Ёғоч кистирмалар:

а - бир тарокли занжир тасма учун буйлама кистирма;

б - икки тарокли занжир-тасма учун кундаланг кистирма

Ёғоч кистирмалар ЗТХМни маҳкамлаш мобайнида, машинанинг таянч катоклари занжир-тасманинг куйи соҳаси бўйлаб гилдираб кетиб қолишига йўл қуймаслик учун қулланилади.

Ёғоч тағликлар, кистирмалар ва кашак чоркирралар мавжуд юкламаларни бўлиб-бўлиб жойлаштириш, техниканинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида қулланилади.

Кундаланг тағликларнинг ўзунлиги вагон энига тенг, кистирмалар ўзунлиги эса юк энига тенг бўлиши лозим. Ортилган юкнинг ташки улчамларига оид талаблар бўзилмаса, кистирма учлари темир йўл платформасига ортилган юкдан 200 мм гача чикиб туришига рухсат берилади.

Ёғоч тағлик ва кистирмаларнинг бўйи 25 мм дан, кашак чоркирраларнинг бўйи эса 50 мм дан паст бўлмаслиги керак.

Темир йўл транспортига ортилган Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани маҳкамлаш учун қулланиладиган мих улчамлари 4-жадвалда келтирилган.

4 - жадвал

Мих ўзагининг диаметри, мм	Мих ўзунлиги, мм	1000 дона мих вазни, кг	1 кг мих таркибидаги мих сони, кг
5	150	23,2	43
6	200	43,9	22-23
8	250	98,6	10

Қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани (ҚА ХМТ)ни маҳкамлаш учун қулланиладиган тортмалар (илиб улаш ва боғлаш мосламалари) бир маротаба (сим тортма) ёки кўп маротаба фойдаланиладиган (махсус тортма)

бўлиши мумкин.

Махсус тортмалар (механизациялаштирилган арконлар) тросдан ва занжирдан тайёрланган бўлиши мумкин.

Махсус тортма (механизациялаштирилган мослама) трос ва занжирдан иборат бўлиб, таранглаш курилмаси (талреп) ҳамда вагон ва машинанинг илиб улаш курилмаларига махкамланадиган иккита бугиндан ташкил топган занжир ёки трос курунишига эга.

Сим тортма (илиб улаш ва боглаш симлари) - толалари таранг тортилиб, эшилган, вагон ва машинадаги илиб улаш курилмаларини ўзаро ва машиналарни бир-бирига боғлайдиган симдан иборат.


Тортмалар машиналарнинг шатакка олиш илгаклари ёки халкапари, кўприклари, ва шу каби машинанинг ишончли махкамланишини таъминлайдиган, тортма таъсиридан шикаст етмайдиган ёки тортманинг кесилиб кетишига сабаб бўлмайдиган бошқа деталларига махкамланади.

Тортмалар **ЗТХМ**нинг занжир-тасмасига ураб махкамланишига йўл қўйилади.

Тортмалар кўшни вагонларнинг илашмаси устига жойлаштирилган гилдиракли машинанинг орка кўпригига ёки орка ва урта кўпригига махкамланади.

Тортма гилдиракли машинанинг резина покришкеси, вагон ва ҚА ХМТнинг тигли металл деталларига ва иккита тортма бир-бирига тегмаслиги шарт.

Темир йўл платформасида тортмалар устун халкаларига, платформанинг киска томонидан таянч ошик-мошикларга, яримвагонда эса фақат илиб улаш курилмаларига махкамланади.



25-расм. Махсус тортмалар
(механизациялаштирилган мосла)
а — трос тортма; б — занжир тор

Тортмани вагоннинг бошқа деталларига, шу жумладан, яримвагоннинг устки боғлаш тусини ва платформанинг ёнбош тусинидаги ёғоч туткичлар ва боғлаш халкаларига маҳкамлаш **ман этилади**. Вазни 3,3 тоннадан оғир бўлмаган машиналар ташиладиган бўлса, илиб улаш қурилмаларига эга бўлмаган яримвагонда қулланиладиган тортмаларни ёғоч халкаларга истисно тариқасида маҳкамланишига йўл қўйилади.

Металл бортли темир йўл платформасида тортмалар очик борт остидан, агар техникадаги тортма илинадиган жой платформа бортидан юқорида жойлашган бўлса, борт устидан, агар темир йўл платформаси ёғоч бортли бўлса, фақат борт остидан ўтказилиб, маҳкамланади. Бунда, темир йўл платформасининг бортларга шикаст етмаслиги таъминланиши лозим. Зарурат тугилса, платформа борти туширилиб, маҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Тортмалар вагон поли билан тортма орасида, тортманинг вагон полидаги акси билан вагоннинг буйлама уки орасида ҳосил буладиган бурчак

45° дан ошириб юборилмай тортилади. Агар бундай бурчаклар ҳосил қилинишини таъминлашнинг иложи бўлмаса, уларнинг оширилишига йўл қўйилади, бироқ қулланиладиган тортмалар кесими ҳам йириклашиши шарт.

Маҳкамлаш жойлари орасида тортиладиган сим тортма яхлит булакдан иборат бўлиши лозим. Тортмадаги сим толалари ўзаро эшилган, учи урилган бўлиши керак.

Тортмадаги сим толаларининг сони нисбатан заиф кесмасида (илиб улаш қурилмаларига маҳкамланадиган жойларида) аникланади.

Симнинг диаметри 6 мм келадиган ҳар икки толасини диаметри 5 мм келадиган учта тола ёки 4 мм келадиган бешта толага алмаштирилишига йўл қўйилади. Тортмаларда қулланилган симнинг такроран ишлатилишига **йўл қўйилмайди.**

УМК-1Г ва УМК-2Г русумли қўп қулланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари темир йўл платформасига ортилган барча турдаги ЗТХМларни маҳкамлаш учун қулланилади.

Мазкур турдаги маҳкамлаш мосламаси пайвандланган вертикал пихларга эга таянч плитаси қурилишига эга. Унинг пихлари машина вазни таъсирида темир йўл платформасининг полига ботиб боради. Плитанинг устки қисмида машинани буйлама ва кундаланг йўналишлар томон силжишига тускинлик қиладиган қуйрукли буртик мавжуд. ЗТХМ вазнига боғлиқ ҳолда икки турдаги универсал маҳкамлаш мосламаси қулланилади.

УМК-1К ва УМК-2К русумли қўп қулланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари темир йўл платформасига ортилган гилдиракли машиналарни маҳкамлаш учун қулланилади.

Ушбу турдаги маҳкамлаш мосламалари эркин ҳаракатланадиган вертикал пихларга эга йигма таянчлар қурилишига эга. Мосламанинг пихлари темир йўл платформасининг полига қоқилиб, махсус қурилмалар (маҳкамлагичлар) воситасида бириктириб қўйилади.

Металл шпорлар темир йўл платформаларига ортилган ЗТХМларнинг маълум турларини маҳкамлаш учун кулланилади.

Шпор расмда тасвирлангандек, буртик куринишидаги, машина вазнининг таъси остида темир йўл платформасининг тахтасига ботиб кирадиган вертикал кирраларга эга, металлдан тайёрланган таянч плитадир.

Занжир-тасманинг бугини билан боғланиш учун плитада маҳкамлагичла (бурилиб кистириш мосламаларига) эга иккита вертикал устун мавжуд.

Тирговуч металл бошмоқлар темир йўл платформасига ортилган ЗТХМларнинг айрим турларини, хусусан: ИС-4, Т-10, Т-54, Т-55 (дастлаб чиқарилган намуналарини), ПТ-76, БТР-50П русумли машиналарни ва ушбу машиналар негизида яратилган бошқа турдаги техникани маҳкамлаш учун кулланилади.

Тирговуч бошмоқ олти дона пих пайвандланган, металлдан тайёрланган таянч плитаси ҳамда маҳкамлагич ёки маҳкамлагич урнига гайкали ўзакка эга корп куринишига эга.

7-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби. 2. Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш. 3. Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш учун кулланиладиган материал ва мосламалар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
• Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибини тушунтириш;	• Ишлаб чиқаришдаги шовкин ва тебраниш характеристикаларини тушуниш;
• Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш ҳақида тўлиқ маълумот бериш.	• Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш ҳақида тўлиқ маълумот олиш.
• Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш учун қўлланиладиган материал	• Қурол- аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникани жойлаштириш учун қўлланиладиган

ва мосламалар билан таништириш.	материал ва мосламалар билан танишиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

7-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулоти кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган	Дафтарига ёзиб оладилар.

	муаммоларини санаб ўтади	
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаррларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

8-МАЪРУЗА: ЮК ОРТИШ-ТУШИРИШ КУРИЛМАЛАРИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Режа:

1. Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари, юк ортиш ишларини механизациялаштириш воситалари ва асбоб-ускуналар ;
2. Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари таснифи.

1. Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари, юк ортиш ишларини механизациялаштириш воситалари ва асбоб-ускуналар

Қисмларга ажратиладиган-йигиладиган юк ортиш-тушириш курилмалари жумласига қисмларга ажратиладиган-йигиладиган металл аппаратлар, рельс ва шпаллардан тайёрланган платформа ва аппаратлар киради.

1954 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб, 1975 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб, қисмларга ажратиладиган-йигиладиган металл аппаратлар (КАЙМА) вазни 60 тоннадан оғир бўлмаган, укига 10 тоннадан ортмайдиган юклама бериладиган КА ХМТни ортиш-тушириш учун мўлжалланган бўлиб, темир йўл устига ёки ён томонига урналиди.

КАЙМАнинг темир йўл устига урналидиган тури битта секция ҳосил қилинган тарзда йигилади. Темир йўлнинг ён томонига урналидиган КАЙМА тури секцияларининг сони эса юк ортиш-тушириш ишлари фронтининг ўзунлигига боғлиқ.

Темир йўл устига урналидиган КАЙМАни йиғиш мобайнида:

шпаллардан иборат таянч асоси ётқизиблиб (шпаллардан иборат иккита йўлаки рельсларнинг ташки томонига, битта йўлак эса ички томонга, рельсларга зичлаб ётқизилади), унинг шпаллари қурилиш бандлари воситасида ўзаро ва йўл шпаллари билан маҳкамланади;

шпаллардан иборат асос устига таянчлар урналиди;

учи таянчлар оралигига қиритилдиган кундаланг тусинлар ётқизиблиб, олдинги ва урта таянчлардаги уқлар (1954 йили ишлаб чиқилган КАЙМА намунасида) ёки ошик-мошик кулф (1975 йили ишлаб чиқилган КАЙМА намунасида) воситасида маҳкамланади;

олдинги таянчларнинг таянч плиталари катта қайрилма мих (костиль)

воситасида шпаллардан иборат асосга кокиб, махкамланади;

урта ва пастки таянчларнинг олдинги таянчга нисбатан ҳолати четки буйлама тусинларни ётқизиб, урнатиш йўли билан текширилгач, уларнинг плиталари ҳам катта кайрилма мих воситасида асос шпалларига кокиб, махкамланади;

аппарелнинг қолган барча тусинлари ётқизилиб, бириктириш қувурлари тусинларнинг таянч қувурларига киритилади;

қундаланг тусинлар ва пастки таянчларнинг учларига бириктириш мосламалари урнатилиб, махкамланади;

уч дона шпалдан темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби учун таянч тайёрланади. Ушбу таянчдаги пастки биринчи шпалнинг ташки ён томонидан олдинги таянчларнинг укига қадар масофа 1600 мм ни ташкил этиши керак (бунда темир йўл платформасининг автоматик илашма қаллаги билан аппарат тусинларининг учлари орасидаги оралик масофа 100 мм ни ташкил этмоғи лозим);

аппарель ва темир йўлдан тушиш учун шпаллардан иборат йўлак ётқизилади.

Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби юк ортиш-тушириш учун ҳавола этилганидан сўнг, кичик улчамли боғловчи қўприклар ётқизилади (1975 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб КАЙМАНинг ушбу қўприклари чекловчи уқлар воситасида махкамланади).

Темир йўл устига урнатиладиган аппаратни йиғиш учун жами 28 донадан ошмайдиган аппарат, темир йўлдан тушиш йўлагини ётқизиш учун эса 50 донадан ошмайдиган шпал керак бўлади.

Таркиби 12 кишидан иборат бригада (команда) томонидан темир йўл устига урнатиладиган аппарат йиғилиши учун 35-50 дақиқа ажратилади.

Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган КАЙМА турини йиғиш мобайнида:

шпаллардан иборат таянч асоси ётказиладиган горизонтал майдон тайёрланади (ер текисланади);

ерга шпаллардан иборат асос ётказилади. Бунда, олдинги ва урта таянчлар остига ҳар бири учтадан шпалдан иборат, темир йўлга параллель ётказиладиган йўлаклар ётказилади. Ушбу йўлакларнинг устки юзаси рельснинг устки қисми билан тенг бўлиши лозим. Пастки таянчлар остига иккитадан ерга киритилган шпал ётказилади (агар юк ортиш-тушириш майдонининг копламаси каттик материалдан иборат бўлса, пастки таянчлар остига шпал ётказилмайди). Мулохаза юритилаётган йўлак шпаллари қурилиш бандлари воситасида ўзаро маҳкамланади;

аппарелнинг биринчи секциясига тегишли таянчлар урнатилади. Бунда, рельснинг устки қисмидаги ички кирра билан олдинги таянчларнинг укига қадар 1680 мм ни ташкил этмоғи даркор. Аппарель йиғиш амалларининг кейинги изчиллиги темир йўл устига урнатиладиган аппаратни йиғиш мобайнидаги изчиллик каби кечади;

аппарелнинг қолган секциялари кўшни секцияларнинг қундаланг тусин ва пастки таянч учлари бириктириш мосламалари воситасида ўзаро маҳкамланган тарзда йиғилади;


техниканинг чиқиши-тушишини енгиллатиш учун аппаратларнинг пастки таянчлари яқинида шпаллардан иборат тағлик ётказилади. Ушбу тағлик шпаллари қурилиш бандлари воситасида ўзаро ва асос шпаллари билан маҳкамланади;

темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби юк ортиш-тушириш учун ҳавола этилганидан сўнг, кичик улчамли богловчи кўприклар ётказилади (1975 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб КАЙМАнинг ушбу кўприклари чекловчи уқлар воситасида маҳкамланади).


Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган аппаратнинг ҳар бир секциясини йиғиш учун 9-15 дона шпал талаб этилади.

Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган туртта секциядан ташкил

топадиган аппарат таркиби 12 кишидан иборат бригада (команда) томонидан йигилиши учун 2-2,5 соат ажратилади.




a)



1954 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб металл аппарат


а) темир йўл устига урnatилadиган аппарат;

б) туртта секциядан ташкил топган, темир йўлнинг ён томонига урnatилadиган аппарат




1954 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб, қисмларга ажратиладиган-йигиладиган металл аппаратъ:

1 - олдинги таянч; 2 - урта таянч; 3 - пастки таянч; 4 - қундаланг урнатиладиган тусин; 5 - буйлама ёткизиладиган тусин; 6 - бириктириш қузури; 7 - ва 8 - устки бириктириш мосламалари; 9 - қуйи бириктириш мосламаси; 10 – кичик улчамли буйлама богловчи қўприк; 11 - кичик улчамли ён богловчи қўприк




Яхлит нишаб йўлаги темир йўлга перпендикуляр ёткизилиб, йўлнинг ён томонига урнатилган рельсдан иборат платформа



Нишаб йўлаги темир йўлга буйлама ёткизилган, рельс ва шпаллардан
йигилиб, темир йўлнинг ён томонига урнатилган платформа

Нишаб йўлакнинг горизонтал қисмини
ётқишиш учун шпал териш варианты



Эни битта шпал ўзунлигига тенг, рельс ва шпаллардан иборат темир йўл устига
урнатиладиган платформа

1954 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб, қисмларга ажратиладиган-йигиладиган металл аппаратнинг йигма бирлик ва деталлари, дона ҳисобида

Расмдаги рақами	Номланиши	Темир йўл устига урнатиладиган аппарат	Туртта секциядан ташкил топган, темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган аппарат
1	Олдинги таянч	2	8
2	Урта таянч	2	8
3	Пастки таянч	1	4
4	Кундаланг урнатиладиган тусин	3	12
5	Буйлама ётқизиладиган тусин	22	88
6	Бириктириш қувури	4	16
7	Темир йўл устига урнатиладиган аппарат учун устки бириктириш мосламаси	6	6
8	Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган аппарат учун устки бириктириш мосламаси		9
9	Пастки бириктириш мосламаси	2	5
10	Кичик улчамли буйлама богловчи қўприк	2	-
11	Кичик улчамли ён богловчи қўприк	-	44

1975 йили ишлаб чиқилган намунага мансуб, қисмларга ажратиладиган-йигиладиган металл аппаратнинг йигма бирлик ва деталлари, дона ҳисобида

Расмдаги рақами	Номланиши	Темир йўл устига урнатиладиган аппаратъ	Туртта секциядан ташкил топган, темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган аппаретъ
1	Олдинги таянч	2	8
2	Уртатаянч	2	8
3	Пастки таянч	1	4
4	Кундаланг урнатиладиган тусин	3	12
5	Буйлама ёткизиладиган тусин	24	96
6	Бириктириш қувури	4	16
7	Бириктириш мосламаси	8	20
8	Ошиқ-мошиқ қулф	6	24
9	Чекловчи ук	4	16
10	Кичик улчамли боғловчи қўприқ	4	16

Рельс ва шпаллардан иборат қисмларга ажратиладиган-йигиладиган платформа **ва** аппаратлар тури ҳар хил бўлиши мумкин. Нисбатан кўпроқ кулланиладиган бундай платформа ва аппаратлар жумласига:

ўзунлиги турт-олтита шпал ўзунлигига тенг, яхлит нишаб йўлаги темир йўлга перпендикуляр ётқизишиб, йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформа;

темир йўлга нисбатан буйлама ёки 30° бурчак ҳосил қилинган тарзда йўлнинг ён томонига йигиладиган, ҳар бирининг эни иккита шпал ўзунлигига тенг, битта ёки иккита яхлит нишаб йўлакка эга, ўзунлиги уч-турт шпал ўзунлигига тенг платформа;

эни битта ёки иккита шпал ўзунлигига тенг, темир йўл устига урнатиладиган платформа.

Улчами йирик, вазни огир ҚА ХМТни (чунончи огир ва урта танклар, махсус машиналарнинг айрим турлари, йирик калибрли артиллерия қуруллари ва шу каби бошқа моддий воситаларни) ортиш-тушириш учун эни иккита шпал ўзунлигига тенг темир йўл устига урнатиладиган платформалар, ўзунлиги беш-олтита шпал ўзунлигига тенг, яхлит нишаб йўлаги темир йўлга перпендикуляр ётқизишиб, йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформалар ёки яхлит нишаб йўлаги темир йўлга нисбатан 30° бурчак ҳосил қилинган тарзда йўлнинг ён томонига йигиладиган платформалар кулланилади.

Рельс ва шпаллардан иборат платформа ва аппаратларни йигиш тартиби:

танланган майдон хозирланади;

аппаратнинг шпаллардан ҳосил қилинадиган катаклардан (катакнинг ҳар бир қатори учтадан шпалдан) иборат горизонтал қисми ёки асоси ётқизишиб, йигилади;

нишаб йўлакнинг (йўлакларнинг) устига рельслар ётқизиладиган таянч қисми йигилади;

рельслар устига платформанинг горизонтал қисми ва нишаб йўлагининг (йўлакларининг) шпаллардан иборат тушамаси ёки аппаратнинг шпаллардан тайёрланган тушамаси ётқизилади;

темир йўлни, унга шикаст етишидан саклайдиган ва ҚА ХМТнинг юриб чиқишини (тушишини) енгиллатадиган шпаллардан иборат тушама ётқизилади.

Горизонтал қисм катаклари ва нишаб йўлак асосининг катакларидаги шпалларнинг пастки қатори темир йўл устига урнатиладиган платформа йигилаётганида йўл буйлаб, темир йўлнинг ён томонида урнатиладиган платформа ва аппаратлар йигилаётганида эса йўлга перпендикуляр ёки параллель ётқизилади.

Катаklar йиғилишининг кейинги жараёни шпалларни темир йўлга навбат билан перпендикуляр ва параллел ётқизган тарзда кечади. Шпаллардан иборат катаklar ичидаги қаторлар платформанинг тушама билан биргаликдаги буйи темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби буйига (рельснинг устки қисми юзасидан 1100 - 1200 мм) тўғри келгунга қадар ётқизилади.

Темир йўл транспортига ортилган юк билан йўлдаги объектлар орасида қолиши шарт бўлган оралик масофага амал қилиш учун темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформа ёки аппаратнинг олдинги кирраси билан йўл рельси устки қисмининг ташки кирраси орасидаги масофа 1080 мм га тенг бўлиши лозим.

Катак ичидаги шпаллар қурилиш бандлари воситасида ўзаро маҳкамланади Шундан сўнг, шпаллардан иборат катаklar устига рельслар ётқизилади. Ушбу рельслар остига эса таянч шпаллари зичланади. Таянч шпаллари катак шпаллари билан қурилиш бандлари воситасида, рельс билан эса катта қайрилма мих (костиль) воситасида маҳкамланади.

Платформанинг шпаллардан иборат тушамаси аппаратлар ичига пастдан юқорига караб ётказилади. Ушбу тушамани маҳкамлаш амаллари:

I

қурилиш бандлари воситасида (платформаларнинг горизонтал майдонлари ва яхлит нишаб йўллари);

тушама шпалларига маҳкамланадиган рельслар ва қурилиш бандлари воситасида (темир йўлга буйлама ёки 30° бурчак ҳосил қилинган тарзда ётказилган, темир йўл устига ва ён томонига урналидиган платформаларнинг нишаб йўлаклари);

мих билан тушама шпалларига қоқиладиган тахталар воситасида (темир йўлнинг ён томонига урналидиган аппаратлар) бажарилади.

Платформа ва аппаратлар йиғиладиган барча ҳолларда шпалнинг энли юзаси пастга қаратиб ётказилади. Агар улчами (русуми) турлича шпаллардан фойдаланилаётган бўлса, ҳар бир катак қаторига қалинлиги бир хил шпаллар ётказилади. Бунда, нисбатан оғир шпаллар катакларнинг пастки қаторига ётказилади.

Платформа ва аппаратларни йиғиш ишлари давомида рельсларни олиб ўтиш ва тахлаш ишлари таркиби 12-14 кишидан иборат бригада (команда) томонидан, махсус қискичлар воситасида ёки қулда, шахсий ҳавфсизлик қоидаларига амал қилинган тарзда бажарилади.

_____ - РАҚАМЛИ ҲАРБИЙ ЭШЕЛОН ШАХСИЙ ТАРКИБИНИНГ ТРАНСПОРТГА ЧИҚИШ (ЮК ОРТИШ) РЕЖАСИ

(вариант)

1. ПОЕЗД ТАРКИБИНИНГ ЧИЗМАСИ

1 ПЛ ПТС-2	2 ПЛ МТ-Т	3 ПЛ ЗПТ-40	4 ПЛ КС-3572	5 ПЛ Урал	=	6 ПЛ Урал	7 ПЛ Урал	=	8 ПЛ Урал	9 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66
				Урал			Урал			
10 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	11 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	12 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	13 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	14 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	15 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	16 ПЛ ЗИЛ-131 ГАЗ-66	17 ЙТ	18 ЙТ		
19 ЙТ	20 ВО	21 ЁВ	22 ПЛ Урал 2 ПН-4	23 ПЛ ЗИЛ-131 2 ПН-4	24 ПЛ ГАЗ-66 УАЗ-469	=	25 ПЛ ГАЗ-66 УАЗ-469	26 ПЛ МАЗ-543	27 ПЛ МАЗ-543	
					ГАЗ-66					
28 ПЛ КамАЗ ОдАЗ	29 ПЛ КамАЗ ГАЗ-66	30 ПЛ КамАЗ ГАЗ-66	31 ПЛ КамАЗ ГАЗ-66	32 ПЛ Урал ГАЗ-66	33 ПЛ Урал ГАЗ-66	34 ПЛ Урал ЗИЛ-131	35 БВ	36 БВ		

Чизма ҳарбий эшелон бошлиғи томонидан ҳарбий комендант билан бирга ишлаб чиқилади. Тўғри бурчаклар ичига вагон турларининг номлари ёзилади, жумладан:

ЙТ - йўловчи ташиш вағони;

ОТ - одам ташиш вағони;

ИЗО - вагон-изолятор;

ВО - вагон-ошхона;

ЁВ - ёпиқ вагон, юк ортиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари омбори сифатида куллаш учун.

ЯВ - яримвагон;

ИЗВ - изотермик вагон;

ЦС - цистерна;

БВ - буш вагон;

**П. ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ ТРАНСПОРТГА ЧИҚИШИГА
(ЮК ОРТИЛИШИГА) ОИД МАЪЛУМОТЛАР**

1. Транспортга чиқиш (юк ортиш) жойи

_____ (станция, йўл қисми)

2. Мухлатлар:

Транспортга чиқишни (юк ортишни) бошлаш вақти

_____ (сана, соат)

Транспортга чиқишни (юк ортишни) нихояси етакиш вақти

_____ (сана, соат)

Эшелон ортилган поезднинг йўлига чиқиш вақти

_____ (сана, соат ва поезд рақами)

3. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилган, ҳарбий эшелонга қарашли ҚА ҲМТни маҳкамлаш учун:

ҳарбий қисм томонидан:

Ш - 137 русмли металл тирнок (тиш) – 2 комплект;

буйлама ёғоч кистирма – 4 дона;

намунавий чоркирралар: таянч чоркирра – 64 дона; ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар – 32 дона;

сим – 450 кг;

темир йўл транспорти органи томонидан:

таянч, ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар – 310 дона;

таксимловчи кистирма – 0,5 м³;

мих – 100 кг ҳавога этилади.

4. Ҳарбий эшелон бошлиғига берилган кўрсатмалар: темир йўл устига урнатиладиган аппаратли тиклаш учун темир йўл станциясига таркиби 40 кишидан иборат команда 20 ____ йил « ____ » _____ кунини соат 18.00 га етиб бориши учун йўлланилсин

**ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИ ВА
СТАНЦИЯСИНИНГ ҲАРБИЙ КОМЕНДАНТИ**

(ҳарбий унвон ва имзо)

20 ____ йил « ____ » _____

ВАГОНГА УРНАТИЛИБ-ЕЧИЛАДИГАН ҲАРБИЙ ЖИХОЗЛАР РУЙХАТИ _____ - сон

1. жўнатаётган томонга ёпиқ юк ташиш вагонларида одам ташиш учун ҳавола этилган (_____ - сонли йўл ведомости) билан;
 2. йўл давомида тулдириб бориш учун: ЦДВ, Д, (ДВ), НОДН нинг (керак бўлмаган шартли ном устидан чизик тортилади) _____ - сонли наряди буйича аҳолида вагонларда, _____ темир йўл станциясидаги _____ номига тайинланган ГУ – 33 - шаклдаги _____ - сонли жунатиш ведомости билан расмийлаштирилган. Вагонга урнатилиб-ечиладиган ҳарбий жидоалар таркибига кирган

Т.р.	Вагон рақамлари	Вагонга урнатилиб – ечиладиган ҳарбий жихозлар таркибига кирган буюмлар (деталлар) сони															Изох
		тахта	укли қурол урнатиладиган тишли тахта	печка	мури тушлари	ёнилги жойлаш яшиги	темир косов	ҳокандоз	юк бекитиш учун жопкок	печка таглиги	сиргалувчилар урнатиладиган дераза роми	нарвон	ут учирини челаги	фонус	ёғоч шоти	супурги	
1	2	а	б	в	г	д	е	ж	з	и	к	л	м	н	о	п	18
		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	
1																	
2																	
3																	
4																	
20																	
жами																	

Топширди: транспортга чиқиш (юк ортиш) станциясининг вакили _____

Қабул қилиб олди: ҳарбий эшелон (қоровул) бошлиғи _____

Транспортдан тушиш (юк тушириш) станциясида вагонга урнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар қабул қилиб олинганлиги ҳақида ёзувлар _____

Изох: мазкур руйхат ИСВО да баён этилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

**ҲАРБӢЙ ЭШЕЛОННИ ТЕМИР ЙӢЛ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ҲАРАКАТЧАН ТАРКИБИГА ОРТИШ (ТУШИРИШ, ҚАЙТА ОРТИШ)
УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ МЕЪЕРЛАРИ**

Т.р.	Ҳарбий эшелон	Вақт, <u>соат, дақиқа</u>				
		Темир йўл устига урнатиладиган платформадан (аппарелдан)	Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформадан (аппарелдан)	Темир йўл устига урнатиладиган платформадан (аппарелдан)	Темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформадан (аппарелдан)	Бир транспортдан туширилиб, бошқасига ортилаётганида
		фойдаланиб ортилаётганида		фойдаланиб туширилаётганида		
1	Темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига гилдиракли машиналар билан биргаликда ортилганидан сўнг, тегишли улчамларга келтирилиши талаб этилмайдиган, ўз маҳкамлаш мосламаларига эга занжир-тасмали машиналар	2.40	3.20	2.00	2.00	4.15
2	Темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига ортилганидан сўнг, тегишли улчамларга келтирилиши талаб этилмайдиган занжир-тасмали машиналар	3.20	4.00	2.30	2.45	5.00
3	Артиллерия қуроллари (гилдиракли шатаклар)	2.30	3.00	1.45	2.00	3.45
4	Артиллерия қуроллари (занжир-тасмали шатаклар)	3.20	4.00	2.30	2.45	5.00

5	Ҳар бирининг умумий вазни 24 тоннадан ошмайдиган, темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига ортилганидан сўнг, тегишли улчамларга келтирилиши талаб этилмайдиган гилдиракли машинляр	3.00	3.30	2.20	2.40	4.40
6	Ҳар бирининг умумий вазни 24 тоннадан огир, темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига ортилганидан сўнг, тегишли улчамларга келтирилиши талаб этилмайдиган гилдиракли машиналар	4.00	5.00	3.00	3.30	6.25
7	Темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига ортилганидан сўнг, тегишли улчамларга келтирилиши талаб этиладиган улчами йирик, ўзун қурол-аслахалар	5.00	6.00	4.00	4.30	7.50
8	Ортиш (тушириш, қайта ортиш) учун юк кутариш кранлари талаб этиладиган ҚА ҲМТ, мол-мулк	8.00	10.00	6.30	8.30	13.50

Изоҳ:

1. Вақт меъёрига кичик улчамли богловчи кўприкларни урнатиш ва олиб ўтиш, ҚА ҲМТни темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларига жойлаштириш, тегишли улчамларга келтириш ва маҳкамлашга (маҳкамлаш воситаларини ечишга) сарф этиладиган вахт киради.

Ушбу вахтга қисмларга ажратиладиган-йигиладиган юк ортиш-тушириш курилмаларини урнатиш, темир йўл транспортининг ҳаракатчан воситаларини етказиш ва олиб кетишга сарф этиладиган вақт **қирмайди**.

ҚА ХМТ ни махкамлаш, силжитмайдиган туткичлар (курилмалар) ва люкларни тамгалаш ишлари ортиш ва телефон алокасини урнатиш ишлари билан бир вақтда бажарилади.

2. Жадвалда келтирилган вақт меъёрлари темир йўл транспорти воситаларининг уттизта вагондан иборат ҳаракатчан таркибига ортиладиган техника, ушбу таркиб устига битта нуктадан чиққанича, юриб борадиган битта ҳарбий эшелоннинг ортилишига (туширилиши, қайта ортилишига) тааллуқлидир.

3. Юқорида келтирилган вақт меъёрлари куйидаги ҳолларда **камаяди**:

ҚА ХМТ ўз махкамлаш мосламалари воситасида махкамланадиган бўлса, 40 фоизга;
ортилаётган техника темир йўлнинг ён томонига урнатиладиган платформанинг икки ёки учта нуктасидан юриб чиқадиган бўлса, тегишинча 15 ёки 25 фоизга.

4. Юқорида келтирилган вақт меъёрлари куйидаги ҳолларда **ортади**:

юк ортиш (тушириш, қайта ортиш) тадбирлари ёруғликни ниқоблаш қоидаларига амал килинган ҳолда сутканинг тунги соатларида бажариладиган, шунингдек, ҳарбий эшелон шахсий таркиби ушбу тадбирларни газниқоб такиб олган ҳолда амалга оширадиган бўлса, 25 фоизга;

поезд ўзунлиги 31 тадан 40 тагача вагондан ташкил топса, 15 фоизга, 41 тадан 50 тагача вагондан ташкил топганда эса 25 фоизга.

ТАШКИ УЛЧАМЛАРНИНГ МОС КЕЛМАСЛИК ДАРАЖАСИГА ЭГА ТЕХНИКАНИ ОРТИШГА ДОИР ДАЛОЛАТНОМА

Мазкур далолатнома:

Темир йўл станцияси бошлиғи _____
(исми, отасининг исми ва фамилияси. Темир йўл станцияси,

_____;
участкаси ва йўлнинг номи курсатилмайди)

ҳарбий комендант: _____;
(ҳарбий унвони, исми, отасининг исми ва фамилияси)

ҳарбий эшелон бошлиғи (ҳарбий транспортни жўнатаётган томон вакили) _____
(ҳарбий унвони, исми, отасининг исми ва фамилияси)

томонидан тўзилиб, темир йўл платформаларига ортилган - сонли ҳарбий эшелон (транспорт) куйида курсатиб
утилган ташки улчамларга мос келмаслик даражасига эга эканлиги қайд этилди. Хусусан:

_____ - платформа мос келмасликнинг _____ даражасига эга;

_____ - платформа мос келмасликнинг _____ даражасига эга;

Темир йўл станцияси бошлиғи _____ ;
(имзо, фамилия)

Ҳарбий комендант _____ ;
(имзо, фамилия)

Ҳарбий эшелон бошлиғи (ҳарбий транспортни жўнатаётган томон вакили) _

(имзо, фамилия)

Изоҳ:

1. Мазкур далолатномада темир йўл станцияси, участкаси ва йўлнинг номи **курсатилмайди**.
2. Далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади. Унинг биринчи нусхаси йўл ведомости конвертининг ташки томонига маҳкамланади, иккинчи нусхаси темир йўл участкаси (станцияси) ҳарбий комендантига топширилади, учинчи нусхаси эса юк ортилган станциянинг иш юритиш булимидаги хужжатлар жилдига тикилади.
3. Мазкур далолатнома муҳр билан **тасдиқланмайди**.

8-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари, юк ортиш ишларини механизациялаштириш воситалари ва асбоб-ускуналар ; 2. Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари таснифи.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари, юк ортиш ишларини механизациялаштириш воситалари ва асбоб-ускуналар ҳақида тўлиқ тушунтириш.	Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари, юк ортиш ишларини механизациялаштириш воситалари ва асбоб-ускуналар ҳақида тўлиқ тушуниш.
Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари таснифи ҳақида маълумот бериш.	Юк ортиш-тушириш курилмалари, мосламалари таснифи ҳақида маълумот олиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоёиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

8-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан микёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.

Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

9-Мавзу: ҲАРБИЙ ЭШЕЛОНЛАРНИ ОРТИШДА, ТУШИРИШДА ВА ҲАРАКАТ ДАВОМИДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ОРГАНЛАРИГА МАНСУБ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар

2. Ҳарбий комендантнинг вазифалари

1. Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар

1. Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар жумласига:

темир йўл транспорти органларида:

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти қошидаги ҳарбий ҳаракатлар бошқармаси бошлиғи (шартли телеграф номи «З»);

темир йўл участкаси ва станцияси ҳарбий комендантлари (шартли телеграф номи «ЗКУ»);

темир йўл станцияси ҳарбий комендантлари (шартли телеграф номи «ЗК»);

Юқорида санаб утилган мансабдор шахслар ва ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб бошқа офицерлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вакиллари саналиб, ташилаётган қўшин вакиллари, хусусан ҳарбий қисм, бўлинма командирлари, эшелон бошлиқлари ҳамда транспорт органлари вакиллари билан биргаликда ҳарбий ташишга тааллуқли барча масалаларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Темир йўл участкаси ва станцияси ҳарбий комендантлари ва уларнинг ёрдамчилари - ҳарбий ташиш тадбирларини бевосита ташкиллаштириб, назорат қилаётган, шунингдек, ташилаётган қўшин вакиллари (ҳарбий қисм, бўлинма командирлари, эшелон бошлиқлари) ва транспорт органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилаётган ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар саналади.

2. Ҳарбий комендантнинг вазифалари

Ҳарбий комендант тегишли транспорт тури органи қошидаги ҳарбий

ҳаракатлар органи бошлиғига буйсунади.

Ҳарбий комендант темир йўл участкаси ва станцияси ҳудудидаги ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизом сақланиши ва ҳарбий кийим кийиш қоидаларига амал қилиниши устидан мунтазам кузатиб боришга мажбур.

Гарнизон бошлиғи темир йўл станцияси ҳудудидаги ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартибот сақланишини таъминлаш мақсадида ҳарбий комендант томонидан зарурат тугилган ҳолларда тақдим этилган талабномаларга асосан темир йўл станцияси ҳудудида патруллик хизматини жорий этади.

Ҳарбий комендантнинг ўз масъулиятидаги темир йўл станцияси ҳудудига кириб келган ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш буйича ҳамда ҳарбий юк ортилган транспортни кўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул таркибига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Умумқўшин низомларида белгилаб қўйилган.

3. Ҳарбий эшелон (команда) шахсий таркиби транспорт турига ўз вақтида чикиб жойлашиши ва юк ортилишини таъминлаш борасида ҳарбий комендант зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

ҳарбий қисм (бўлинма) командири ва эшелон (команда) бошлиғи билан биргаликда эшелонни (командани) ташишга оид ҳисоб-китобларга аниқликлар киритиб, эшелон (команда) шахсий таркиби транспортга чиқишга шайлигини, тегишли юк транспорт турига ортилишга тўғри хозирланганлигини текшириш;

эшелон (команда) бошлиғига ташиш тадбирларининг тартиби ва қоидаларига оид йўл-йуриklar бериб, эътиборини ҚА ҲМТни ўз вақтида , тўғри ортиш, маҳкамлаш, транспорт воситасидан оқилона фойдаланиш, эшелон (команда) бўлинмалари томонидан темир йўлни кесиб ўтиш ва станция ҳудудида ҳаракатланиш тартиби, ҳарбий интизом сақланиши ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишига қаратиш;

транспорт воситасидан оқилона фойдаланишни кўзда тутган ҳолда эшелон бошлиғи билан биргаликда эшелон шахсий таркибининг транспортга чиқиш (юк ортиш) режасини ишлаб чиқиш;

эшелон (команда) бошлиғига жоиз кўтиш худуди, транспортга чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) жойи ва уларга олиб борадиган йўлларни ҳамда якин орада мавжуд панохгохларни курсатиб ўтиш;

Қўшинларнинг доимий юк ортиш-тушириш (транспортга чиқиш-тушиш) жойларининг ҳолатини кузатиб бориш;

транспорт воситалари ҳозирланиши ва юк ортилиши (шахсий таркиб чиқиши) учун ўз вақтида ҳавола этилишини назорат қилиб бориш;

транспорт органларига ҚА ҲМТни маҳкамлаш учун зарурий материаллар, юк ортиш-тушириш мосламалари ажратилишини сураб, буюртма тақдим этиш;

ташиладиган қўшинлар транспортга чиқиш (юк ортиш) муддатларига амал қилаётгани, ҚА ҲМТни транспорт турига тўғри жойлаштирилиб, ишончли маҳкамлаётгани, тулик ниқоблаётгани, ҳаво ҳужумидан мудофаа, оммавий қирғин қурол таъсиридан сақланиш ва муҳофаза тадбирларини амалга ошираётгани, эшелон (команда) бошлиғи томонидан ташиш ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилаётганини кузатиб бориш;

транспортга чиқиш (юк ортиш) тадбирлари пинхона кечиши, эшелон таркиби томонидан ниқобланиш талаблари тулик бажарилаётгани устидан назорат олиб бориш;

транспортга чиқиш (юк ортиш) тадбирлари нихоясига етгач, эшелоннинг (команданинг) йўлга чиқишга шайлигини текшириш;

транспортга чиқиш (юк ортиш) тадбирлари нихоясига етгач, транспортга чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) жойлари тозаланиб, тартибга келтирилаётганини кўзатиш киради.

4. Эшелонлар (командалар) ўз вақтида илгарилаб боришларини таъминлаш учун ҳарбий ҳаракатлар органи ҳарбий комендантлари зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

эшелон (команда) ҳаракатининг йўналишидаги ҳарбий комендантлар билан қилиб, зарурат тугилган ҳолларда уларга эшелонда (командада) ҳукм сураётган ҳарбий интизом ҳолати ҳақида маълумот бериш;

эшелоннинг (команданинг) темир йўл участкаси, ҳаво йўли орқали илгарилаб боришини назорат қилиб, темир йўл станцияларида канча вақт бўлиши

ва ўтказиш тартибини транспорт органлари билан мувофиқлаштириш;

эшелонга (командага) хизмат курсатадиган моддий ва тиббий таъминот пунктларининг шайлигини текшириб бориш;

Ҳарбий ҳаракатлар органи комендатурасининг доимий жойлашув пунктида эшелонлар (командалар) ташилаётган поездларни қарши олиб, ҳар бир эшелонда (командада) қарор топган ҳарбий интизом ҳолати, унинг озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви, ёнилғи ва шам билан таъминланганлик даражаси, ҚА ХМТнинг ишончли маҳкамланганлиги, санитария-эпидемик ҳолатини текшириб бориш;

текширув натижаларини эшелоннинг йўналиш варакасида акс эттириш;

эшелон (команда) бошлиғи томонидан моддий ва тиббий таъминот буйича тақдим этилган талабноманинг асосли эканлигини текшириб, ушбу ҳужжатларни эшелонни (командани) таъминлайдиган тегишли ҳарбий комендантлар, озиқ-овқат маҳсулотлари омбори, изоляция-ўтказиш пункти бошлиқлари каби мансабдор шахсларга ўз вақтида етказиш;

қабул қилинган талабномага мувофиқ эшелоннинг (команданинг) моддий ва тиббий таъминотини ташкиллаштириш;

эшелон (команда) бошлиғини ҳаракат йўналишида қарор топган ҳаво, радиацион, бактериологик (биологик) вазият, моддий ва тиббий таъминот тартиби, поездларнинг темир йўл участкаси бўйлаб қатнаш жадвали ҳақида хабардор қилиш киради.

Ҳарбий комендант эшелонлар (командалар) ташилаётган поездларнинг қатнаш жадвалида руй берган бўзилишлар ҳақида бўйсунуш погонаси бўйича билдирув бериб, ушбу эшелонларнинг (командаларнинг) тайинланган манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга қаратилган чоралар кўришга мажбурдир.

Ҳаракат йўналишидаги поездларнинг ҳаракатида ўзок тухталишлар юзага келган бўлса, ҳарбий комендант эшелон (команда) бошлиғини қарор топган вазият ҳамда катта бошлиқ томонидан қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади ёки эшелон шахсий таркибининг транспортдан тушишини (юк туширилишини) ташкиллаштириб, тайинланган ҳудуд томон йўл юриш йўналишини курсатади.

5. Ҳарбий эшелон (команда) шахсий таркиби транспортдан тушишини, юк туширилишини таъминлаш борасида ҳарбий комендант зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

эшелонни (командани) карши олиб, юк ортиш-тушириш жойи, юк тушириш шартлари ва тартибини курсатиш ва юк тушириш тадбирлари белгиланган вақтга келиб нихоясига етказилишини кузатиб бориш;

вагонга урнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар эшелон бошлиғи томонидан топширилаётгани ҳамда ташиш хужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилаётганини назорат қилиб бориш;

эшелон (команда) бошлиғига йигилиш ҳудуди томон ҳаракатланиш давомида темир йўл кесиб утиладиган жойлардан ўтиш ва станция ҳудудида ҳаракатланиш тартибини курсатиш;

юк тушириш (транспортдан тушиш) ишлари нихоясига етгач, юк ортиш-тушириш (транспортга чиқиш-тушиш) жойлари тозаланиб, тартибга келтирилаётганини кузатиб бориш киради.

6. Эшелон шахсий таркиби бир транспорт туридан тушиб (юк туширилиб), бошқа транспорт турига чиқадиган (ортиладиган) бўлса, ҳарбий комендант тегишли транспорт тури қошидаги ҳарбий ҳаракатлар органларига эшелоннинг (команданинг) бир транспортдан бошқасига қайта ортиш (утиб, жойлашиш) пунктига яқинлашиб қолганлиги ҳақида ўз вақтида хабар беришга мажбурдир.

7. Ҳарбий комендант ўз эшелонидан (командасидан) қолиб кетган ҳарбий хизматчини тегишли манзил томон ҳаракатланаётган темир йўл транспорти воситасида юборади. Бундай ҳарбий хизматчига маҳаллий ҳарбий ҳаракатлар органининг ёзма равишда берган рухсати билан таъминот муассасалари ва ҳарбий қисмлари томонидан ҳарбий ташиш хужжати расмийлаштириб берилади.

9-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Қириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ҳарбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслар

	2. Харбий комендантнинг вазифалари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириши.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Харбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслари ҳақида маълумот бериш	Харбий ҳаракатлар органларига мансуб мансабдор шахслари ҳақида маълумот олиш.
□□□□ Харбий комендант вазифалари ҳақида маълумот бериш	Харбий комендант вазифалари ҳақида маълумот олиш.
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

9- МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.

	ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

10-МАЪРУЗА: ЭШЕЛОНЛАРДА ОРТИШ ВА ТУШИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

1. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортиш
2. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортдан тушириш

1. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортиш

1. Ҳарбий эшелон шахсий таркиби темир йўл транспортига чиқиб жойлашиш амаллари ва эшелон юklarини ортиш тадбирлари ҳарбий эшелон бошлиғининг командасига биноан, тегишли режага мувофиқ бошланади.

ҚА, ҲМТни ортиш тадбирлари, одатда, темир йўл транспорти воситалари ҳаракатчан таркибининг жамики узунлигида (кенг фронтида), мавжуд юк ортиш-тушириш қурилмалари, мослама ва механизмлари ялпи ишга солинган тарзда, пинхон, тез ва уюшқоқлик билан амалга оширилади.

Вагон катталари станция вакилидан (бошлиғидан) вагонларнинг **ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозларини** (УЕХЖ) тегишли рўйхат бўйича қабул қилиб олади. Ушбу жихозларни қабул қилиб олиш жараёнида УЕХЖнинг созлиги текширилади. УЕХЖ таркибидаги носоз буюмлар соз буюмларга алмаштирилади, етишмаётган элементлар эса етказиб берилади.

УЕХЖ таркибидаги носоз буюмларни созига алмаштириш ёки етишмаётган элементларини етказиб беришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ушбу жихозлар рўйхатига тегишли ёзув киритилади. Бундай ёзув станция вакили (бошлиғи) томонидан имзоланиб, станция муҳри билан тасдиқланади.

Юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш амаллари юк ортиш-тушириш ишлари билан бир вақтда бажарилади.

Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилган ҚА, ҲМТни маҳкамлаш ва ниқоблаш ишлари ҳамда ҳарбий эшелонни ташишга доир юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш амаллари якунига етгач, ортиш тадбирлари нихоясига етган саналади.

2. Бўлинма шахсий таркибининг транспортга чиқиб жойлашиши (ундан тушиши), бўлинмага қаршли юкларнинг ортилиши-туширилиши учун жавобгарлик масъулияти бўлинма командирининг зиммасига юкланади. Бўлинма командири ушбу тадбирларга раҳбарлик қилиб, ўз тасарруфидаги ҚА, ҲМТ темир йўл транспортига тўғри жойлаштирилиши, ишончли маҳкамланиши ва ниқобланишини таъминлайди. Ҳар бир машинанинг темир йўл транспортига чиқишини взвод командири ёки тегишли мансабдор шахс бошқаради. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркиби устига ортилган ҚА, ҲМТнинг келгуси ҳаракатини гуруҳ (секция, расчёт, экипаж) командири бошқаради.

Ҳарбий эшелонга қаршли моддий воситалар, ҚА, ҲМТ темир йўл

транспортига, уларни тушириш навбати инобатга олинган ҳолда, ҳарбий техниканинг кузов ва тиркамаларидан унумли фойдаланилган тарзда жойлаштирилади. Ёқилғи-мой махсулотлари ва ўқ-дори захираси бир-биридан айри ҳолда, ҳар хил вагонларга ортилади.

3. Ўқига 10 тоннадан ортмайдиган юклама бериладиган ғилдиракли машиналар ҳамда ҳар бир сантиметр квадратга бериладиган босимнинг улуши 0,8 кгс дан ортмайдиган **занжир-тасмали ҳарбий машина** (ЗТХМ) темир йўл платформаси устига кичик ўлчамли боғловчи кўприклар ёки металл тахталар ўрнатилмаган тарзда платформанинг қисқа томонидаги металл бўртлари орқали юриб чиқиши ва платформа устида юришига йўл қўйилади.

Айрим ҳолларда вазни 15 тоннадан оғир бўлмаган ЗТХМни темир йўлнинг ён томонига ўрнатиладиган юк ортиш-тушириш қурилмалари билан платформалар орасидаги бўшлиқ устига кичик ўлчамли боғловчи кўприклар ўрнатмай ортишга рухсат берилади. Ўқига 10 тоннадан ортмайдиган юклама бериладиган ғилдиракли машиналарни ортиш-тушириш мобайнида кичик ўлчамли боғловчи кўприклар ўрнига платформаларнинг ён томонидаги металл бўртларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Юк ортиш-тушириш билан боғлиқ бошқа ҳолларда платформаларнинг ён томонидаги металл бўртларидан фойдаланиш, платформаларнинг ён томонидаги ёғоч бўртларини эса бирон-бир бошқа мақсадда қўллаш ман этилади.

4. Ҳарбий эшелонга қарашли ҚА, ХМТни темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига жойлаштириб, маҳкамлаш амаллари вагонларнинг юк кўтариш қобилияти ва сиғимидан (ҳажмидан) максимал фойдаланиши лозимлиги инобатга олинган ҳолда ҳарбий эшелон ва транспорт таркибида ташиладиган ҚА, ХМТни темир йўл *воситаларининг ҳаракатчан таркибига жойлаштириб, маҳкамлашга доир техник шартлар*, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан жорий этилган юк ташиш қоидалари ҳамда ушбу Компания ва Мудофаа вазирлиги томонидан берилган алоҳида кўрсатмаларда баён этилган талабларга мувофиқ амалга оширилиши шарт.

ҚА, ХМТни темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига жойлаштириб, маҳкамлаш мобайнида юкни зич жойлаштириб ортишнинг асосий усуллари, жумладан:

ғилдиракли машиналарни темир йўл платформаларининг (яримвагонларнинг) ўзаро автоматик илашмалари (илгаклари) устига жойлаштириш ёки машина осмаларини вагонларнинг ўзаро автоматик илашмалари устига чиқарган тарзда (масалан танк батальони танклари билан автомобиль техникасини бирга) ортиш усули;

айрим русумларга мансуб автомобилларни қия ҳолатда ўрнатиб ортиш усули;

икки кават ортиш усули (чунончи, енгил автомобилни юк ташиш автомобили кузовига ортилиши);

ҚА, ҚМТнинг ташқарига чиқиб турадиган деталь ва узелларини оқилона жойлаштириб (артиллерия тупларининг стволларини бир-бирига қаратиб) ортиш усули қўлланилади.

Юк зич ортилиши учун ҳарбий қисм командирининг қарорига биноан қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг айрим турларидаги бўртиб турадиган узел ва деталлар ечиб олиниши мумкин.

5. Ташки ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси нуқтаи назаридан паст томони биринчи ва иккинчи даражага, ён томони биринчи-учинчи даражага, устки қисми биринчи ва иккинчи даражага мансуб ҚА, ҚМТни эшелон таркибида, шу жумладан, қоровул муҳофазаси остидаги ҳарбий транспорт воситасида ташиш тадбирлари, тегишли юк паспорти ҳамда темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига маҳкамлашга оид ҳисоб-китоблар чиқарилган юк ортиш чизмалари (лойихалари) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга тақдим этилмасдан, шунингдек, юк ортиш станциялари ва йўл давомида комиссия томонидан кўриқдан ўтказмасдан амалга оширилади.

Юк ортиш амалларини юк жўнатаётган томон темир йўл участкаси ҳарбий коменданти ёки унинг вакили ва эшелон бошлиғи кузатуви остида бажаради. Бунда, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника платформаларнинг бўйлама ўқига нисбатан симметрик ҳолатда ўрнатилади (ўрнатилганидан сўнг, занжир-тасмалар (ғилдираклар) платформа полидан симметрик ҳолатда солиниб турганлиги текширилади, солиниб турган қисмлар ўртасидаги фарк 10 мм дан ошиб кетмаслиги шарт) ва ҚА, ҚМТни темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига жойлаштириб, маҳкамлашга доир техник шартларда баён этилган

талабларга амал қилган ҳолда маҳкамланади.

Станция бошлиғи (ёки унинг вакили) ортилган юкнинг ташқи кўриниши ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси нуқтаи назаридан паст томони биринчи ва иккинчи даражага, ён томони биринчи-учинчи даражага, устки қисми биринчи ва иккинчи даражага мос келаётгани ҳамда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника тегишли техник шартларга мувофиқ жойлаштирилганлигини текширади.

Юк ортиш амалларининг натижалари 16 - шаклдаги махсус далолатнома билан расмийлаштирилиб, энг йирик ташқи ўлчамларининг қиймати ва ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси акс эттирилади.

Зикр этилган далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади. Унинг биринчи нусхаси йўл ведомости конвертининг ташқи томонига маҳкамланади, иккинчи нусхаси темир йўл участкаси ҳарбий комендантга топширилади, учинчи нусхаси эса юк ортилган станциянинг иш юритиш бўлимидаги ҳужжатлар жилдига тиқилиб, 6 ой давомида сақланади.

Йўл юриш давомида юкнинг тўғри жойлашганлик, маҳкамланганлик ва ниқобланганлик ҳолати устидан назорат юритиб бориш амаллари эшелон бошлиғи, ҳарбий транспортда эса қоровул бошлиғи томонидан бажарилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, юкнинг тўғри жойлашганлиги ва ишончли маҳкамланганлиги билан боғлиқ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриб боради. Ҳарбий ташиш тадбирларининг тасдиқланган режаси эшелонни ва қоровул муҳофазаси остидаги ҳарбий транспортни ортишга (жўнатишга) рухсат берадиган ҳужжат саналади.

Ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси жихатидан барча даражаларга мансуб қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг эшелонлар ва қоровул муҳофазаси остидаги ҳарбий транспортда ташилиши, шу жумладан, ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси ноль ва ундан юқори даражаларга мансуб қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг қоровул томонидан муҳофаза қилинмай ташилиши «Ҳарбий ташиш тадбирларининг сир тутилиши ва хавфсизлигини таъминлашга доир йўриқнома» ва «Мустакил Давлатлар Хамдустлигига аъзо давлатлар ва Болтик бўйи давлатлари тасарруфидаги темир йўлларда ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражасига эга ва оғир юкларни ташишга доир йўриқнома»да баён этилган талабларга риоя қилинган тарзда амалга оширилади.

6. ҚА, ХМТ темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига жойлаштирилганидан сўнг:

ҚА, ХМТ бўйлама ва кўндаланг томон силжиб кетмаслиги учун ишончли маҳкамланади;

жойда туриш тормози ва қуйи узатма ишга солинади (танкнинг тормоз педали ва узатмаларни қайта улаш ричаги ишга солингач, тамғаланади);

вагонларнинг ўзаро автоматик илашмалари устига чиқариб қўйилган автомобилларнинг олдинги етакчи кўприги ишга солиб қўйилади;

ўрнатилиб-ечиладиган жихозлар (ўтўчиргич, курак, шоти кабилар) ва захира ғилдирақлар ишончли маҳкамланганлиги текширилади;

танк миноралари ва тўпларининг тутқичлари, бошқа турдаги техниканинг бўртиб чиққан ва айланувчан қисмларини ҳаракатсизлантириб қўядиган маҳкамлагичлар созлиги, уларга қўрғошин тамғалар тўғри босилгани текширилиб, муҳосара (блокировка) қурилмаси ишга солинади. Мулоҳаза юритилаётган тутқич ва маҳкамлагичлар носоз бўлса, ҚА, ХМТнинг барча айланувчан қисмлари сафар ҳолатига келтирилган тарзда, сим воситасида ишончли маҳкамланади;

ҚА, ХМТнинг ҳолати темир йўл транспортига ортиладиган юк ўлчамларига мос келаётгани ёки ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражасига оид талабларга жавоб бераётгани текширилади;

люк ва кабина эшиклари ёпилгач, қўрғошин тамға босилади;

йилнинг совуқ мавсумида двигателни совитиш тизимидаги сув тўкилади;

платформа бўртлари ёпилиб, ўз лўкидонлари воситасида маҳкамланади;

платформага ортилган техниканинг эни платформа бўртини ёпиш имконини бермаса, бўрт очик (пастга туширилган) ҳолатда маҳкамланади (металл бўртлар темир йўл платформасининг бўйлама балкаларидаги халқаларга маҳкамланади. Бундай халқалар бўлмаса, сим билан боғлаб қўйилади);

темир йўл транспортига ортилган ҚА, ХМТ зарур бўлса ниқобланади.

7. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилган ҳарбий эшелонга қарашли ҚА, ХМТни маҳкамлаш амаллари тегишли бўлинма, экипаж (расчёт) командирлари бошчилигида экипаж аъзолари (хайдовчилар, расчёт таркиби) томонидан бажарилади. Зарурат туғилса, автомобиль хайдовчиларига ёрдам бериш учун ҳарбий эшелон таркибидаги бўлинмалардан

одам ажратилади.

Ҳарбий эшелонга қарашли қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа турдаги моддий воситаларни маҳкамлаш учун маҳкамлаш мосламалари ва тегишли материаллар қўлланилади. Маҳкамлаш мосламалари жумласига:

ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш учун қўлланиладиган ёғоч тирговуч ва ёнбош чорқирралар;

ЗТХМни маҳкамлаш учун қўлланиладиган ёғоч қистирмалар;

махсус тортмалар;

металл тирноқлар (тишлар);

тирговуч бошмоқлар;

қисқичлар;

тортма-қисқичлар;

кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари (УММ) киради.

Санаб ўтилган маҳкамлаш мосламалари қайта-қайта ишлатиладиган мосламалар саналади.

Маҳкамлаш материаллари сифатида:

осон эгилувчан пўлат сим;

тирговуч ёғоч чорқирралар;

ёнбош ёғоч чорқирралар;

тагликлар;

қистирмалар;

кашак чорқирралар;

поялар;

мих;

қурилиш бандларидан фойдаланилади.

8. Ташиладиган ҳарбий эшелонга темир йўл транспорти органи томонидан тирговуч ва ёнбош ёғоч чорқирралар, тагликлар, қистирмалар, мих ва қурилиш бандлари ҳавола этилади. Ҳарбий қисм эса махсус маҳкамлаш воситалари ёки сим, кашак чорқирралар, поялар, ёғоч қистирмалар, тент маҳкамлаш арконлари ва ниқоблаш воситаларига эга бўлиши лозим. ҚА, ХМТни маҳкамлаш учун ишлатиладиган маҳкамлаш мосламалари ва материалларига бўлган эҳтиёж ҳарбий қисм томонидан ташиш тадбирларига оид ҳисоб-китоблар чиқарилаётганида

белгиланиб, ортиш режаси тузилаётганида ҳарбий эшелон бошлиғи томонидан темир йўл участкаси ҳарбий коменданти билан биргаликда аниқликлар киритилади.

Темир йўл транспорти органи томонидан, ҳавола этиладиган маҳкамлаш материаллари темир йўл участкаси ҳарбий комендантининг талабномасига биноан ажратилиб, ушбу орган тасарруфидаги куч ва воситалар билан юк ортиш-тушириш жойига етказиб берилади.

9. Темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилган ҚА, ХМТни ниқоблаш амаллари тегишли бўлинма, экипаж (расчёт) командирлари бошчилигида экипаж аъзолари (хайдовчилар, расчёт таркиби) томонидан бажарилади. Ниқоблаш ишларининг ҳажми катта бўлса, автомобиль хайдовчиларига ёрдам бериш учун ҳарбий эшелон таркибидаги юк ортиш-тушириш командалари ёки бўлинмалардан шахсий таркиб ажратилади.

ҚА, ХМТни ниқоблаш учун тегишли брезентлар ва махсус ниқоблаш воситалари қўлланилади.

Юк ниқоблаш қопламаси ортилган юкнинг ташқи ўлчамларидан бўртиб чиқмаслиги лозим. Брезент, қалқон, бўйра каби ниқоблаш воситалари поезд ҳаракати давомида бўшаб, тушиб кетмаслиги учун ишончли маҳкамланиши шарт.


10. Дала ошхоналарини вагонга ортиб, ўрнатиш амаллари ҳарбий эшелоннинг юк ортиш-тушириш командаси томонидан, ушбу ошхоналарни мўрилар билан жихозлаш ишлари эса темир йўл транспорти органининг ходимлари томонидан бажарилади. Битта вагонга, одатда, битта-иккита тиркама негизидаги дала ошхонаси ёки иккитадан олтитагача олиб юриладиган дала ошхонаси ўрнатилади.

Вагонга ортишдан олдин тиркама негизидаги дала ошхонаси мўрисининг юқори қисми қалпоғи билан биргаликда ечиб олинади. Бундай ошхона вагон ичига, унинг автомобилга уланадиган қисми (шотиси) олдинга қаратилган тарзда ғилдиратиб киритилади.

11. Ташиладиган ҳарбий қисм (бўлинма) ихтиёридаги куч ва воситалар билан темир йўл транспорти воситаларининг ҳарбий эшелон ортиладиган ҳаракатчан таркибидаги платформаларга соқчи ёки кузатувчи учун атрофи тўсилган майдон жихозланади.

12. Юк ортиш ишлари якунига етгач, юк ортиш-тушириш мосламалари ва ортиб қолган материаллар йиғиб олиниб, станция ходими белгилаб берган жойга тахланади. Шундан сўнг, юк ортиш-тушириш жойида (платформа, майдон ёки йўллар оралиғида) ҳарбий эшелонга тегишли нарсалар, хужжат, хат, газета каби бошқа буюмлар қолиб кетмагани текширилади.

13. ҚА, ХМТни ортиш ва маҳкамлаш ишлари нихоясига етгач, шахсий таркиб, унинг қурол-яроғи ва хужжатлари текширилади. Поезднинг жўнашига 10 дақиқа қолганида эшелон шахсий таркиби вагонларга чиқиб, ўз ўрнини эгаллаган бўлиши шарт.



*Рельсинг устқавқиси
бўйича сантх*

6-расм. Ортилган юкнинг ташқи ўлчамлари
Темир йўл транспортига ортиладиган юк ўлчамларининг
«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва МДХга аъзо давлатлар
томонидан жорий этилган шартли белгилари:
эни 1520 мм келадиган темир йўлизи;
эни 1435 мм келадиган темир йўл изи.

О

дам ташиш вагонига суриладиган металл шоти ёки икки ёққа очиладиган нарвон воситасида чиқилади. Ушбу шоти ёки нарвон шахсий таркиб вагонга чиқишидан олдин вагон бўйича посбон томонидан ўрнатиладиган. Шахсий таркиб вагонларга чиққач, шоти ва нарвонлар олиб кўйилиб, эшик тамбалари ўрнатилади.

Автомат ва карабинлар:

одам ташиш вағонида - ўқли қурол ўрнатиладиган тишли тахтага;

йўловчи ташиш вағонида - юк тоқчасига жойлаштирилади.


Ўқли қуролнинг бошқа турлари бўлинма командирининг кўрсатмасига биноан вагон полига жойлаштирилади.

14. Юк ортиш станциясида юк ташиш хужжатларини расмийлаштириш учун жамаки вагонларнинг рақамлари қайд этилиб, ҳар бир темир йўл платформаси, яримвагон ва ёпиқ вагонга ортилган қурол-аслаха, ҳарбий техника ва моддий воситалар вазни аниқланади.

Ҳарбий эшелон бошлиғи (ҳарбий транспорт жўнатаётган томон) ёки унинг вакили юк расмийлаштириш идорасида, бундай идора бўлмаган жойда эса станция бошлиғи хонасида темир йўл транспорти воситасида ташиладиган юк хатлари ва шу каби бошқа хужжатларни расмийлаштиради.

Бундан ташқари, ҳарбий эшелон бошлиғи ҳарбий эшелоннинг йўналиш варақаси ва темир йўл транспортига оид юк хатиға, ҳарбий транспорт жўнатаётган томон вакили эса ҳарбий юк ортилган транспортни кўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул бошлиғига топшириладиган руйхат ва юк хатиға тегишли ёзувлар киритиб, имзо чеккан тарзда тасдиқлайди. Бундай ёзувлар, мазмунан, ҚА, ҲМТ темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига тўғри ортилиб, жойлаштирилгани, тўғри ва мустаҳкам маҳкамлангани, силжитмайдиган ва маҳкамлаб қўядиган тутқичлар (қурилмалар) созлиги, ушбу тутқичлар қурол-аслаха ва ҳарбий техниканинг айрим қисм ва узеллари айланиб ёки бурилиб кетишига йўл қўймайдиган ҳолатга келтирилганлиги ва қўрғошин тамға билан муҳрланганлигини тасдиқловчи маълумотлардан иборат бўлади.

Тўртта дала ошхонаси ўратиладиган вариант




Олтига бала ошхонаси ўрнатиладиган вариант

7- расм. Дала ошхоналарининг жойлаштирилиши;

1- дала ошхонаси; 2- сув сақлаш идиши; 3- стол; 4-

ТОКЧА



8- расм. Соқчи ёки

кузатувчи учун тўсилган
майдон

Мулоҳаза юритилаётган ҳужжатлар расмийлаштирилгач, ҳарбий эшелон бошлиғига юк хатларининг расмийлаштирилган сонига мувофиқ йўл ведомостларининг квитанциялари ҳамда вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар рўйхатининг битта нусхаси топширилади.

ҚА, ҲМТнинг темир йўл транспортига тўғри жойлаштирилганлиги, маҳкамланганлиги ва ниқобланганлиги учун жавобгарлик масъулияти эшелон бошлиғи ёки ҳарбий транспортни жўнатаётган томон вакилининг зиммасига юкланади. Бинобарин, улар, юк ортиш жараёнида зикр этилган ишлар сифатини текшириб боришга мажбур.

2. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортидан тушириш

1. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортидан тушириш тадбирлари эшелон етиб бориши тайинланган темир йўл станциясида ҳам, юкни бошқа транспортга ортиш учун мўлжалланган муваққат ҳудудда ҳам амалга оширилиши мумкин. Эшелонни темир йўл транспортидан туширишга ҳозирлик кўриш амаллари поездюк тушириш пунктига яқин қолган жойда тўхталган вақтда ёки етиб бориши тайинланган темир йўл станциясида, поезд юк тушириш жойига келиб, тўхтаганга қадар бажарилади. Одам ташиш вагонларидаги печкаларга ўт қаланиши эшелон

ортилган поезд юк тушириладиган станцияга етиб келгунга қадар бас қилиниши шарт. Эшелон ортилган поезд юк тушириш станциясига етиб келиши билан эшелон бошлиғи темир йўл участкаси ҳарбий комендантдан, у бўлмаса, станция бошлиғидан юк тушириш тартибига доир кўрсатмалар олади.

Юк тушириш амаллари ҳарбий эшелон бошлиғининг командасига биноан бажарилади. Шахсий таркиб вагонлардан тушгач, бўлинма таркибида ҚА, ХМТ тушириладиган жой томон йўл олади. Одам ташиш вагонлари, вагон-ошхона, озиқ-овқат махсулотлари омбори сифатида қўлланилган вагон ва тиббий вагонда вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозларни топшириш учун вагон катталари қолади. ҚА, ХМТни тушириш амаллари мавжуд юк ортиш-тушириш учун мўлжалланган барча қурилмалар, мослама ва механизмлар ялпи ишга солиниб, пинхон, тез ва уюшқоқлик билан бажарилади.

Юк тушириш учун жихозланмаган жойда ҳарбий эшелон юкини темир йўл транспортидан тезроқ туширилишини таъминлаш мақсадида махсус ва қўл остида мавжуд юк тушириш воситаларидан фойдаланилади.

2. Вагон катталари эшелон бошлиғининг кўрсатмасига биноан станция бошлиғига вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозларни юк ортиш станциясидарасмийлаштирилган рўйхат бўйича топширади. Шундан сўнг, эшелон шахсий таркиби, ушбу жихозларни темир йўл участкаси ҳарбий коменданти ёки унинг вакили, комендант бўлмаган жойда, станция бошлиғи томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ ёпиқ вагонга тахлайди.

Вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихоз йўқотилган ёки ишдан чиқарилган бўлса, унинг нархи айбдор деб топилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчидан белгиланган тартибда ундириб олинади.

3. Эшелон темир йўл транспортидан туширилгач, бўлинмалар, ҚА, ХМТни транспортнинг ушбу турига маҳкамлаш учун қайта-қайта ишлатиладиган мосламалар, ниқоблаш воситалари ва шу каби бошқа турдаги воситаларни келгусида ишлатиш учун ўзи билан олиб кетади. Юк ортиш-тушириш материаллари ва юк маҳкамлаш учун бир маротаба ишлатиладиган материаллар юк ортиш-тушириш командалари томонидан йиғиб олиниб, станция ходимлари томонидан белгиланган жойга тахланади. Бушаган вагонлар тартибга келтирилиб, ёд жисмлардан халос қилинади. Шундан сўнг, темир йўл транспорти

воситаларининг ҳаракатчан таркибида ёки юк ортиш-тушириш жойида (платформа, майдон ёки йўллар оралиғида) ҳарбий эшелонга тегишли нарсалар, хужжат, хат, газета каби бошқа буюмлар қолиб кетмагани текширилади. Платформаларнинг бўртлари ва ёпик вагонларнинг эшиклари (люклари) ёпиб қўйилади.

Вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар топширилгач, эшелон бошлиғи юк расмийлаштириш идорасида, бундай идора бўлмаган жойда эса станция бошлиғининг хонасида эшелонга оид юк ташиш хужжатларини расмийлаштиради, йўл ведомостларига имзо чекади, юк вагонларини ташишга оид 2-шаклдаги талабнома-юк хатини расмийлаштиради.

Шундан сўнг, эшелон бошлиғига юк тушириш станциясининг календарли штемпели босилган эшелонга оид юк хатлари топширилади.

10-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортиш 2. Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортдан тушириш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортишни тушунтириш.	☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортишни тушуниш.
☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортдан тушириш ҳақида маълумот бериш.	☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортдан тушириш ҳақида маълумот олиш.
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоёниш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

10-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотида кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар

	қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарҳ мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида	Саволга жавоб беради

	умумлаштиради.	
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

11 МАЪРУЗА. ҲАРБИЙ ЭШЕЛОННИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

1. Ҳарбий хизматга чақирилган ва хизматдан резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни ташиш тадбирларининг ўзига хос томонлари

2. Шахсий таркиб томонидан транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидалари

3. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) ва бошқа вазифалар ижроси давомида амал қилинадиган хавфсизлик қоидалари

1. Ҳарбий хизматга чақирилган ва хизматдан резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни ташиш тадбирларининг ўзига хос томонлари

1. Чақирилувчилар ва резервга бўшатирилганларни ташиш тадбирлари, ушбу мақсадда атайин тузилган йўловчи ташиш темир йўл транспорти, қатнаш жадвали бўйича ҳаракатланаётган йўловчи ташиш поездларида ҳарбий эшелон таркибида, Мудофаа вазирлиги авиацияси ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли ҳаво кемалари воситасида ҳарбий командалар таркибида амалга оширилади.

2. Эшелон ортилган йўловчи ташиш поездларини қабул қилиш ва жўнатиш учун таркиб хавфсизлигини таъминлаш, ёқилғи, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини қулай етказишга ихтисослаштирилган темир йўлдан фойдаланилади.

3. Чақирилувчилар ва резервга бўшатирилганларни ташишга доир топшириқ олинганидан сўнг, транспорт органлари томонидан ҳарбий ҳаракатлар органлари билан биргаликда, ушбу тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш режаси ишлаб чиқилади. Мазкур режа ўз ичига:

йўловчи ташиш поездларини тузиш, йўловчи ташиш поездларидаги жойлар ва алохида вагонларнинг зарурий сонини ажратиш, алохида вагонларни улаш ва қўшимча поездлар тайинлаш, ҳаво кемаларини ажратиш ва ҳозирлаш;

рейс жадваллари бўйича ҳаракатланадиган ҳаво кемаларидаги жойларнинг зарурий сонини ажратиш тадбирларини мужассам этади.

Чақирилувчилар ва резервга бўшатишганларни ташиш учун зарурат туғилган ҳолларда буюртма бўйича махсус рейслар тайинланиши мумкин.

4. Эшелонларни темир йўл транспорти воситасида ташиш учун олдиндан ҳозирланган, нуқул металлдан ясалган вагонлардан ташкил топган йўловчи ташиш поездларидан фойдаланилади.

5. Чақирилувчилар ва резервга бўшатишганларни ташиш учун мўлжалланган йўловчи ташиш поездлари ҳар бир рейсга чиқишдан олдин кўздан кечириб чиқилиб, техник ва санитария жихатидан ҳозирланиши, ёқилғи, инвентарь жихозлар, ётар жой анжомлари ва ичимлик суви билан таъминланиши даркор. Бундай поездлар таркибига даврий таъмирдан чиқариш муддати ўтишига уч ойдан кам вақт қолган вагонлар киритилишига йўл қўйилмайди.

6. Чақирилувчилар ва резервга бўшатишганлардан иборат эшелонни ташиш учун тузилган ҳар бир йўловчи ташиш поездига темир йўл транспорти органи томонидан ҳар бир вагон жуфтига уч нафар проводникдан иборат проводниклар бригадаси, фуқаро авиацияси бошқармаси томонидан эса ҳаво кемасининг ҳар бир салонига бир нафардан бўртпроводник тайинланади.

7. Темир йўл транспортига чиқиб жойлашиш станциясида чақирилувчилар ва резервга бўшатишганларни ташиш учун мўлжалланган вагонлар, уларга одам чиқарилишидан олдин комиссия таркиби томонидан текшириб чиқилиши лозим. Ушбу комиссия таркибига темир йўл транспорти органига қарашли вагон хўжалиги ва йўловчи ташиш бўлими вакиллари, эшелон (команда) бошлиғи, поезд бошлиғи ёки бригадир-механик ҳамда темир йўл участкаси ҳарбий комендатура ходимлари киради. Назорат текшируви давомида аниқланган камчилик ва носозликлар темир йўл транспорти органи томонидан бартараф этилади. Назорат текширувининг натижалари, йўловчи ташиш поездини топшириш-қабул қилиш ишлари тўрт нусхада тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатноманинг биттадан нусхаси вагон депоси (техник

кўриқдан ўтказиш участкаси, пункти) бошлиғи, темир йўл участкаси ҳарбий коменданти, эшелон бошлиғи ва поезднинг бригадир-механигига тақдим этилади.

Далолатнома имзоланган фурсатдан эътиборан йўловчи ташиш поезда эшелон бошлиғи ва бригадир-механик томонидан қабул қилинган, деб эътироф этилади.

Темир йўл транспортидан тушиш станциясида йўловчи ташиш поезда комиссия томонидан қайтадан текширилиб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

8. Йўловчи ташиш вагонлари ўрин-жой анжомлари билан вагонда ташилаётган одам сонига қараб, бироқ купе бўлмаган битта вагон матрас, ёстик ва адёллар билан 80 донадан, чойшаб тўпламлари билан 160 донадан кам бўлмаган, битта купе вагон эса матрас, ёстик ва адёллар билан 55 донадан, чойшаб тўпламлари билан 110 донадан кам бўлмаган микдорда таъминланиши лозим. Шахсий таркибга матрас, ёстик ва адёлларни чойшаб тўпламларисиз беришга рухсат берилмайди.

9. Чақирилувчилар ва резервга бўшатишган ҳарбий хизматчилар ташилаётган йўловчи ташиш поездига, ушбу эшелонга дахли бўлмаган бошқа ҳар қандай вагон уланишига рухсат берилмайди.

Эшелон ташиётган поездда бўш ўринлар мавжуд бўлса, ҳарбий ҳаракатлар органи ҳарбий комендантлари томонидан вагонлар хажмига оид меъёрларга амал қилинган ҳолда бошқа хамроҳ ҳарбий командалар таркиби жойлаштирилишига рухсат берилади. Агар йўл давомида эшелон шахсий таркибининг муайян қисми транспортдан тушгач, ушбу йўловчи ташиш поездига, унинг сиғимига оид белгиланган меъёрларга нисбатан 50 фоиздан ортиқ бўш ўринлар ҳосил бўлса, эшелон ташилган поезд бўшатилиб, шахсий таркибнинг қолган қисми тайинланган манзилларга бошқа йўловчи ташиш поездларида йўл олади.

10. Эшелон шахсий таркиби томонидан йўловчи ташиш вагонларининг (ҳаво кемаси салонининг) ички жихозлари ва анжомларига шикаст етказилган ёки йўқотилган бўлса, эшелон бошлиғи ва поезднинг бригадир-механиги (ҳаво кемаси командири) томонидан имзоланадиган «Етказилган зарар ўрнини қоплаш далолатномаси» расмийлаштирилади. Шикаст етказилган ёки йўқотилган жихоз ва анжомлар нархи айбдор деб топилган шахсдан жойда, поезднинг бригадир-

механиги (ҳаво кемаси командири) томонидан ундириб олиниб, эшелон бошлиғига ундириб олинган сумма учун квитанция расмийлаштириб берилади. Ушбу нархни жойда ундириб олишнинг иложи бўлмаса, етказилган зарар ўрни қопланиши учун мулоҳаза юритилаётган далолатнома ташилаётган эшелон тушириладиган жойдаги вагон хизмати ва темир йўл транспорти органи қошидаги ҳарбий ҳаракатлар органининг ҳарбий коменданти номига йўлланади.

2. Шахсий таркиб томонидан транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидалари

Ҳарбий эшелон шахсий таркибига:

ҳарбий ҳаракатлар органлари ва транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар ишига аралашиш;

поездни тўхтатиб қолиш;

белгиланган команда ёки сигнал берилгунга қадар транспортга чиқиш ёки тушиш, ҳаракатланаётган поезд вагонига сакраб чиқиш ёки ундан сакраб тушиш;

поезд ҳаракати ёки одамлар ҳаётига хавф туғилган ҳолатдан ташқари, поездни стоп-кран дастаги воситасида тўхтатиш;

ҳаракат давомида вагон эшиги, устки люки ва ҳаво кемасининг авария ҳолатида очиладиган люкини очиш;

вагон деворига ёзув битиш, плакат, шиор, байроқча кабиларни елимлаш ёки осиш; транспортга чиқиш-тушиш жойлари ва вагонда хат, газета, қоғоз ва шу каби бошқа буюмларни (чиқиндиларни) қолдириш;

вагон томи, тамбури, темир йўл платформаси, машина кабинаси, кузови, танк минорасида бўлиш;

вагон эшиги ва деразасидан бош чиқариш, остонасида ўтириш ёки туриш, вагон эшигининг тамбасига суяниш; вагон ва ҳаво кемасида тамаки чекиш;

темир йўл бўйлаб (темир йўл станцияси ҳудудида) беҳуда юриш;

станция ҳудудини ифлос қилиш, унда гулхан ёқиш;

эшелонга тегишли бўлмаган нарсани рухсатсиз олиш, сув олиш учун гидравлик колонкадан (крандан) фойдаланиш; ҳаракат йўналишини ўзгартириш;

поезд ҳаракатланаётганда ва тўхтаб турган жойда қандай жисм бўлишидан каътий назар вагондан улоқтириш, белгиланмаган жойда хожат чиқариш ман этилади.

3. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) ва бошқа вазифалар ижроси давомида амал қилинадиган хавфсизлик қоидалари

Юк ортиш-тушириш (транспортга чиқиш-тушиш) жойи ёруғликни ниқоблаш инобатга олинган ҳолда яхши ёритилган, юк ортиш-тушириш тадбирларига ҳалал берадиган жисмлардан тозаланган бўлиши лозим. Юк ортилишидан олдин платформаларнинг поли лой, қор ва муз копламасидан тозаланиб, зарурат бўлса, қиш фаслида қум сепилади.

Очилаётган платформа бўрти шахсий таркибга тегиб, шикаст етказмаслиги учун ушбу бўртнинг таъсир доирасидан нарида турилади.

Ўзинорар машина темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби устига чиқаётганида (ундан тушаётганида), ушбу машинада хайдовчидан (механик-хайдовчидан) бошқа бирон-бир киши бўлиши ман этилади.

Юк ортиш тадбирларининг раҳбари шундай жойда туриши керакки, токи ҳаракатланаётган машина ғилдираклари ёки занжир-тасмаларининг ҳолати ўзига, у кўрсатаётган сигналлар (имо-ишоралар) эса машина хайдовчисига (механик-хайдовчисига) аниққўриниб туриши лозим. Тунги вақтда юк ортиш тадбирларининг раҳбарига ёрдамчи сифатида кузатувчи тайинланади. Ушбу кузатувчи бурилаётган машина ғилдираклари ёки занжир-тасмаларининг ҳолатини кузатиб бориши ва зарурат туғилганида юк ортиш тадбирларининг раҳбарига машинани тўхтатиш кераклиги ҳақида имо қилиши лозим. Юк ортиш тадбирларининг раҳбари юк ортиш жараёнида темир йўл транспортининг ҳаракатчан таркибига ортилган артиллерия қуролларининг стволлари, юк кўтариш кранларининг ҳартум қисми, ҚА, ҚМТнинг бўртиб чиққан бошқа қисмлари йўл юриш давомидаги бурилишларда кўшни йўлда кечаётган ҳаракат хавфсизлигини бузишига олиб келмаслигини кузатиб бориши даркор.

Машинаси темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортиладиган хайдовчи (механик-хайдовчи) зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

машина ғилдираклари ёки занжир-тасмаларида лой, қор ва муз қопламаси йўқлигига ишонч ҳосил қилиш (тозалаш);

двигательни ишга тушириш, ҳаракат бошлаш ва кабинадан чиқиш амалларини фақат юк ортиш тадбирларининг раҳбари томонидан кўрсатилаётган имо-ишоралар билангина бажариш;

юк ортиш-тушириш қурилмасига чиққунга қадар: узатмалар қутисини бўлувчининг биринчи (қуйи) ҳолатига келтириш; машина иккита етакчи кўприкка эга бўлса, олдинги кўприк ва демультитипикаторни ишга солиш; танкнинг бош фрикциони гидропневматик юритма воситасида бошқариладиган бўлса, ушбу юритмани бош фрикцион педалидан ажратиш;

темир йўл платформаси устига чиқиш давомида бурилиш амалларини ортиқча бажармаслик учун ҳаракат йўналишини тўғри танлаш (темир йўлнинг ён томонига ўрнатиладиган юк ортиш-тушириш қурилмаси орқали ортиладиган бўлса, темир йўл воситасининг ҳаракатчан қисми устига йўл ўкига нисбатан 30° бурчак ҳосил қилган тарзда юриб чиқилади);

юк ортиш-тушириш қурилмаси ва темир йўл платформаси устида узатмалар қутисини бўлувчининг биринчи (қуйи) ҳолатига келтирган тарзда, равон, кескин силтанишларга йўл қўймай, жойда турган ҳолатда бурилишлар бажармай ҳаракатланиш (қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган платформа ва аппаратлар устида занжир-тасмали машиналарнинг бурилишига йўл қўйилмайди);

юк ортиш тадбирларининг раҳбари томонидан кўрсатилаётган имо-ишоралар диққат билан кузатиб, машинани зудлик билан тўхтатишга шай ҳолатда бориш;

машина ғилдираклари ёки занжир-тасмаси юк ортиш-тушириш қурилмасидан темир йўл платформасига ўтаётган фурсатда юриш ҳаракатларининг равонлигини сақлашга интилган тарзда, двигательга узатилаётган ёқилғи ҳажмини камайтириш;

темир йўл платформасига чиққан занжир тасмали машинанинг бурилиш амалларини занжир-тасманинг биринчи таянч катоги темир йўл платформасининг полига тушгандан сўнггина бошлаш ва айнаи вақтда, ҳаракатланаётган занжир-тасманинг биринчи катогидagi ўқ темир йўл платформаси полининг ташқарисига чиқиб кетишига йўл қўймаслик;

занжир-тасмали машинани темир йўл платформасининг бўйлама ўқиға нисбатан тўғри ўрнатиш учун темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби устида бажариладиган ҳаракатлардан фойдаланиш ёки машинанинг тўғри ўрнатилишига битта темир платформаси чегараларида олд ва ортга ҳаракатланган тарзда бир нечта изчил бурилиш амалларини бажариш орқали эришиш киради.

Юк ортиш ишлари юк кўтариш крани воситасида бажариладиган бўлса, юк кўтариш амаллари ва кран ҳаракати тегишли сигналлар узатилганидан (кўрсатилганидан) сўнггина, бошланиши даркор.

Станция ҳудудида ҳаракатланаётганда темир йўлда ҳаракатланаётган локомотив ва вагонлардан эҳтиёт бўлиш, вагон ёки иморат ортидан темир йўлга чиқиладиганда эътиборли бўлиш, поезд яқинлашаётган бўлса, хавфсиз масофага чекиниш лозим. Темир йўлни пиёдалар ўтиш кўприги ва туннель орқали, бундай объектлар бўлмаган жойда эса поезд ҳаракатининг йўналиши стрелка воситасида ўзгартириладиган жойлардан (стрелкали ўтказгичдан) нарида ёки вагоннинг тормоз майдони орқали кесиб ўтмоқ лозим.

Локомотивга уланган поезд ёки вагонлар гуруҳи 3 м дан қисқа бўлмаган масофадан айланиб ўтилади. Бир-биридан ажратилган бўлиб, оралиқ масофаси 5 м дан қисқа бўлган вагонлар орасидан ўтиш мумкин эмас.

00000- ҳарбий қисмни темир йўл транспорти воситасида ташишга оид ҳисоб-китобларга илова

Ҳарбий эшелон рақами	Ҳавола этилади															
	Темир йўл транспорти органи					Юк жунатувчи ҳарбий қисм (муассаса)										
	Ёғоч тирговуч ва ёнбош чорқирралар,					Булвучи кистирмалар, м3	200 мм ли мих, кг	Қурилиш банди, дона	Махсус					Намуна		
									маҳкамлаш мосламалари,					вий		
	75x75x400	75x120x300	100x100x1000	100x160x400	100x200x600	150x150x2700	Металл тирнок (тиш)	универсал маҳкамлаш мосламалари (ХММ)	Металл тирговуч бошмоқ	Махсус тортма	Кистирма, дона	Тирговуч чорқирра	Ёнбош чорқирра	Диаметри 6 мм ли сим, кг		

00000-ҲАРБІЙ ҚИСМ КОМАНДИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

(ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси)

20__ «__» ____

ҲАРБӢЙ ЭШЕЛОН ШАХСИЙ ТАРКИБИНИНГ
ВАГОНЛАРГА ЖОЙЛАШИШИГА ОИД
МЕЪЁРЛАР

Тинчлик даври меъёрлари

Т. р.	Шахсий таркиб	Вагонлар		
		Тўрт ўқли, ёпик, жихозланган одам ташиш вагони	Қаттиқ, купе бўлмаган, ётиш жойлари билан жихозланган вагон	Қаттиқ купе вагон
1	Офицерлар таркиби	-	Жой бўлса	
2	Сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар, ташиш тадбирларининг давомийлиги уч суткадан ошмаса	64	87	56
3	Уша таркиб, агар ташиш тадбирларининг давомийлиги уч суткадан ошса	56	77	45

Тошкент темир йўл участкаси ва станциясининг ҳарбий комендантига
Тошкент - товар станцияси бошлиғига

ҲАРБӢЙ ЭШЕЛОННИ ОРТИШГА ОИД
ТАЛАБНОМА

ҲарбӢй эшелоннинг қуйидагича ортилишини таъминлашни сўрайман:

Транспортга иқтиш юк ортиш анаси	Ҳарбий шелон ақами	Темир йўл воситаларининг арақатчан								Ташқи лчамларнинг ос келмаслик аражасига эга техника сони ва нинг мос елмаслик аражаси	Ҳарбий эшелон ошлиғининг арбий унвони ва амилияси	
		Йўловчи ташиш вағони	Пик, вагон				Темир йўл платформаси	Гримвагон	Изотермик вагон			Қами
			Одам ташиш вағони	Вагон-ошхона	Вагон-изоляциятор	Йоддий воситалар ортिलाдиган вагон						
0__ йил март 08.00	0000					2			8	н томони ноль аражага эга дона	одполковник П.А. Акрамов	
0__ йил март 12.00	0000					2			8	стки қисми иринчи оражага эга дона	одполковник А.Ш. Шукуров	
0__ йил март 08.00	0000					2			7		одполковник А.М. Икромов	

Эшелон жўнатаётган 00000 - ҳарбӢй қисм командири
(штаб бошлиғи)

(имзо, фамилия)

М.Ў. 20 __ й. « ____ » _____

Изох: мазкур жадвал шартли равишда расмийлаштирилган.

қўшинларни ташиш жараёнида қўлланиладиган транспорт воситаларининг асосий
тактик ва техник хусусиятлари темир йўл вағонлари

1 –жадвал

Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби, идиш сифатидаги вазни ва шартли узунлиги бўйича яхлит келтирилган хусусиятлари

Вагон тури	Хисобга киритилган гуруҳ	Хисоблаб чиқарилган вазни, тонна хисобида	Шартли узунлиги
юк ташиш вагонларининг парки			
Тўрт ўқли темир йўл платформаси	пл	21	1,05
Тўрт ўқли ёпиқ вагон	ёв	23	1,05
Тормоз майдонига эга тўрт ўқли ёпиқ вагон	ёв	24	1,10
Тўрт ўқли яримвагон	яв	22	1,00
Олти ўқли яримвагон	яв	31	1,18
Саккиз ўқли яримвагон	яв	46	1,45
Тўрт ўқли цистерна	цс	24	0,86
Саккиз ўқли цистерна	цс	50	1,52
Изотермик вагон	музл	46	1,58
йўловчи ташиш вагонларининг парки			
Тўрт ўқли нуқул металлдан ясалган вагон, почта ташиш вагони, юк ташиш вагони, хизмат вагони ва шу каби бошқа турдаги тўрт ўқли вагонлар	йўловчи	Вагон кузови ёки швеллерида кўрсатилган вазн бўйича	1,75

Изох*: * шартли узунлик бирлиги 14 метрга тенг

2 –жадвал

Тўрт ўкли темир йўл платформасининг техник хусусиятлари

Кўрсаткич	Букилган пўлат воситасида кучайтирилган металл бўртлари билан	Штамповка килинган пўлат тахтадан ясалган металл бўртлари билан	Ёғоч бўртлари билан
	юк кўтариш қобилияти, тонна ҳисобида		
	70	66	62
Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича узунлиги, мм	14 620	14 620	14 620
Олд чорқирралар бўйича узунлиги, мм	13 400	13 400	13 400
Полнинг бўртлар ёпиқ ҳолатдаги ўлчами, мм:			
узунлиги	13 300	13 300	13 300
эни	2 770	2 770	2 770
Полнинг бўртлар ёпиқ ҳолатдаги майдони, мм	36,8	36,8	36,8
Бўртлар бўйи, мм			
ён бўртлар	500	500	500
қисқа томонидаги бўртлар	400	305	305
Рельснинг устки қисмига нисбатан пол баландлиги, мм	1 302	1 294	1 302
Вагоннинг идиш сифатидаги вазни, т	20,9	21,0	21,0
Вагон негизи, мм	9 720	9 720	9 720
Ташки ўлчами	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)

Изоҳ:

1. Бир-бирига автоматик илаштирилган темир йўл платформаларининг рақамлари (олд чорқирралари) орасида масофа 1220 мм.
2. Тортмаларни маҳкамлаш ва устун ўрнатиш учун ён ва қисқа томонлардаги устун тутқичлари (уялар), қисқа томон бўртларининг шлари (уялар), қисқа томон бўртларининг ошиқ-мошиқлари ҳамда боғловчи мосламалардан фойдаланиш мумкин (1971 йилдан кейин тайёрланган темир йўл платформаларида). Темир йўл платформасининг ҳар бир ёнбош тўсинида саккизта устун тутқич ва еттита боғловчи мослама мавжуд. Ҳар бир олд чорқиррада эса иккитадан тутқич ва иккита ошиқ - мошиқ бор.

3 -жадвал

Тўрт ўкли яримвагоннинг техник хусусиятлари

Кўрсаткич	Нукул металлдан тайёрланган 60 тоннали яримвагон	Нукул металлдан тайёрланган , поли яхлит 69 тоннали яримвагон	Кўзовига ёғоч қопланган, ўтиш майдонига эга бўлмаган 69 тоннали яримвагон	Кўзовига ёғоч қопланган, ўтиш майдонига эга 69 тоннали яримвагон	Нукул металлдан тайёрланган 94 тоннали яримвагон
Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича узунлиги, мм	13 920	13 920	13 920	14 410	16 400
Олд чоркирралар бўйича узунлиги, мм	12 700	12 700	12700	13 190	15 180
Кузовнинг ички ўлчамлари, мм					
узунлиги	12 076	12 088	12 070	12 004	14 338
эни	2 878	2 826	2 850	2 850	2 908
бўйи	2 060	2 060	2 060	1 880	2 365
Пол майдони, мм	34,6	34,1	34,4	33,2	41,6
Кузовнинг устки қисми ҳисобга олинмаган ҳажми, мм	73,0	73,0	70,5	64,0	104,0
Рельснинг устки қисмига нисбатан пол баландлиги, мм	1 414	1 414	1 414	1416	1 418
Эшик ўрнининг эшик очик ҳолатдаги эни, мм	2 530	2 482	2 478	2610	2 526
Люклар сони, дона	14	-	14	14	16
Вагоннинг идиш сифатидаги вазни, т	22,0	21,1	21,8	23,2	31,0
Вагон негизи, мм	8 650	8 650	8 650	8 650	10 440
Ташқи ўлчами	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)	1-Т

4 -жадвал

Тўрт ўкли ёпик вагоннинг техник хусусиятлари

Кўрсаткич	Деворларига ёғоч қопланган, қисқа томони металлдан	Кузови нукул металлдан тайёрланган, эшигининг ўрни кенгайтирилган	Кузовига ёғоч қопланган 64 тоннали ёпик вагон	Кузовига ёғоч қопланган, ўтиш майдонига эга 64 тоннали ёпик вагон
Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича узунлиги, мм	14 730	14 730	14 730	15 350
Кузовнинг ички ўлчамлари, мм:				
узунлиги	13 800	13 800	13 430	13 430
эни	2 760	2 764	2 750	2 750
бўйи (ён девори бўйича)	2 791	2 737	2 402	2 402
Пол майдони, мм ²	38,08	38,2	36,9	36,9
Рельснинг устки қисмига нисбатан пол баландлиги, мм	1 283	1 286	1 257	1255
Кузов хажми, мм ³ :	120	120	106	106
Кириш қисмларининг ўлчамлари, мм:				
эшик ўрни	2000х2300	3825х2304	1830х2150	1830х2130
ён девордаги люк	690х370	690х370	690х370	690х370
томдаги люк	400	400	400	400
Вагоннинг идиш сифатидаги вазни, т	23,0	24,0	22,7	24,2
Вагон негизи, мм	10 000	10 000	9 830	9 830
Ташқи ўлчами	1-ВМ (0-Т)	1-ВМ (0-Т)	0-ВМ (01-Т)	0-ВМ (01-Т)

5-жадвал

Йўловчи ташиш вагонининг техник хусусиятлари

Вагон тури	Вагонни тайёрлаган давлат	Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича узунлиги, мм	Идиш сифатидаги вазни, т	Ўрин сони		Ташқи ўлчамлар
				етадиган ўрин	ўтирадиган ўрин	
Кузовининг узунлиги 23600 мм келадиган нукул металлдан тайёрланган вагон						
Купеси тўрт ўринли юмшоқ вагон	ГДР	24 540	58,0	32	-	1-ВМ (0-Т)
»	МДХ	24 573	56,0	32	-	1-ВМ (0-Т)
»	ВХР	24 540	58,0	32	-	1-ВМ (0-Т)
Купеси икки ва тўрт ўринли юмшоқ вагон	МДХ	24 537	58,0	24	-	1-ВМ (0-Т)
Сунъий иқлим хосил қилинадиган қаттиқ кўпе вагон	ГДР, ВХР	24 540	56,0	38	-	1-ВМ (0-Т)
Ҳавоси мажбурий янгиланадиган қаттиқ купе вагон	ГДР, ВХР	24 540	52,0	38	-	1-ВМ (0-Т)
Кузовининг узунлиги 23600 мм келадиган нукул металлдан тайёрланган вагон						
Радио тармоғига эга шундай вагон	»	24 540	52,0	36	-	1-ВМ (0-Т)
Қаттиқ, купе бўлмаган очик вагон	МДХ, ПХР	24 537	50,0	54	81	1-ВМ (0-Т)

6-жадвал

Нуқул металлдан тайёрланган изотермик вагонининг техник хусусиятлари

Кўрсаткич	Брянск машинасозлик заводида тайёрланган рефрижератор		ГДРда тайёрланган В-5 русумли рефрижератор секцияси		ГДРда тайёрланган АРБ русумли мухтор рефрижератор вағони	
	Тўрт ўқли юк ташиш вағони	Тўрт ўқли вағон-дизель электр станцияси (хизм)	Тўрт ўқли юк ташиш вағони	Тўрт ўқли вағон-дизель электр станцияси	Тўрт ўқли кузовининг узунлиги 19 м ли вағон	Тўрт ўқли кузовининг узунлиги 21 м ли вағон
Вагон сони	4	1	4	1	1	1
Вагоннинг фойдали юк кўтариш қобилияти, т	40-47	-	40-47	-	40	44
Вагоннинг илиш сифатида жихозланган ҳолатдаги вазни, т	39,5	64,5	42,0	70,0	42,8	46
Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича вагон узунлиги, мм	22076	18066	22076	18066	20027	22076
Вагон хонасининг юк жойлаш жихатдан фойдали ўлчамлари, мм:						
узунлиги	17744	-	17700	-	15800	17680
Эни	2540	-	2500	-	2500	2500
бўйи	2405	-	2400	-	2405	2400
Рельсинг устки қисмига нисбатан пол баландлиги, мм	1468	1468	1468	1468	1468	1468
Эшик ўрнининг ўлчамлари, мм	2000x2200	-	2000x2200	-	2000x2200	2000x2200
Юк жойланадинан хонадаги ҳарорат (ташқаридаги ҳаво ҳарорати + 12 дан – 20 га қадар), С	+12 дан -20 га қадар	-	+12 дан -20 га қадар	-	+12 дан -20 га қадар	+12 дан -20 га қадар
Ташқи ўлчамлари	1-Т	1-Т	1-Т	1-Т	1-Т	1-Т

7-жадвал

Тўрт ўкли цистерналарнинг техник хусусиятлари

Кўрсаткич	Бензин ва тиник нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган 62 тоннали цистерна	Бензин ва тиник нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган 60 тоннали цистерна	Бензин ва тиник нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган 60 тоннали цистерна	
	Ўтиш майдончасига эга цистерна	Буфер комплектлари учун яқунловчи балкаларга эга цистерна		
Қозон ҳажми, м ³	88,6	73,1	73,1	73,0
Вагоннинг идиш сифатидаги вазни, т	23,5	23,2	23,4	24,7
Автоматик илашмаларнинг илашиш ўқи бўйича вагон узунлиги, мм	13570	12020	12490	12020
Ташқи ўлчамлари	02-ВМ (02-Т)	02-ВМ (02-Т)	02-ВМ (02-Т)	02-ВМ (02-Т) 1

8-жадвал

Вагонларнинг белгиланган юк кўтариш қобилиятидан ортиқча ортилишига йўл

Вагон тури	Юк кўтариш қобилияти, т	Ортиқча ортилишига йўл қўйиладиган юк вазни, тоннаданоғир бўлмаслиги шарт
Тўрт ўкли платформа	62-70	2
Яримвагон	69	2
Ёпиқ вагон	64-68	2
Қолган барча турдаги тўрт ўкли вагонлар	61 дан ошмайди	5
Олти ўкли вагон	94	2

9-жадвал

ВАГОНГА ЎРНАТИЛИБ-ЕЧИЛАДИГАН ҲАРБИЙ ЖИХОЗЛАРГА ОИД
МЕЪЁРЛАР

Т.р.	Жихозлар таркибидаги деталь номи	Вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозлар таркибига кирадиган деталлар сони, дона					Изох
		Одам ташиш вагониди	Вагон- изоляцияторда	Вагон- ошхонада	Озиқ-овқат махсулотлари омбори сифатида	Қоровул таркиби учун ажратилган	
1	Тахта	72-80	18	18	20	10 ёки 18	
	шу жумладан:						
	сўри учун	64-72*	16‘	8	-	8 ёки 163	
	токча учун	-	-	8	19	-	
	шоти таянчи учун	2	-	-	-	-	
	курол ўрнатиш учун	4	-	-	-	-	
	эшик ўрнига ўрнатиш учун	2	2	2	1	2	
2	Ўқли курол ўрнатиладиган тишли тахта	4	-		-	1	
3	Печка	2	2		-	1 ёки 2	
4	Печка ва ошхона тўплами:						
	мури	2	2	2	-	1 ёки 2	
	печка таглиги	2	2	1	-	1 ёки 2	
	ёнилғи жойлаш яшиги	2	2	2	-	1 ёки 2	
	хокандоз	2	2	2	-	1 ёки 2	
	темир косов	2	2	2	-	1 ёки 2	
	ошхонага оид темир конус	-	-	1-2	-	-	
	люк бекитиш учун қопқок	-	-	1-2	-	-	
5	Сиргалувчан ўрнатилган дераза роми	4	4	4	2	4	
6	Нарвон	2	2	2	1	1	
7	Ўт ўчириш челаги	2	2	-	-	1	
8	Фонус	4	4	4	2	1	
9	Ёғоч шоти	2	-	1	-	-	
10	Супурги	2	2	2	2	2	-

Изох:

1. Сўрилар эни 200 мм дан тор тахталар воситасида жихозланадиган бўлса, уларнинг сони, ўзаро зич ётқизилган тахталардан тайёрланадиган ҳар бир сўрининг узунлиги 1600 мм дан қисқа бўлмаслигини инобатга олиб, оширилади.

2. Вагон эшигининг чорқирраларида махсус уймалар бўлмаса, шоти таянчи учун мўлжалланган тахталарнинг ҳар бири тегишли жойга олти донадан мих воситасида маҳкамланади.

3. Таркиби 7 кишидан кўп бўлган қоровуллик хизмати учун иккита сўри жихозлашга етадиган 16 дона тахта берилади.

4. Одам ташиш вагонларини вагон иситиш печкалари билан жихозлаш амаллари 25 сентябрдан 5 майга қадар бажарилади.

Ушбу амалларнинг зикр этилган муддатдан эрта ёки кеч бажарилиши эшелон шахсий таркиби транспортга чиқадиган темир йўл станцияси ва тайинланган манзил томон ҳаракат йўналишидаги об-ҳаво ҳароратига боғлиқ. Қоровул таркиби учун ажратилган вагон йил давомида печка билан жихозланади. Темир йўл транспорти органи томонидан бериладиган печка турларидан ташқари ҳар қандай бошқа турдаги печкаларнинг қўлланилишига рухсат берилмайди.

5. Суриладиган металл шотига эга вагонга нарвон берилмайди.

ТЕМИР ЙЎЛ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЧАН ТАРКИБИНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____сон

Мазкур далолатнома номлари қуйида санаб ўтилган мансабдор шахслардан иборат комиссия, хусусан: комиссия раиси _____ ва комиссия аъзолари: _____ томонидан тузилиб, темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби назорат кўригидан ўтказилгач, топширилганлиги қабул қилинганлиги кайд этилди.

Ўтказилган назорат кўригининг натижалари:

1. _____ рақамли ёпик вагонлар шахсий таркиб, дала ошхоналари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташишга яроқли, деб эътироф этилди. Барча вагонлар дезинфекция қилинган,

ювилган, қуритилган ва амалдаги меъёрларга мувофиқ вагонга ўрнатилиб-
ечиладиган ҳарбий жихозлар билан таъминланган.

2. _____

рақамли йўловчи ташиш вагонлари ўрин-жой анжомлари, чойшаб тўплamlари,
анжом-аслаҳалар ва ёнилғи билан таъминланган.

3. _____ ёпиқ вагон,
_____ темир йўл платформаси,
_____ яримвагон ҳарбий эшелонга қарашли
ҚА, ХМТ ҳамда бошқа турдаги моддий воситаларни ташишга яроқли.

4. Вагонларнинг барчаси техник жихатдан соз бўлиб, ҳарбий эшелон
ортилган поезд таркибида тайинланган манзил томон йўл юришга яроқли.

5. _____
_____.

Комиссия раиси «_____» темир йўл станцияси бошлиғи _____

(имзо, фамилия)

Комиссия аъзолари:

«_____» темир йўл участкаси ҳарбий коменданти _____

(имзо, фамилия)

Вагон депоси бошлиғи _____

(имзо, фамилия)

Санитария шифокори _____

(имзо, фамилия)

20 ____ йил «_____» _____

11-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Ҳарбий хизматга чақирилган ва хизматдан резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни ташиш тадбирларининг ўзига хос томонлари 2. Шахсий таркиб томонидан транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидалари 3. Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) ва бошқа вазифалар ижроси давомида амал қилинадиган хавфсизлик қоидалари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
☐ Ҳарбий хизматга чақирилган ва хизматдан резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни ташиш тадбирларининг ўзига хос томонлари тушунтириш.	☐ Ҳарбий хизматга чақирилган ва хизматдан резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни ташиш тадбирларининг ўзига хос томонлари тушуниш.
☐ Шахсий таркиб томонидан транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидалари ҳақида маълумот бериш.	☐ Шахсий таркиб томонидан транспортга чиқиш-тушиш ва йўл юриш давомида амал қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва хавфсизлик қоидалари ҳақида маълумот олиш.
Темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) ва бошқа вазифалар ижроси давомида амал қилинадиган хавфсизлик қоидалари ҳақида маълумот бериш	чиқиш-тушиш (юк ортиш-тушириш) ва бошқа вазифалар ижроси давомида амал қилинадиган хавфсизлик қоидалари ҳақида маълумот олиш
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

11-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар

	топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий хужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарҳ мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

12- МАЪРУЗА. ЖАНГОВАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ МАҲКАМЛАШ

- 1. Темир йўл платформаларига ортилган занжир-тасмали
ҳарбий машиналарни маҳкамлаш**
- 2. ЗТХМни кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш
мосламалари воситасида маҳкамлаш тартиби**
- 3. ЗТХМни металл шпорлар воситасида маҳкамлаш тартиби**
- 4. Темир йўл платформаларига горизонтал ҳолатда ортилган
ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш**

1. Темир йўл платформаларига ортилган, тормоз қурилмалари ва ҳаракатлантирувчи қисми соз, масса маркази платформа поли остида 1,5 м дан баланд бўлмаган нуқтада ҳосил бўладиган танклар ва бошқа турдаги ЗТХМни маҳкамлаш ишлари қуйидаги усуллардан бири қўлланилган тарзда амалга оширилиши мумкин:

кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалардан фойдаланиш усули (биринчи усул);

металл шпорлар қўллаш усули (иккинчи усул);

ёғоч тирговуч ва сим (махсус) тортмалар қўллаш усули (учинчи усул);

тирговуч металл бошмоқлар ва ёғоч қистирмалар қўллаш усули (тўртинчи усул);

тирговуч ёғоч чорқирра ва қистирмалар қўллаш усули (бешинчи усул);

тортма-қисқич ва қисқичлар қўллаш усули (олтинчи усул).

ЗТХМни маҳкамлаш ишларининг юқорида санаб ўтилган барча усуллари (тирговуч ёғоч чорқирра ва қистирмалар қўллаш усулидан ташқари) ҚА, ХМТни ҳарбий эшелон ва қоровул муҳофазаси остидаги ҳарбий транспорт таркибида ташиш жараёнида қўлланилади.

Тирговуч ёғоч чорқирра ва қистирмалар қўллаш усулидан ҚА, ХМТни фақат ҳарбий эшелон таркибида ташиш жараёнидагина фойдаланилади. Бунда, темир йўл платформаларининг ён бўртлари ёпилиши шарт.

ҚА, ХМТ темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилишидан олдин фойдаланишга оид тегишли йўриқномаларда баён этилган талабларга мувофиқ темир йўл транспорти воситасида ташиш ҳолатига келтирилади.

Тегишли вагон тури учун белгиланган юк кўтариш қобилиятининг ярмидан оғир ЗТХМ, вагонларнинг белгиланган юк кўтариш қобилиятидан ортиқча ортилишига йўл қўйиладиган юк вазни назарда тутилган ҳолда, темир йўл платформасига биттадан ортилиб ташилади.

ЗТХМ темир йўл платформасининг бўйлама ўқиға нисбатан симметрик равишда жойлаштирилади. Бунда, занжир-тасмалар платформа полидан симметрик ҳолатда солиниб туриши, солинган ҳолатдаги тафовут 40 мм дан ошиб кетмаслиги лозим.

Юк вазни темир йўл платформасининг аравасига бир текис тақсимланиб ортилади. ЗТХМ темир йўл платформаси устидаги ўрни ўзгартирилмай жойлаштирилганидан сўнггина, маҳкамланади.

Темир йўл платформасига ортилиб, юқорида санаб ўтилган усуллардан бири қўлланилган тарзда маҳкамланган ҳар бир техникадаги узатмалар қутисининг ричаги ортга юриш ҳолатига келтирилган, тормоз педали босилган бўлиши лозим. Шундан сўнг, узатмалар қутисининг ричаги билан тормоз педали қўргошин тамға воситасида муҳрланади. Ёқилғи узатиш ричаги ноль ҳолатига келтирилади.

2. ЗТХМ биринчи усул қўлланилиб маҳкамладиган бўлса, УМК-1Г ва УМК-2Г русумли кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари комплектидан фойдаланилади.

Битта бундай комплект занжир-тасма остига, иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари таянадиган жойга ётқизиладиган тўртта тиргакдан ташкил топган. Ушбу тиргаклар техниканинг бўйлама ва кундаланг йўналишлар томон силжишига тўсқинлик қилади.

Комплект тиргакларининг иккиси биринчи занжир-тасма остига, яна иккиси иккинчи занжир-тасма остига жойлаштирилиб, ётқизилади.

Маҳкамладиган ЗТХМ вазни, уни маҳкамлаш учун қўлланиладиган тиргаклар комплектининг русуми, ушбу тиргакларнинг шартли белгиланиши 12-жадвалда келтирилган маълумотларга мос келиши лозим.

ЗТХМ вазни, тонна ҳисобида	Қўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламасининг русуми	Тиргакларнинг шартли белгиланиши
7-25	УМК-1Г	Ҳарбий ҳаракатлархизматига тегишли УМК-1Г
25,1-42	УМК-2Г	Ҳарбий ҳаракатлархизматига тегишли УМК-2Г

2. ЗТХМни қўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари воситасида маҳкамлаш тартиби

3. Маҳкамланишидан олдин ЗТХМ темир йўл платформасининг бўйлама ўқиға симметрик ҳолатда, платформанинг бошланиш қисмиға ўрнатилади.

Тиргакларнинг биринчи жуфти занжир-тасмаларнинг олдиға, охиридан олдинги таянч катоклари етиб келиши тахмин қилинаётган жойға, ичкари томондан, биттадан, ҳар бир занжир-тасма яқинида ётқизиблиб, ўрнатилади.

Тиргак, ўз бўртиғи билан занжир-тасманинг ерга илашадиган қисмлари орасиға киритилади, қуйруғи билан эса занжир-тасма тракларининг қисқа томонидаги ўзаро илашиш тишлари орасиға (агар бундай тишлар бўлса) киритилиб ётқизилади.

Машина олдинға юргизилиб, иккинчи таянч катоклари етиб келиши тахмин қилинаётган жойда тўхтатилади. Шундан сўнг, тиргакларнинг иккинчи жуфти ҳам биринчи жуфтлик ўрнатилган тартибға амал қилинган тарзда ётқизиблиб, ўрнатилади.

4. Темир йўл платформаси устидаги машина яна олдинға, токи тиргаклар занжир-тасманинг иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари таянадиган жойға етиб келгунға қадар юргизилади.

Занжир-тасма остидаги тиргаклар иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари бевосита таянадиган жойда ёки ушбу нуқтадан + 0,5 м масофада, бироқ тиргаклар бир-бириға нисбатан 1,7 м дан қисқа бўлмаган масофада жойлашишиға йўл қўйилади.

Тиргакларни ўрнатиш жараёнида, машина ҳар сафар тўхтатилганида, двигателининг иши тўхтатади, машина тормози ишга туширилади.

ЗТХМни кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламаси ёрдамидамаҳкамлаш тартиби металл шпор воситасида маҳкамлаш мумкин.

5. ЗТХМ иккинчи усул қўлланилиб маҳкамланадиган бўлса, металл шпор комплектларидан фойдаланилади.

Битта бундай комплект занжир-тасма остига, иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари таянадиган жойга ётқизиладиган тўртта тиргакдан ташкил топган. Ушбу тиргаклар техниканинг бўйлама ва кўндаланг йўналишлар томон силжишига тўсқинлик қилади.

Комплект тиргакларининг иккиси биринчи занжир-тасма остига, яна иккиси иккинчи занжир-тасма остига жойлаштирилиб, ётқизилади.

ЗТХМ объектлари, уларни маҳкамлаш учун қўлланиладиган шпорлар, шпорларнинг шартли белгиланиши¹³-жадвалда келтирилган маълумотларга мос келиши лозим.

6. ЗТХМ учинчи усул қўлланилиб маҳкамланадиган бўлса, диаметри 6 миллиметр келадиган симдан иборат тўртта тортма ва тўрт дона ёғоч тирговучдан фойдаланилади. Ёғоч тирговучлар узун томони билан темир йўл платформасига кўндаланг ҳолатга келтирилиб, занжир-тасмага зич тақалибётқизилади ва платформа полигақурилишбандлари ва диаметри 6 миллиметрли мих воситасида қоқилади.

Тортма таркибидаги сим толаларининг сони ҳамда ёғоч тирговучларни қоқиб маҳкамлаш учун сарф этиладиган қурилиш бандлари ёки мих сони мазкур илованинг 14-жадвалида келтирилган.

Ён бўртлари очик темир йўл платформасида ташилаётган, вазни 25 тоннагача бўлган машиналар кўндаланг йўналишда ҳаракатланишига йўл қўймаслик мақсадида қўшимча равишда ўзагининг диаметри 12 мм келадиган қурилиш бандлари ёки ўлчами 100 x 100 x 200 мм келадиган ёнбош чорқирралар воситасида маҳкамланади. Занжир-тасмасининг эни 400 мм ва бундан ҳам

энлироқ бўлган ҳар бир ЗТХМ 8 дона, эни 400 мм дан энсиз бўлса, 12 дона қурилиш банди воситасида маҳкамланади.

13 - жадвал

ЗТХМ (объектлар ва улар негизида тайёрланган барча модификациялар)	Шпор тури	Шпорларнинг шартли белгиланиши
429	Ш - 429	29 АДР. 1231. с699
137	Ш - 137	54.28.756.с61
155	Ш - 137	54.28.756.с61
166	Ш - 137	54.28.756.с61
172	Ш - 137	54.28.756.с61
434	Ш - 434	34.АГТ.011 СБ99
219	Ш - 216	216-90. СБ-110
608	Ш - 137	54.28.756.с61
МТ-55; МТУ-20	Ш - 137	54.28.756.с61
637	Ш - 137	54.28.756.с61
632	Ш - 137	54.28.756.с61
ИМР-2	Ш - 137	54.28.756.с61
ИМР	Ш - 137	МДК-2М. 1800.010
БАТ-М	Ш - 137	МДК-2М. 1800.010
БТМ-3	Ш - 137	МДК-2М. 1800.010
МДК-2М	Ш - 137	МДК-2М. 1800.010
МДК-3	Ш - 434	34.АГТ.011 СБ99
БАТ-2	Ш - 434	34.АГТ.011 СБ99
82*, 83*	Ш - 434	34.АГТ.011 СБ99
78, 78В	Ш - 78	78А.52.462.СБ
256	Ш - 350	Э2С1-60.027.СБ
118*, 318*	Ш - 303	303.82.с619
ПТС-2*	Ш - 70	70.97.01
ПТС-М*	Ш - 65Л	65.97.с612
2С1	Ш-350	Э2С1-60.027.СБ
1В12-1 ўз ичига 1В13-(1), 1В14-(1), 1В15-(1) ва 1В16-(1) ни мужассам этади	Ш - 350	Э2С1-60.027.СБ
2К12 ўз ичига 1С91 ва 2П25 ни мужассам этади	Ш - 575	Э575-1685.920
2А6	Ш - 575	Э575-1685.920
2С7	Ш - 216	216.90.с6110
2С3	Ш - 303	303.82.с619
2С4	Ш - 303	303.82.с619
2С5	Ш - 303	303.82.с619
2К11 ўз ичига, 1С12 (1РЛ128Д) ни мужассам этади	Ш - 303	303.82.с619
915	Ш - 915	0.915.100.130-1СБ
925	Ш - 915	0.915.Ю0.130-1СБ


3. ЗТХМни металл шпорлар воситасида маҳкамлаш тартиби


1. ЗТХМни темир йўл платформасига ортишдан олдин шпор устунлари тўғри жойлашганлиги, таянч плитасига ишончли маҳкамланганлиги, шунингдек, чеклагич, маҳкамлагич ва уларнинг шплинтлари мавжудлиги текширилади.

Шпорнинг чеклагич-бармоғи плитанинг горизонтал қисмидаги, темир йўлплатформасининг ёнбош қиррасига якин келадиган туйнукка киритилиб, шплинтвоситасида маҳкамланган бўлиши лозим. Темир йўл платформаси полининг тахталарини қисиб, маҳкамлайдиган металл бурчак билан чеклагич орасидаги масофа 40 мм дан ошмаслиги даркор. Темир йўл платформаси устига ташиш ҳолатига ўрнатилган ЗТХМнинг иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклариостида қолган занжир-тасма траклари белгиланади. Шундан сўнг, машина олд(орт) томон юрғазилиб, занжир-тасма тракларининг қисқа томонидаги ўзаро илашиш тишлари ёки тешикларига шпорларнинг биринчи жуфти ўрнатилади.

2. Машина орт (олд) томон юрғазилиб, шпорларнинг иккинчи жуфти худди шу тарзда ўрнатилади.

3. Шундан сўнг, машина юрғазилиб, дастлабки ҳолатга келтирилади. Бунда металл шпорлар ЗТХМнинг иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари остида қолган занжир-тасма траклари остида қолади. Зарурат туғилганда, шпорларнинг бўртиклари темир йўл платформаси полининг тахтасига ботиб киргунга қадар машина платформа остида юрғазилади.






Расм. Темир йўл платформасига ортилган занжир-тасмали ҳарбий машинани металл шпорлар воситасида маҳкамлаш тартиби:
а - шпорлар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш;
б - шпорларнинг биринчи жуфтini ўрнатиш;
в - шпорларнинг иккинчи жуфтini ўрнатиш;
г - ташиш ҳолатида ўрнатилган машина.

14 - жадвал

ЗТХМ вазни, тонна	Тортма таркибидаги сим толаларининг сони, дона	Темир йўл платформаси бўртларининг боғланиши хисобга олинган тарзда битта		Битта ёғоч тирговучни қоқиш учун сарфланадиган қурилиш бандларининг сони, дона	Битта машинани маҳкамлаш учун сарфланадиган қурилиш бандларининг сони, дона
		килограмм	погон метр		
15 гача	4	10,0	45	2	8
15,1-25	6	14,5	65	3	12
25,1-50	8	19,0	85	3	12


Қурилиш бандлари темир йўл платформасининг полига занжир-тасмаларнинг ичкари томонидан, уларга перпендикуляр йўналишда, четдаги таянч катоклар қаршисига гурухларга тақсимланиб қоқилади. Ҳар бир бундай гурух таркибига икки ёки уч дона қурилиш банди киради. Гурух таркибига кирган қурилиш бандлари орасидаги масофа 150-200 мм, занжир тасма билан қурилиш бандлари орасидаги масофа эса 10-15 мм ни ташкил этмоғи лозим. Қурилиш бандининг занжир-тасмага яқин шохи ярмигача, нариги шохи эса охиригача қоқилади.



Расм. Темир йўл платформасига ортилиб, тортма ва ёғоч тирговуч воситасида маҳкамланган занжир-тасмали ҳарбий машина:
1 - ёғоч тирговуч; 2 - сим тортма.

Ёнбош чорқирралар ҳар бир занжир-тасма бўйлаб, ичкари томонга ётқизилади ва ҳар бири диаметри 6 мм, узунлиги 200 мм келадиган 8 дона мих воситасида қоқиб маҳкамланади. Занжир-тасма билан ёнбош чорқирра орасидаги орасида оралиқ масофа 10-15 мм ни ташкил этмоғи даркор.

4. ЗТХМ туртинчи усул қўлланилиб маҳкамладиган бўлса, якка қатор таянч катокларга эга машиналарни маҳкамлаш учун тўрт дона тирговуч металл бошмоқдан ва тўрт дона кўндаланг ётқизиладиган ёғоч қистирмадан, жуфт қатор таянч катокларга эга машиналарни маҳкамлаш учун эса саккиз дона бўйлама ётқизиладиган ёғоч қистирмалардан фойдаланилади, шунингдек, машинанинг вазни қанча бўлишидан қатъи назар, кўндаланг йўналишда ҳаракатланишига йўл қўймаслик мақсадида қурилиш бандлари ёки ёнбош чорқирралар воситасида маҳкамланади.



Расм. Темир йўл платформасига ортилган занжир-тасмали ҳарбий машинани тирговуч металлбошмоқлар ва ёғоч қистирмалар воситасида маҳкамлаш:
1-тирговуч металл бошмоқлар; 2-ёғоч қистирмалар.


Барча машиналарда металл бошмоқлар иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклар остига ўрнатилади. Бўйлама ёғоч қистирмалар ҳар бир занжир-тасмага жуфт-жуфт қилиб, биринчи ва иккинчи ҳамда охирги ва охиридан олдинги катокларни поналаб киритилади, яъни бир жуфт қистирма битта занжир-тасма

учун қўлланилади. Ҳар бир жуфтликдаги қистирмалар устига қурилиш бандлари қоқилиб, ўзаро маҳкамланади.

Кўндаланг қистирмалар машинанинг ҳар бир томонига таянч катоклар ва занжир-тасма трактларининг тишлари орасига иккитадан киритилади. Бунда, қистирмаларнинг бир жуфти машинанинг занжир-тасма бўйлаб олдинга силжишига, жуфти эса орқага силжишига тўқинлик қилиши керак.

Металл бошмоқларни ўрнатиш тартиби ҳам, металл шпорларни ўрнатиш тартиби каби кечади.

5. ЗТХМ бешинчи усул қўлланилиб, машина бўйлама йўналишда ҳаракатланишига йўл қўймаслик мақсадида маҳкамладиган бўлса, машина маҳкамлашнинг учинчи усулида қўлланилгани каби тўртта тирговуч ёғоч чорқиррадан фойдаланилади. Таянч катокларининг ғилдирашига йўл қўймаслик учун эса маҳкамлашнинг тўртинчи усулида қўлланилгани каби занжир-тасма остига тўрт дона кўндаланг қистирма поналаб киритилади.



Расм. Қистирмаларни ўрнатиш


а - бўйлама қистирманинг поналаб киритилиши;

1 - бўйлама қистирма; 2- қурилиш банди;

б - кўндаланг қистирманинг киритилиши: 1- кўндаланг қистирма

Кўндаланг йўналишда ҳаракатланишига йўл қўймаслик мақсадида машина, 12 дона қурилиш банди воситасида ёки занжир-тасманинг ички (ташки) томонига ётқизиладиган, ҳар бири диаметри 6 мм, узунлиги 200 мм келадиган 8 дона мих воситасида полга қоқиладиган, ўлчами 100 х 100 х 200 мм келадиган 2 дона ёнбош чорқирра воситасида маҳкамланади. Бундай чорқирра билан занжир-тасма орасида 10-15 мм оралиқ масофа қолдирилади.

6. Олтинчи усул қўлланилиб, 765 - ва 675 - объектлар ҳамда улар негизидаги машиналар маҳкамладиган бўлса, темир йўл платформаси устига ортилган бундай техника тўрт дона МК-765 русумли тортма-қисқич ёки тўрт дона С-765 русумли қисқич воситасида маҳкамланади.



Расм. Темир йўл платформасига ортилган занжир-тасмали ҳарбий машинани тирговуч ёғоч чоркирралар, ёғоч кистирмалар ва қурилиш бандлари воситасида маҳкамлаш

1 - тирговуч ёғоч чоркирра; 2 - ёғоч кистирма; 3 - қурилиш банди

7. 765- ва 675- объектлар ҳамда улар негизидаги машиналарни МК-765 русумли тортма-қисқичлар воситасида маҳкамлаш тартиби:


1) ЗТХМ темир йўл платформасининг бўйлама ўқиға нисбатан симметрик ҳолатда ўрнатилади;

2) занжир-тасманинг иккинчи ва охиридан олдинги таянч катоклари остидаги траклари тагига банд билан биргаликда ўзак киритилади;

3) ўзак ўзининг бўйлама ўқи атрофида ҳар қандай томон айлантирилган тарзда тортма- қисқич банди занжир-тасма тракининг устки токчаси устига келтирилади;

4) тортма- қисқич бандининг устки шохи трак устига, пастки шохи эса темир йўл платформаси ёнбош тўсинининг остки токчасига ўрнатилади;

5) тутиш гайкаси тақалиб қолгунга қадар бураб қотирилиб, ўз маҳкамлагичи билан маҳкамланади.



Расм. МК-765 русумли тортма-қисқичнинг ўрнатилиши

8. 765- ва 675- объектлар ҳамда улар негизидаги машиналарни С-765 русумли қисқичлар воситасида маҳкамлаш тартиби:


1) қисқичнинг устки шохи иккинчи ва охиридан олдинги таянч катокларининг қаршисида, занжир-тасма тракининг туташадиган учига киритилади;

2) қисқичнинг пастки шохи платформанинг ёнбош тўсинидаги токчага ўрнатилади;

3) туткичнинг сиқиш болти монтаж мисранги ёки калит воситасида охиригача бураб қотирилади ва албатта қисқичнинг пастки шохи устидаги контргайка билан сиқиб қўйилади;

4) кўндаланг йўналиш томон силжишига йўл қўймаслик учун ҳар бир машина 12 дона қурилиш банди ёки 2 дона ёнбош чорқирралар воситасида қўшимча равишда маҳкамланади.

Расм. С-765 русумли қисқичнинг ўрнатилиши



9. Танк негизидаги кўприк солиш қурилмаси иккита темир йўл платформасига ортилиб ташилади. Биринчи платформага қурилманинг ўзи ортилса, иккинчи платформага кўприк ортилади.

Кўприк солиш қурилмасининг ўзи ЗТХМларни маҳкамлашнинг юқорида баён этилган учта усулларида бири ўқланилиб маҳкамланиши мумкин.

3. Темир йўл платформаларига горизонтал ҳолатда ортилган ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш

1. Темир йўл платформаларига ортилган ғилдиракли машиналарни (автомобиллар, ғилдиракли зирхли транспортёрлар, тиркамалар, яримтиркамал, автопоездлар ва улар негизидаги бошқа турга мансуб агрегатларни), шунингдек,

қуруқликдаги артиллерия ва зенит артиллерияси тўпларини маҳкамлаш ишлари қуйидаги усуллардан бири қўлланилган тарзда амалга оширилиши мумкин:

кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалардан фойдаланиш усули (биринчи усул);

ёғоч тирговуч ва сим (махсус) тортмалар қўллаш усули (иккинчи усул);

ёғоч тирговуч ва ёнбош чорқирралар қўллаш усули (учинчи усул).

2. Маҳкамлашнинг биринчи ва иккинчи усуллари ҳарбий эшелон ва ҳарбий транспорт таркибида алоҳида бирликларининг вазни 40 тоннага етадиган, тормоз тизими ишончли ишлайдиган, ҳаракатлантирувчи қисми техник жихатдан соз ғилдиракли машиналар ташиладиган, иккинчи усул эса бундан ташқари, алоҳида бирликларининг вазни 40 тоннага етадиган, тормозга эга бўлмаган машиналар ташиладиган бўлса, қўлланилади.

3. Маҳкамлашнинг учинчи усули бўртлари ёпилган темир йўл платформаларида фақат ҳарбий эшелон таркибида ташиладиган, алоҳида бирликларининг вазни 12 тоннага етадиган, тормоз тизими ишончли ишлайдиган, ҳаракатлантирувчи қисми техник жихатдан соз ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш учун қўлланилади.

Тиркамалар, яримтиркамалар, автопоездлар, автомобиль негиздаги юк кўтариш кранлари, тўртта ва ундан кўп ўқли автомобиль техникаси, осон ўт оладиган суюқлик ёки суюлтирилган газ билан тўлатилган суюқлик ташиш идишларига эга автомобиллар ҳамда хавфли тоифага кирувчи юк ортилган юк ташиш автомобилларини маҳкамлашнинг учинчи усулини қўллаб маҳкамлаш ман этилади.

Маҳкамлашнинг учала усули масса маркази темир йўл платформасининг поли устида 1,7 м дан баланд бўлмаган нуктада ҳосил бўладиган ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш ишларида қўлланилиши мумкин.

4. Ғилдиракли машиналар темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортилишидан олдин фойдаланишга оид тегишли йўриқномаларда баён этилган талабларга мувофиқ темир йўл транспорти воситасида ташиш ҳолатига келтирилади.

Машиналар темир йўл платформасининг (яримвагоннинг) бўйлама ўқиға нисбатан симметрик равишда жойлаштирилиб, ўрни ўзгартирилмай жойлаштирилганидан сўнгина, маҳкамланади.

Темир йўл платформасига ортилиб, мазкур банд бошида зикр этилган усуллардан бири қўланилган тарзда маҳкамланган техниканинг ҳар бир бирлигидаги узатмалар қутисининг ричаги қуйи ҳолатига келтирилган ва тормозлари ишга солинган бўлиши, икки-учта етакчи кўприкларга эга бўлиб, вагонларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилган автомобилнинг олдинги кўприги эса ишга туширилмайдиган ҳолатга келтирилган бўлиши лозим.

5. Ғилдиракли машиналар биринчи усул қўлланилиб маҳкамланадиган бўлса, УМК-1К ва УМК-2К русумли кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари комплектидан фойдаланилади.

Алоҳида birlikларининг вазни 15 тоннадан оғир бўлмаган машиналар УМК - 1Книнг бир комплекти, вазни 15,1 тоннадан 26 тоннагача бўлган машиналар УМК-2Книнг бир комплекти, оғирлиги 26,1 тоннадан ўтиб, 40 тоннага етадиган машиналар УМК-2Квоситасининг иккита комплекти билан маҳкамланади.

6. Икки ўқли машина олдинги ва ортки кўприклар ёнида (ғилдиракларнинг олди ва оркасига) ўрнатиладиган тўртта бўйлама таянч ҳамда ҳар бир ғилдирак остига ички (ташқи) томондан ўрнатиладиган тўртта кўндаланг таянч воситасида маҳкамланади.

Уч ўқли машина ўрта ва ортки кўприклар ёнида (ғилдиракларнинг олди ва оркасига) ўрнатиладиган тўртта бўйлама таянч ҳамда олдинги ва ортки кўприкларнинг ғилдираклари остига ўрнатиладиган тўртта кўндаланг таянч воситасида маҳкамланади.

Тўрт ўқли машина УММнинг бир комплекти воситасида маҳкамланаётганида бўйлама таянчлар четки кўприклар ғилдиракларининг олди ва ортига, кўндаланг таянчлар эса айнан шу четки ғилдираклар остига ўрнатилади.

Агар машинанинг ўзига хос конструктив хусусиятлари туфайли темир йўл платформасининг ён бўртларини юк ортилганидан сўнг ёпиш имкони бўлмай қолса, кўндаланг таянчлар машинанинг ҳар бир ғилдираги остига ўрнатилади.

Бундай талаб машиналарни бўрти ёпилмайдиган (бўртлари йўк) темир йўл платформасида ташиш жараёнларида ҳам бажарилади.


Тўрт ўқли (чунончи, МА3-543 русумли) машина УМК-2Книнг иккита комплекти воситасида маҳкамланаётганида бўйлама таянчлар биринчи ва учинчи кўприклар ғилдиракларнинг яқинига бир томондан, иккинчи ва тўртинчи кўприклар ғилдиракларнинг яқинига эса - қарама-қарши томондан ўрнатилади. Кўндаланг таянчлар машинанинг ҳар бир ғилдираги остига ўрнатилади.

7. Агар вагонларнинг автоматик илашмалари устига икки ўқли машина жойлаштирилган бўлса, унинг орқа кўприк ғилдиракларигина икки томондан, агар машина уч ўқли бўлса, фақат ўрта ва ортки кўприкларининг ғилдираклари бўйлама таянч билан маҳкаланади.


Кўндаланг таянчлар ортки ва олдинги кўприкларнинг ғилдираклари остига, ички (ташқи) томондан ўрнатилади.

Олдинги кўприк ғилдираги остига ўрнатиладиган кўндаланг таянч покришканинг ён юзасига нисбатан 20-30 мм нарида ўрнатилади.


8. Барча холларда бўйлама таянчлар ғилдиракларга тираб, кўндаланг таянчлар эса (машина вагонларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилган ҳолатдан ташқари) ғилдиракларнинг ён юзасига нисбатан 20-30 мм нарида ўрнатилади.



Расм. Икки ва уч ўқли машинани УМК-1К русумли кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлашмосламаси воситаси ёрдамида маҳкамлаш



Расм. Тўрт ўқли автомобилни УМК-2К воситасининг битта комплекти биланмаҳкамлаш: 1- бўйлама таянч; 2- кўндаланг таянч



Расм. Тўрт ўқли МА3-543 русумли машинани УМК-2К воситасининг иккита комплектиёрдамида маҳкамлаш

9. Машина вазни, қўлланиладиган маҳкамлаш мосламаларининг русуми, таянчларнинг шартли белгиси 15-жадвалда келтирилган маълумотларга мос келиши. Шартли белги ҳар бир таянч юзасига юритилган бўлиши лозим.

Машиналарни маҳкамлаш учун маҳкамлаш мосламаларини тўплами қисмларга ажратилиб, бўйлама ва кўндаланг таянчлар иш ҳолатига келтирилади.

15 - жадвал

Ғилдиракли машина вазни, тонна	УММ комплектининг русуми	Таянчнинг шартли белгиси
15 гача	УМК-1К	Ҳарбий ҳаракатлар хизматига тегишли УМК-1К
15,1-26	УМК-2К	Ҳарбий ҳаракатлар хизматига тегишли УМК-2К
26,1-40	УМК-2К (2 компл.)	Бу ҳам

10. Ҳар қандай бўйлама ва кўндаланг таянчнинг халқасидан тутилган ҳолда ўк маҳкамлагичлари тортиб чиқарилади ва соат мили ҳаракати бўйлаб (бўйлама таянчнинг чап маҳкамлагичи соат мили ҳаракатига қарши томон) бурилади.


Охриги ҳолатга келтирилган маҳкамлагич автоматик равишда ички қисилиш(қулфланиш) ҳолатига келиб қолади.

Маҳкамлагичнинг бундай ҳолатида ўқлар юқори-паст йўналишда эркин ҳаракатланади.

Темир йўл платформаси устига жойлаштирилган машина ғилдираklarининг олд (орт) томонига биттадан кўндаланг таянч ўрнатилади. Машина ғилдираklари билан таянч плиталари устига етгач, тўхтайди.


Машина ғилдираklarининг қаршисига бўйлама таянчлар ўрнатилади.

11. Бўйлама ва кўндаланг таянчларнинг ўқлари навбат билан темир йўл платформасининг полига тўлиққоқиб киритилгач, маҳкамлагичлар воситасида маҳкамлаб қўйилади. Бунинг учун халқалар тортилиб, маҳкамлагич бир оз чиқарилади-да, дастлабки ҳолатга келтирилади. Шу билан машина маҳкамланган ҳолатга келади.



Расм. Темир йўл платформаларининг автоматик илашмалари устига жойлаштирилган икки ва уч ўқли машиналарни УМК-1К воситасида маҳкамлаш:

а - икки ўқли автомобиль: 1- бўйлама таянч; 2- кўндаланг таянч;
б - уч ўқли автомобиль



Расм. Кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлашмосламасининг бўйлама ва кўндаланг таянчларини ўрнатиш

12. Таянчлар бўшатиб олинаётганида машинанинг бўйлама таянч устидан босиб ўтилишига йўл қўйилади. Шундан сўнг, бўйлама ва кўндаланг таянчлар монтаж воситасида ёрдамида полдан ажратиб олиниб, ўз тўплами кўринишида йиғилади.

Таянчлар ишдан чиқишини олдини олиш мақсадида:

маҳкамланган ўқларни (маҳкамлагич тортиб чиқарилмаган ҳолатда) уриб қоқиш;

техникани маҳкамлаш ва бўшатиш давомида таянч корпусига қарата (маҳкамлагичи бўшатиш ўқлардан ташқари) оғир жисм билан зарб бериш;

машина ғилдиракларига бевосита тегиб турган таянчларни бўшатиб олиш катъиян ман этилади.

13. Вазни 24 тоннадан оғир бўлмаган ғилдиракли машиналар иккинчи усул қўлланилиб маҳкамланадиган бўлса, тўртта сим (махсус) тортма, вазни 24,1 дан 40 тоннага қадар етса, саккизта сим (махсус) тортмадан фойдаланилади.


Ортиладиган машиналарнинг вазни ва конструктив жиҳатдан ўзига хос томонларига боғлиқ ҳолда ғилдираклар тўртта ёки саккизта ёғоч тирговуч воситасида поналаб қўйилади. Бундай тирговучлар узун томони билан темир йўл платформасига кўндаланг йўналтирилиб, ғилдираклар остига зич жойлаштирилади.

Икки ўқли машиналарнинг ғилдираклари ташқи (ички) томондан тўртта ёғоч тирговуч воситасида поналанади.

Уч ўқли машиналарнинг олдинги кўприк ғилдираклари чорқирралар воситасида иккала томондан, ўрта ва ортки кўприк ғилдираклари эса ташқи томондан поналанади. Икки ўқли тиркамаларнинг ғилдираклари ташқи (ички) томондан, бир ўқли тиркамаларнинг ғилдираклари эса иккала томондан поналанади.

Тўрт ўқли машиналар ёғоч тирговучлар воситасида маҳкамланаётганида барча кўприкларнинг ғилдираклари поналанади.


14. Машиналар платформаларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилса, икки ўқли машинадаги ортки ўқ ғилдираклари иккала томондан, уч ўқли машинадаги ўрта ва ортки ўқларнинг ғилдираклари ташқи томондан ёғоч тирговучлар воситасида поналанади.



Расм. МА3-543 русумли тўрт ўқли автомобилни ёғоч тирговуч ва ёнбош чоркирралар воситасида маҳкамлаш:
1- тортма; 2- ёғоч тирговуч; 3- ёнбош чоркирра.

15. Олдинги ўқ гилдиракларига параллель равишда ташқи (ички) томондан, гилдиракларининг ён юзасидан 20 - 30 мм нарида чоркирраларбўйлама йўналишда ётқизиблиб, уларнинг ҳар бирига, агар машина вазни 12 тоннадан оғир бўлмаса, тўрт дона, оғир бўлса олти дона диаметри 6 мм, узунлиги 200 мм келадиган мих қоқилиб, маҳкамланади.

Ёғоч тирговучларга қоқиладиган мих сони, тортмалар ва уларнинг таркибидаги сим толаларининг сони 16 - жадвалга мувофиқ белгиланади.



Расм. Темир йўл автоматик жойлаштирилган автомобилларни тортмалар, ёғоч тирговучлар ва бўйлама ётқизиладиган чоркирраларвоситаси ёрдамида маҳкамлаш:
а - икки ўқли автомобиль;

платформаларининг илашмалари устига икки ва уч ўқли

6-уч ўқли автомобиль: 1- тортма; 2- ёғоч тирговуч;3- темир йўл платформасига бўйлама йўналишда ётқизилган чорқирра.

16 - жадвал

Битта ғилдиракли машина вазни, тонна	Битта ғилдиракли машинани маҳкамлаш учун сарф этиладиган сим тортма сони, дона	Битта тортма таркибидаги диаметри 6 мм келадиған сим толаларининг сони, дона	Битта чорқиррага қоқиладиған, диаметри 6 мм, узуңлиги 200 мм келадиған мих сони, дона		Битта ғилдиракли машинани маҳкамлаш учун сарф этиладиған сим		Битта ғилдиракли машинани маҳкамлаш учун сарф этиладиған мих сони, дона
			Битта ғилдиракли машина 4 дона ёғоч тирговуч воситасида маҳкамланганида	Битта ғилдиракли машина 8 дона ёғоч тирговуч воситасида маҳкамланганида	кг	Погон метр	
Тормози соз ғилдиракли машиналар учун							
2,0 гача	4	2	2	2	4,4	20	8 ёки 16
2,1-4,0	4	2	4	2	4,4	20	16
4,1-6,3	4	2	6	3	4,4	20	24
6,4-12,0	4	4	12	6	8,8	40	48
12,1-18,0	4	6	18	9	13,2	60	72
18,1-24,0	4	8	24	12	17,6	80	96
24,1-30,0	8	6	-	12	26,4	120	96
30,1-40,0	8	8	-	12	35,2	160	96
Тормози носоз (йўқ) ғилдиракли машиналар учун							
3,5 гача	4	2	4	2	4,4	20	16
3,6-7,0	4	4	8	4	8,8	40	32
7,1-10,0	4	6	-	9	13,2	60	72

16. Агар 16 - жадвалга мувофиқ битта ёғоч тирговучга 12 ва ундан ортиқ дона мих қоқиш зарур бўлса, тўртта чорқирра ўрнига саккиз дона қўллангани мақсадга кўпроқ мувофиқ келади.

Одатда, ғилдиракли машиналар ён бўртлари ёпилган темир йўл платформаларида ташилади. Агар машиналар конструкциясининг ўзига хослиги туфайли темир йўл платформасининг ён бўртларини ёпиш имкони бўлмаса, платформага ортилган ҳар бир ғилдиракли машина, кўндаланг йўналишда ҳаракатланмаслиги учун барча ғилдиракларининг ташқи (ички) томонидан платформа полига михлаб қўйиладиган ёнбош чорқирралар воситасида қўшимча равишда маҳкамланади. Ушбу чорқирраларнинг ҳар бирига диаметри 6 мм, узушлиги 200 мм келадиган мих, агар ғилдиракли машинанинг вазни 12 тоннадан ошмаса, тўрт дона, 12 тоннадан 40 тоннагача бўлса, саккиз дона қокилади.

17. Темир йўл платформасига ортилган ғилдиракли машиналар учинчи усул қўлланилиб маҳкамланадиган бўлса, ғилдиракларни поналайдиган ёғоч тирговучлар узун томони билан темир йўл платформасига бўйлама йўналишда, ёнбош чорқирралар эса олдинги ва орқа ғилдиракларнинг ички ёки ташқи томондаги ён юзасига зич тақалиб ётқизилади.

Ҳар бир ёғоч тирговуч темир йўл платформаси полига олти дона, ҳар бир ёнбош чорқирра эса тўрт дона диаметри 6 мм, узунлиги 200 мм келадиган мих воситасида қоқиб, маҳкамланади.

Вазни 5,5 тоннадан оғир бўлмаган машина тўрт дона, вазни 5,6 тоннадан 12 тоннагача келадиган машина эса саккиз дона ёғоч тирговуч воситасида поналанади. Ҳар бир машина, вазни неча тонна бўлишидан қатъи назар, тўрт дона ёнбош чорқирра воситасида маҳкамланади.


Темир йўл платформаларининг автоматик илашмаси устига ортилган, вазни 5,6 тоннадан оғир ғилдиракли машинанинг орқа ғилдираклари, шу жумладан, уч ўқли машинадаги ўрта ва ортки кўприкларининг ғилдираклари ёғоч тирговучларнинг икки хисса оширилган сони воситасида маҳкамланади.

Олд ғилдираклар ёнига ётқизиладиган ёнбош чорқирралар ғилдиракнинг ён юзасига нисбатан 20-30 мм масофада ётқизилади.

18. Машиналар устма уст (икки қават) жойлаштириладиган бўлса, нисбатан енгил машина вазни оғир машина кузовига жойланади. Бунда, темир йўл платформасига тиралиб турган машина иккала машина вазнининг йиғиндиси инобатга олинган тарзда маҳкамланади. Кузовга жойланган (иккинчи қаватдаги) ғилдиракли машина платформа полига тиралиб турган ҳолатида маҳкамланадиган тартибда, ўз вазнига монанд маҳкамланади. Иккинчи қаватдаги машина ғилдиракларининг остига полдан ажратиш (юклама енгиллатиш) қалқони ётқизилишига йўл қўйилади.

Бундай қалқон қалинлиги 40 мм дан юпқа бўлмаган икки-учта тахтадан иборат бўлиб, кузов полига диаметри 6 мм ли тўрт-олти дона мих воситасида қоқиб маҳкамланади. Ушбу қалқон ўлчами устига ёғоч тирговуч ётқизиш имконини бериши шарт.

19. Алохида жойлаштирилган тиркамаларнинг буриладиган қисми маҳкамлагич воситасида ҳаракатсиз ҳолатда маҳкамланиши, автомобилга бириктириладиган шотиси юқорига кўтарилиб, вертикал ҳолатда маҳкамланиши ёки платформа полига тушириб қўйилиши лозим. Биринчи ҳолатда ушбу шоти ҳар бирининг диаметри 6 мм келадиган бир жуфт сим толасидан иборат иккита тортма воситасида қўшимча равишда маҳкамланади. Иккинчи ҳолатда эса ҳар бири бир жуфт сим толасидан иборат иккита тортма ёки темир йўл платформасига қоқилган иккита қурилиш банди воситасида маҳкамланади.



Расм. Устма уст (икки қават) жойлаштириш
1 - тортма; 2- ёғоч тирговуч

20. Автомобиль негизидаги юк кўтариш кранининг ҳартум қисми, унинг чайқалиш ҳаракатини чеклаш мақсадида ҳар бирининг диаметри 6 мм келадиган бир жуфт сим толасидан иборат иккита тортма воситасида қўшимча равишда маҳкамланади. Экскаваторнинг ҳартум қисми ва бошқа турдаги ер қазииш машиналарининг ўхшаш иш органлари, уларнинг ҳаракатини чеклаш учун ҳар бирининг диаметри 6 мм келадиган тўртта сим толасидан иборат иккита тортмавоситасида маҳкамланади.

Қуруқликдаги артиллерия ва зенит артиллериясининг тўплари ўз вазнига боғлиқ ҳолда ғилдиракли машина сингари, маҳкамлашнинг юқорида санаб ўтилган учта усулидан ҳар қандай бири қўлланилиб, маҳкамланади. Маҳкамлашнинг учинчи (ёғоч тирговуч ва ёнбош чорқирралар қўллаш) усулини артиллерия тизимлари ҳарбий эшелон таркибида ташилгандагина қўллашга рухсат берилади.

Маҳкамлашнинг ҳар қандай усули қўлланилганида артиллерия тўпи лафетининг тиргаги, унинг айланиб кетишига йўл қўймаслик учун ҳар бирининг диаметри 6 мм келадиган бир жуфт сим толасидан иборат иккита, темир йўл платформасининг полига нисбатан кўндаланг йўналишда тортилган тортма ёки

ушбу платформа полига қоқилган иккита қурилиш банди воситасида қўшимча равишда маҳкамланади.


Зенит тўпи механик торткичининг ҳартум қисми кўтарилиб, ўз тутқичи воситасида маҳкамланган ёки темир йўл платформасининг полига туширилган бўлиши лозим. Биринчи ҳолатда ҳартум ҳар бирининг диаметри 6 мм келадиган бир жуфт сим толасидан иборат иккита тортма иккинчи ҳолатда эса иккита тортма ёки қуруқликдаги артиллерия тўпининг тиргаги каби икки дона қурилиш банди воситасида маҳкамланади.


21. Автопоездлар (эгар туридаги яримтиркамали автомобиль шатаги ва тиркамали автомобиль шатаги) кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламаларининг таянчлари (маҳкамлашнинг биринчи усули), ёғоч тирговучлар ва тортмалар (маҳкамлашнинг иккинчи усули) воситасида маҳкамланиши мумкин.

Илашган ҳолатда ташиладиган автопоезд иккита мустақил бирлик сифатида эътироф этилиб, маҳкамланиши даркор. Маҳкамлашнинг биринчи усули қўлланиладиган бўлса, автомобиль шатаклари ва яримтиркамалар маҳкамлашнинг иккинчи усули қўлланиладиган бўлса, 16 - жадвалда келтирилган меъёрларга мувофиқ маҳкамланади.

Ўлчамларига боғлиқ ҳолда автопоезд битта темир йўл платформаси устига ёки иккита платформа илашмаси устига жойланади. Темир йўл платформаларининг автоматик илашмаси устига, одатда, автомобиль шатаги жойланади.


22. ТЗ-30 русумли ва шунга ўхшаш негизи узун автопоездлар иккита темир йўл платформасининг автоматик илашмаси устига жойлаштирилади. Бунда автомобиль шатаги платформалардан бирининг устида белгиланган тартибда бутунича, яримтиркаманинг иккиелкали араваси эса бўйлама йўналишда эркин ҳаракатланадиган ҳолатда маҳкамланади.






Расм. Автопоездни УМК-1К русумли қўпқўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламаси воситасида маҳкамлаш

1- бўйлама ётқизилган тирговуч; 2- қўндаланг ётқизилган тирговуч




Расм. Автопоездни тортмалар ва ёғоч тирговучлар воситасида маҳкамлаш

1- тортма; 2- ёғоч тирговуч



Расм. Автопоездни темир йўл платформаларининг автоматик илашмаси устига жойлаштириб, маҳкамлаш



Расм. Т3-30 русумли ва шунга ўхшаш негизи узун автопоездни темир йўл платформаларининг

автоматик илашмаси устига жойлаштириб, маҳкамлаш

1- ҳар бири 8 та сим толасидан иборат сим тортма-4 дона;

2- ўлчами 100x220x550 мм келадиган ёғоч тирговуч - 12 дона;

3- ўлчами 100x100x1000 мм келадиган ёнбош чорқирра - 8 дона;

4- ўлчами 100 x 100x1000 мм жойга мос танланган кашакчорқирра - 4 дона;

5- ўлчами 100 x 100 x 2500 мм келадиган йўналтирувчи чорқирра - 2 дона, ёнбош чорқирра (3 дона), кашак чорқирра (4 дона), бўйлама ётқизиладиган чорқирра (5 дона).

Ушбу чорқирраларнинг ҳар бирига, тегишинча олти, ўн икки,

олти, ўн олти дона диаметри 66 мм, узунлиги 200 мм келадиган мих қоқиб, маҳкамланади.

12-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Темир йўл платформаларига ортилган занжир-тасмали ҳарбий машиналарни маҳкамлаш 2. ЗТХМни кўп қўлланиладиган универсал маҳкамлаш мосламалари воситасида маҳкамлаш тартиби 3. ЗТХМни металл шпорлар воситасида маҳкамлаш тартиби 4. Темир йўл платформаларига горизонтал ҳолатда ортилган ғилдиракли машиналарни маҳкамлаш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортишни тушунтириш.	☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортига ортишни тушуниш.
☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортидан тушириш ҳақида маълумот бериш.	☐ Ҳарбий эшелонни темир йўл транспортидан тушириш ҳақида маълумот олиш.
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

12-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайди.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида	Тинглайди ва ёзиб олади

	қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадilar. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарҳ мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадilar, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади

3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

13-МАЪРУЗА. ҲАРБИЙ ЭШЕЛОНЛАРНИ ОРТИШДА, ТУШИРИШДА ВА ҲАРАКАТ ДАВОМИДА ТЕМИР ЙЎЛ МАЪМУРИЯТИ ВАЗИФАЛАРИ

- 1. Транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар**
- 2. Минтакавий темир йўл узели бошлиғи мажбуриятлари**

1. Транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар

Қўшинларнинг белгиланган муддатларда ташилишини таъминлаш учун жавоб берадиган темир йўл транспорти органларига мансуб мансабдор шахслар жумласига:

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Раиси (шартли телеграф номи «Н»);

минтакавий темир йўл узели бошлиқлари (шартли телеграф номи «РЖУ»);

темир йўл станцияси бошлиқлари (шартли телеграф номи «ДС»);

2. Минтакавий темир йўл узели бошлиғи мажбуриятлари

жумласига:

ҳарбий эшелонларни темир йўл транспортининг ташиш тадбирларини амалга оширишга яроқли ва жихозланган ҳаракатчан таркиби билан таъминлаш;

темир йўл транспорти воситаларининг бўш ҳаракатчан таркиби ҳарбий эшелон поездининг тузилишига оид тақдим этилган чизмага мувофиқ тузилган ҳолда эшелон шахсий таркиби транспортга чиқадиган станцияга ўз

вақтида ҳавола этиши, шу жумладан, ҚА, ҲМТни маҳкамлаш учун темир йўл органи томонидан тақдим этиладиган маҳкамлаш материаллари етказиб берилишини таъминлаш;

қўшинларнинг доимий юк ортиш-тушириш жойлари ушбу жойларга олиб келадиган шахобчалар йўналишидаги йўлларни техник жихатдан соз ва қўшинлар томонидан фойдаланишга доимо шай ҳолатда сақланишини таъминлаш;

юк ортиш-тушириш жойларини қисмларга ажратиладиган-йиғиладиган юк ортиш-тушириш қурилмалари, аппаратлар йиғилиши учун юк ортиш-тушириш мосламалари, материаллари ва асбоб-ускуналарининг зарурий сони (миқдори, ҳажми) билан таъминлаш;

ҳарбий эшелонларнинг моддий ва тиббий таъминоти учун мўлжалланган темир йўл иншоотлари ва қурилмалари техник жихатдан соз ва белгиланган муддатда очилишига шай ҳолатда сақланишини таъминлаш;

ҳарбий ташиш тадбирларига тааллуқли маълумотлар сир сақланишига қаратилган чора-тадбирлар қўриш;

ҳарбий эшелонлар ёнилғи, ичимлик суви ва шам билан таъминлаб борилишини ташкиллаштириш;

эшелонлар транспортга чиқаётган-тушаётган вақтда темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибини бир жойдан бошқа жойга олиб ўтиш учун манёвр воситаларини ажратиш;

поездлар эшелонларнинг моддий ва тиббий таъминоти амалга ошириладиган станцияларда қанча вақт туришини ҳарбий комендант билан биргаликда режалаштириш;

эшелон ташиётган поезд поездларнинг қатнаш жадвалига мувофиқ ҳаракатланишини таъминлаш;

қўшинлар ташилишини таъминлайдиган транспорт органига (темир йўл станциясига) мансуб ходимларнинг ихтисослик бўйича тайёргарлигини ташкиллаштириб бориш;

баён этилган талабларга мувофиқ юк ортиш-туширишга доир ўқув машғулотлар, кўргазмали ёки синов тариқасидаги юк ортиш-тушириш тадбирлари ўтказилишини кўшинлар ташилишини таъминлайдиган транспорт органига (темир йўл станциясига) мансуб ходимларни жалб этган тарзда таъминлаш;

ҳарбий эшелонлар ташилаётган поездлар иштирокидаги йўл-транспорт ходисалари поездлар катновидаги узилишлар ҳақида ҳарбий комендантни хабардор қилиб бориш.

3. Темир йўл станцияси бошлиғи зиммасидаги мажбуриятлар жумласига:

кўшинларнинг доимий юк ортиш-тушириш жойлари ва ушбу жойларга олиб борадиган шахобчалар йўналишидаги йўлларни техник жихатдан соз ва кўшинлар томонидан фойдаланишга доимо шай ҳолатда сақланишини таъминлаш;

темир йўл воситаларининг ҳозирланган ҳаракатчан таркибини қабул қилиб олиш комиссиясининг ишини ташкиллаштириш;

темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби ўз вақтида тайёрланиши, ушбу таркиб эшелон поездининг тузилишига оид тақдим этилган чизмага мувофиқ тузилиши ва ҳарбий эшелон шахсий таркиби транспортга чиқадиган жойга етказилишини таъминлаш;

юк ортиш-тушириш йўли устидаги контакт сими электр кучланишидан узилиб, ерланганидан сўнг, ҳарбий эшелон бошлиғига юк ортиш-тушириш ишларини амалга ошириш учун ёзма рухсатнома бериш;

ҳарбий комендант томонидан тақдим этилган буюртмаларга мувофиқ ҚА, ҲМТ темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига ортиш учун юк ортиш-тушириш мосламалари, материаллари ва асбоб-ускуналарининг зарурий сонини (микдори, ҳажмини) юк ортиш-тушириш жойларига жамлаш;

эшелонларга тегишли ҚА, ҲМТ темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркибига тўғри ортилаётгани, жойлаштирилаётгани ва маҳкамланаётганини

шахсан ёки ўз вакили орқали назорат қилиб бориб, ушбу таркибнинг ўз вақтида йўлга чиқишини таъминлаш;

ҳарбий ташиш тадбирлари сир сақланишга қаратилган чоралар кўриш;
эшелон ташиётган поездларга юк ортиш-тушириш, бундай поездларнинг ҳаракатларига доир зарурий маълумотларни ҳарбий комендантга ўз вақтида етказиш;

эшелон шахсий таркиби транспортга чиқаётган, юк ортилаётган маҳалда ишлаши учун манёвр воситаларини ўз вақтида ҳавола этиш;

эшелон шахсий таркиби транспортга чиқаётган маҳалда вагонга ўрнатилиб-ечиладиган ҳарбий жихозларни эшелон бошлиғига рўйхат бўйича ўз вақтида топшириш (ушбу бошлиқдан қабул қилиб олиш);

транспортга юк ортиш-тушириш ишлари нихоясига етгач, транспортга юк ортиш-тушириш жойлари тозаланиб, тартибга келтирилаётганини кузатиб бориш;

ҳарбий эшелонни ичимлик суви, ёнилғи ва шам билан таъминлаш;

ҚА, ХМТни ортиш-туширишга доир ўқув машғулотлар, кўргазмали ёки синов тариқасидаги юк ортиш-тушириш тадбирларини темир йўл воситаларининг ҳаракатчан таркиби, юк ортиш-тушириш мосламалари ва қурилмалари билан таъминлаш.

13-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Қириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар 2. Минтакавий темир йўл узели бошлиғи мажбуриятлари
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар ҳақида маълумот бериш.	Транспорт органларига мансуб мансабдор шахслар ҳақида маълумот.
Минтакавий темир йўл узели бошлиғи мажбуриятлари ҳақида маълумот бериш.	Минтакавий темир йўл узели бошлиғи мажбуриятлари ҳақида маълумот олиш.

Таълим усуллари:	Маъруза, “аклий хужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

13-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулоти кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзунинг дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Аклий хужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот боскичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.

	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳофафа қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

14-МАЪРУЗА. ҲАРБИЙ ЮКЛАРНИ ТАШИШДА КОНТЕЙНЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. Контейнерларда юк ташиш
2. Контейнерлар турлари
3. Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари

1. Контейнерларда юк ташиш

Контейнерларга юклар жўнатувчиларнинг омборларида ортиради ва улардан юклар олувчиларнинг омборларида туширилади. Темир йўлларда ташилган ва кейинчалик автомобил ёки сув транспортига топшириладиган ёки аксинча топшириладиган юклардан контейнерлар очилмасдан, ичидаги

бўшатиладан, бир транспорт туридан иккинчи транспорт турига бевосита ортилади. Контейнерлар билан омборлардаги, темир йўл станцияларидаги, портлардаги ва пристанлардаги барча ортиш-тушириш ва саралаш операциялари тегишли механизация воситалари ёрдамида бажарилади.

Контейнерда юк ташиш – юк жўнатувчиларнинг омборларидан юк олувчиларнинг омборларигача контейнерларидан фойдаланиб, қайта юклашларсиз юкларни ташиш усулидир.

- юк жўнатувчиларни юкларни транспорт идишларига жойлаштириш заруриятидан холос қилади;

- юк, омбор ва тижорат операцияларини автоматлаштириш имкониятини яратади ва уларни сонини кескин камайтиради;

- юк операцияларини жадаллаштиради ва арзонлаштиради;

- темир йўл станцияларида ёпиқ омборларга бўлган эҳтиёжни камайтиради;

- ташишда юкларни тўлароқ асрашни таъминлайди;

- ортиш-тушириш жойларини ўтказиш қобилиятини оширади.

2. Контейнерлар турлари

Юк ташишнинг контейнер тизими турли контейнерларни ва уларни ортиш-тушириш ҳамда ташиш учун махсус механизациялаш ва ташиш воситаларини ишлаб чиқариш учун катта миқдордаги маблағни талаб қилади. Лекин бу сарф ҳаражатлар тезда ўзини оқлайди ва бу усулда юк ташишни келтирилган ҳаражатлари ёпиқ вагонда юк ташишга нисбатан анча кам бўлади.

Махсус контейнерлар - бир турдаги ёки физика-кимёвий хусусияти бўйича бир гуруҳга мансуб бўлган юкларни турли транспортларда ташиш ва уларни муомала жараёнида вақтинчалик сақлаш учун хизмат қилади.

Универсал ва махсус контейнерлар ташувчининг ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг тасарруфида ёки ижаравий бўлиши мумкин.

Универсал контейнер – қаттиқ конструкцияли, ёпиқ, очиладиган ёки олиб қўйиладиган томли контейнер бўлиб, кенг номенклатурадаги идишли-ўровли ва донали юкларни ташиш ҳамда вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган. Универсал контейнерларда барча пакетланган ва доналаб ташиладиган юклар: почкаланган рангли металлар, металл буюмлар, кимё - саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, консервалар, қурилган мевалар, қандолатчилик маҳсулотлари, мебеллар, гиламлар, сунъий ва табиий толадан тайёрланган мато ва газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, идиш - товоқлар ва ёпиқ вагонларда майдалаб ва вагонлаб ташиладиган жуда кўп номдаги бошқа юклар ташилади.


Собиқ Иттифоқ ТЎ барча турдаги контейнерлар массаси бўйича шартли равишда учта гуруҳга мансуб бўлганлар:

***катта тоннажли** брутто массаси 10; 20 ва 30 т ли;*

***ўрта тоннажли** брутто массаси 2,5 (3) ва 5 т ли универсал унификациялашган контейнерлар;*

***кичик тоннажли** брутто массаси 0,625 ва 1,25 т ли автомобилларнинг унификациялашган контейнерлари.*

Хозирда кичик тоннажли контейнерлар муомаладан чиқиб кетган. Лекин катта тоннажли ва ўрта тоннажли контейнерлар Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо давлатлар ва Латвия, Литва ҳамда Эстония Республикалари темир йўлларида ишлатилмоқда ва бу тушинча амалиётда сақланиб қолган. Ривожланган Европа, Америка ва Осиё давлатларида бундай тушинча йўқ. Ҳалқаро юк ташишлар учун хизмат кўрсатадиган катта тоннажли контейнерларнинг **баландлиги ва эни 2438 мм га тенг қилиб, - 5 мм жоизлик** билан қабул қилинган.



Расм. Катта тоннажли контейнер конструкциясининг умумий кўриниши:

1-бурчак фитинги; 2-вертикаль бурчак тўсини; 3- юқори бўйлама тўсин; 4- тирқишли остки бўйлама тўсин; 5- юқори ва остки этак тўсинлари; 6-эшик қанотлари; 7-эшикни тамбалаш механизми; 8- ёнбош деворлар.

Махсус контейнерлар. Махсус катта тоннажли контейнерлар қуйидаги гуруҳларга бўлинадилар:

этак ва ён деворларидаги бир ёки бир неча эшик ўймаларидан юк ортиладиган ёпиқ контейнерлар;

томсиз очик контейнерлар;

усти тент билан ёпилган орқа эшикли очик контейнерлар;

контейнер-платформалар;

оғир юкларни ташиш учун ярим баландликдаги контейнер - платформалар;


контейнер - цистерналар;

изотермик (рефрижератор) контейнерлар ва бошқа турдаги контейнерлар.


Темир йўл транспортида брутто массаси 5 тоннагача бўлган универсал контейнерлар асосан қайта жиҳозланган ярим очик вагонларда ва қисман универсал ярим очик вагонларда ташилади, махсус контейнерлар эса асосан универсал платформаларда ва қисман универсал ярим очик вагонларда ташилади. Брутто массаси 5 тоннагача бўлган универсал ва махсус контейнерлар бошқа турдаги магистрал транспортларда умумий

фойдаланишдаги автомобилларда ва кемаларда ташилади. Катта тоннажли контейнерларни ташиш учун уни остки бурчак фитингларидан маҳкамлаш учун махсус туткич (стопр)ли мосламалар билан қайта жиҳозланган универсал тўрт ўқли платформалардан ва узун базали тўрт ўқли махсус контейнер ташувчи платформалардан фойдаланилади.

Катта тоннажли контейнерларни автотранспортда ташиш учун махсус ярим тиркама ва тиркамалар мавжуд. Бу тиркама КамАЗ, МАЗ, Mercedes автомобилларига уланади ва бу авто - поездларда катта тоннажли контейнерлар шаҳар ичида, шаҳар атрофида ташилади. Ярим тиркама ва тиркамаларнинг рамаларига айланадиган илгак-туткичлар ўрнатилган. Уларга катта тоннажли контейнер остки бурчак фитинги билан жойлашганидан сўнг, илгак-туткични 90° га бураб қотириб қўйилади ва контейнер тиркама рамасига маҳкамланиб қолади.



Расм. 5911 русумдаги гидравлик кранли автомобиль -ўзиюклагич



Расм. Катта тоннажли контейнерлар учун ярим тиркама

контейнер ташувчи-ўзюклагич

Катта тоннажли контейнерлар учун ўзюклагич юк кўтариши 20 - 30 *m* бўлган ярим тиркама контейнер ташувчидан иборат бўлиб унинг рамасини олдинги ва этак қисмида юк кўтариш қурилмаси ўрнатилган ва улар ёрдамида контейнерларни ортиши ва тушириши мумкин.

3. Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари

Юклашнинг техник нормаси деб самарали усулда ташишга тайёрланган юкни, мазкур турдаги вагон ёки контейнерга уларни юк кўтаришидан ва сиғимидан энг яхши фойдаланиб ортилган мақбул миқдорига айтилади.

Юклашнинг техник нормаси орқали юк жўнатувчи муайян юкдан у ёки бу вагонга, контейнерга максимал миқдорда мумкинлигини тезликда аниқлаб олиши ва юк ташиш буюртманомасида керакли миқдордаги вагон ёки контейнерларни сонини кўрсатиши мумкин.

Вагонларнинг юк кўтаришидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, **унда:**

- контейнерларнинг юк кўтаришидан ёки сиғимидан максимал фойдаланиш ҳамда юкларни ташишга тайёрлаш (исканжалаш, пакетлаш, идишлаш, қисмларга ажратиш ва ҳ.к. лар) ни ва уларни контейнерларда жойлаштиришни илғор услубларини ҳисобга олиб, юкларни асрашни таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда темир йўли вагонларга ва контейнерларга юклашнинг техник нормаларини тайинлаши;

- юк жўнатувчи вагонларга ва контейнерларга белгиланган техник нормалардан кам бўлмаган миқдорларда юк ортиши шартлиги;

- темир йўл бошлиғи юк жўнатувчилар билан келишган ҳолда ташиладиган юкни хусусияти ва сифатига ҳамда ҳаракатдаги таркибнинг

турига мувофиқ вагонларга ва контейнерларга юк ортишнинг маҳаллий техник нормаларни тайинлаши мумкинлиги;

- очик ҳаракатдаги таркибга юкларни ортиш ҳаракатдаги таркибнинг сифимидан тўлиқ фойдаланиб, аммо унинг юк кўтаришидан оширмасдан амалга оширилиши;

- очик ҳаракатдаги таркибларда ташишга рухсат берилган юкларнинг рўйхати юкларни ташиш Қоидаларида белгиланиши;

- юк ортишнинг техник нормалари белгиланмаган юклар контейнерларнинг сифимидан тўла фойдаланиб, аммо уларнинг юк кўтаришидан оширмасдан юкланиши кераклиги;

- юк жўнатувчи темир йўл станциясида контейнерларнинг юк кўтаришидан зиёд юк ортиш аниқланган ҳолатларда темир йўлнинг талаби бўйича юк жўнатувчи ортиқча юкни тушириб олиши шартлиги;

- юк жўнатувчи юкларни ташиш Қоидаларига ва Техник шартларга риоя қилиб юк ортишни амалга ошириши шартлиги;

- юкларни ортишдан сўнг юк жўнатувчи вагонни ташқи сиртини ортилган юк қолдиқларидан тозалаши шартлиги **белгилаб қўйилган.**

Ҳарбий қисмлар, корхоналар ва ташкилотлар ташишга буюртманомаларни тўлдиришда вагонларга юк ортишнинг техник нормаларини инобатга олишлари керак бўлади. Юк ташиш учун керакли бўлган вагонларни миқдорини аниқлаш ҳуқуқи темир йўлига тегишлидир. Шунинг учун юк жўнатувчилар буюртманомада вагонларни юк ортишнинг техник нормаси бўйича кераклигидан кўпроқ вагон талаб қилганларида темир йўл уларни сонини муносиб равишда камайтиради.

Вагон ва контейнерлардан рационал фойдаланиш мажбурияти ҳуқуқий чоралар билан таъминланади. Юк жўнатувчи станциянинг бошлиғи юк ортишнинг техник нормасигача (тўла сифимигача ёки юк кўтаришигача) ортилмаган вагонларни қабул қилишни рад этиш ва қўшимча юк ортишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Контейнерларда юк ташиш 2. Контейнерлар турлари 3. Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
☐ Контейнерларда юк ташиш ҳақида маълумот бериш.	☐ Контейнерларда юк ташиш ҳақида маълумот олиш..
☐ Контейнерлар турлари ҳақида маълумот бериш.	☐ Контейнерлар турлари ҳақида маълумот олиш.
Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари ҳақида маълумот бериш.	Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари ҳақида маълумот олиш
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий хужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

14-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар

	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарорларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

15-МАЪРУЗА. ЭШЕЛОНЛАРДА НОГАБАРИТ ЮКЛАРНИ ТАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

1. Эшелонларда ногабарит юкларни ташиш учун ажратиладиган вагонлар.

2. Юклаш габаритларининг турлари.

1. эшелонларда ногабарит юкларни ташиш учун ажратиладиган вагонлар.

1. Ҳарбий транспорт ва ҳарбий эшелон таркибида ногабарит юк ортилган транспортни ташиш учун темир йўл транспорти органи томонидан темир йўл платформалари, яримвагонлар ва транспортёрлар тақдим этилади.

Темир йўл транспорти органи ногабарит юк ортиш учун соз ва тегишли юкни ташиш учун ярокли, тоза темир йўл платформалари, яримвагонлар ва транспортёрлар тақдим этишга мажбур.

Вагонларнинг техник жихатдан юк ташишга яроклиги темир йўл транспорти органи томонидан аниқланади.

Вагонларнинг тегишли юкни ташишга иктисодий жихатдан яроклигини:

агар юк ортиш ишлари юк жунатувчининг ихтиёридаги воситалар билан амалга оширилса, у томон аниқлайди;

агар юк темир йўл транспорти органи тасарруфидаги воситалар билан ортилса, темир йўл транспорти органи белгилайди.

2. Темир йўл транспорти органи ходимлари ногабарит юк ортилган вагонларни кўздан кечириб бориб, мазкур Техник шартларга амал

килинаётгани устидан назорат олиб боришади. Ушбу ходимлар эшелон бошлиғи ёки юк жўнатаётган томон вакилидан ногабарит юкнинг ташки улчамлари ва вазнига оид техник тавсифлар ҳамда ишлатиладиган маҳкамлаш материаллари ва мосламалари курсатилган тарзда кулланиладиган маҳкамлаш усуллари акс эттирилиши шарт бўлган зарурий чизмаларни, айрим ҳолларда, ногабарит юкни темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибига маҳкамлашга оид ҳисоб-китоблар чиқарилган ногабарит юк ортиш чизмаларининг (лойиҳаларининг) темир йўл транспорти бирламчи юк ортиш органи билан муофиқлаштириш далолатномасини талаб қилишлари мумкин.

3. Вазни, ўлчамлари ва конструктив хусусиятларига боғлиқ ҳолда ногабарит юк платформалар, яримвагонлар устига горизонтал ёки кия ҳолатда жойлаштирилиши мумкин.

4. Ташилаётган ногабарит юкнинг конструктив хусусиятлари имкон берса, платформаларнинг бўртлари, яримвагонларнинг люк ва эшиклари ёпилиб, тамбалари маҳкамланган бўлиши лозим. Платформа бўртларини тамбалари воситасида маҳкамламай, платформанинг қисқа ва ён томонларидаги устун тутиш туткичларига киритиладиган ёғоч устунлар воситасида тик ҳолатда маҳкамлашга йўл қўйилади. Ушбу устунларнинг бўйи бўрт бўйидан паст бўлмаслиги ва тўрт томони билан устун тутиш туткичларига зич ёпишиб туриши шарт.

Платформа ва яримвагон полининг сарҳадларидан чиқиб турадиган ногабарит юк ташиладиган бўлса, платформаларнинг қисқа томонидаги бўртлари ўз ошиқ-мошиқлари воситасида пастга туширилади. Ён томондаги бўртларнинг бўлимлари пастга туширилиб, халқаларидан бўйлама тусинларга маҳкамланади. Бундай халқалар бўлмаса, диаметри 4 мм дан ингичка бўлмаган сим воситасида боғланади.


5. Ногабарит юк вагонларнинг автоматик илашмалари устига жойлаштирилганида юк жўнатаётган томон вакили бир-бирига илаштирилган

темир йўл платформаларининг ёки яримвагонларнинг ён бўртларига «Илашма ажратилмасин» сўзларини иккала томонга ёзиб, вагонларнинг бири-биридан ажратиб юборилишга йўл қўймаслик учун автоматик илашмани ажратиш ричаглариининг дасталарини ошиқ-мошиқ инлари орқали ўтказиб, юмшоқ сим воситасида маҳкамлаб қўйиши лозим.

6. Ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражаси жихатидан катта даражаларга мансуб ногабарит юкни ташиш тадбирлари «Темир йўлда ташқи ўлчамларнинг мос келмаслик даражасига эга ва оғир юкларни ташишга доир йўриқнома»да баён этилган талабларга риоя қилинган тарзда амалга оширилади.

7. Ортилган ногабарит юкнинг вазни темир йўл платформаларининг ёки яримвагонларининг юк қўтариш қобилиятидан ошиб кетмаслиги лозим. Вагонга ортилган ногабарит юк вазни вагон аравасига бир текис тақсимланиб жойлаштирилиши даркор. Агар бунинг иложи бўлмаса, ногабарит юк массасининг умумий маркази вагоннинг бўйлама ўқи жойлашган вертикал юзага нисбатан вагон негизи узунлигининг саккиздан бир қисмидан ошмаган тарзда оғишига йўл қўйилади.

Вагонга ортилган ногабарит юк вазнидаги тафовут: тўрт ўқли вагонда 10 тоннадан, олти ўқли вагонда 15 тоннадан, саккиз ўқли вагонда эса 20 тоннадан оғир бўлмаслиги лозим.



Айни вақтда, ушбу вагонларнинг ҳар бир аравасига бериладиган юклама, вагонларнинг белгиланган юк кўтариш қобилиятидан ортиқча ортилишига йўл қўйиладиган юк вазни назарда тутилган ходда, тегишли вагон тури учун белгиланган юк кўтариш қобилиятининг ярмидан оғир бўлмаслиги керак.

Қуйдаги ҳолатларда транспортерлардан юкларни ташишда фойдаланилади:

- юкнинг вазни ёки узунлиги вагоннинг юк кўтариш меёридан ошса;
- кичик транспортабел блоklarга жойлаштириб бўлмайдиган юкларнинг ногабаритлилигини камайтириш учун.

Керак бўлганда транспортерларни ечиладиган маҳкамловчи мосламалар (рама, балка ва бошқалар) билан жихозлаш юк жунатувчи (юк қабул қилувчи) томонидан ўрнатилади тартибда чизмалар асосида амалга оширилади.


Ногабарит юкларни ташиш учун ҳаракатдаги таркибни танлаб олишда, тегишли турдаги транспортерларга уларни ортиш ҳисобига, ногабаритлик даражасини камайтириш мумкинлилигини инобатга олиш керак. Танлаб олинадиган вагонлар ва контейнерлар техник ҳамда тижорий муносабатда яроқли ва соз бўлиши керак.

2. Юклаш габаритларининг турлари

Юклаш габаритлари – асосий, имтиёзли ва минтақавий. Вагон тўғри горизонтал йўлда турганида, ҳаракатдаги таркибнинг ва йўлнинг бўйлама ўқлари битта вертикал текисликда ётганида очик ҳаракатдаги

таркибга ортилган юк ўрови ва маҳкамлаш восталари билан асосий юклаш габарити ҳадида жойлаштирилиши керак.

Асосий юклаш габарити рельс каллагининг устки сатҳидан (РКС) 150 мм баландликда йўл ўқининг ҳар икки томонига 1300 мм кенгликда бошланиб, РКС дан 340 мм баландликда йўл ўқининг ҳар икки томонига 1625 мм гача кенгайади ва шу кенгликда РКС дан 4000 мм баландликкача давом этади. РКС дан 4000 мм баландликдан бошлаб асосий юклаш габарити торая бошлаб, РКС дан 5300 мм баландликда йўл ўқининг ҳар икки томонига 620 мм кенгликда тугайди.



Расм. Темир йўл юклаш габаритлари:

а – асосий; б – имтиёзли; в – минтақавий

Автомобилларни, тракторларни, қишлоқ хўжалик ва йўл қурилиш машиналарини, темирбетон ва металл буюмларни ҳамда узунлиги платформа ва ярим очик вагон ҳадида жойлашадиган юкларни Россия Федерациясининг Ўзоқшарқ темир йўлидан бошқа барча Мустақил давлатлар ҳамдустлигига (МДХ) аъзо давлатларнинг ва Болтиқ бўйи республикаларининг темир йўлларида имтиёзли юклаш габаритига мувофиқ ортиб жўнатишга рухсат берилади.

Имтиёзли юклаш габарити РКС дан 150 мм дан токи 1300 мм баландликкача (вагоннинг полини сатҳига) асосий юклаш габарити билан бир хил. РКС дан 1300 мм баландликда имтиёзли юклаш габарити йўл ўқининг ҳар икки томонига 1700 мм гача кенгайади ва РКС дан 4000 мм баландликда йўл ўқининг ҳар икки томонига 1650 мм гача торайиб, РКС дан 5300 мм да баландликда йўл ўқининг ҳар икки томонига 640 мм кенгликда тугайди.

Озорбайжон, Кавказорти, Львов темир йўлларида ҳамда: Шимолий – Кавказ темир йўлининг Белоренченск – Туапсе – Веселое; Қрим – Новороссийск участкаларидан; Шимолий темир йўлининг Чум – Лабытнанги ва Пукса – Наволок участкаларидан; Красноярск темир йўлининг Тигей – Ачинск участкаларидан бошқа барча МДХга аъзо давлатларнинг ва Болтиқ бўйи Республикаларинг темир йўлларида минтақавий юклаш габаритларидан фойдаланиб ярим очик вагонларга ўрмон материалларини ортиб жўнатишга рухсат этилади.

Минтақавий юклаш габарити РКС дан 150 мм дан токи 4000 мм баландликкача асосий юклаш габарити билан бир хил. Минтақавий юклаш габаритининг РКС дан 4000 мм баландликдан 5300 мм баландликкача бўлган торайган қисми асосий юклаш габаритининг торайган қисмига нисбатан кенгроқ бўлиб, РКС дан 4700 мм баландликда унинг кенглиги йўл ўқининг ҳар икки томонига 1480 мм кенгликни, 5200 мм баландликда 1100 мм кенгликни ташкил этиб, 5300 мм баландликда 620 мм кенгликда тугайди.

Платформа ва ярим очик вагон полининг бўйидан зиёд бўлган юкларни ортишдан олдин платформанинг этак бўртлари очилиб этак кронштейнлар устига ётқизиб қўйилади, ярим очик вагоннинг эшиклари ичкарасига очилиб ёнбош деворларга маҳкамлаб боғлаб қўйилади.

Платформанинг бўйлама бўртларининг секциялари очиб қўйиб юк ташиладиган бўлса, у ҳолда пастга қайтарилиб тушириб қўйилган бўйлама бўртларнинг секциялари платформанинг ёнбош бўйлама тўсиндаги

ҳалқаларга маҳкамлаб боғлаб қўйилиши шарт.

Платформа бўртларини боғлаб қўйиш маъсуляти юк жўнатувчи зиммасига юклатилади. Платформани бўйлама бўртлари қайтариб пастга тушириб боғлаб қўйилганидан сўнг вертикал ҳолатда туриши, қайтариб пастга тушиб қўйилган бўйлама бўртнинг чап четидаги секциясига ювилиб кетмайдиган оқ бўёқ билан платформани номерини ёзиб қўйиши керак.

Тортқич ва боғлагичларни вагонларга маҳкамлаш учун уларда махсус мосламалар мавжуд.

- платформаларда:

ёнбош ва этак устун скобалари, этак тўсиндаги таянч кронштейнлари;
катта тоннажли контейнерлар ва ғилдиракли техникалар учун платформаларда ёнбош скобалар;

- ярим очиқ вагонларда:

остки боғлаш мосламаси (косинкалар);
ёнбош девор тўсинида, полдан 1100 – 1200 мм баландликда жойлашган оралик боғлаш мосламаси;
скоба шаклдаги устки боғлаш мосламаси.

Ёнбош устунлар баландлиги ярим очиқ вагоннинг устки саррови сатҳидан:

а) асосий юклаш габарити ҳадида ортишда:

- бўртлар баландлиги 1880 мм бўлганида 900 мм;
- бўртлар баландлиги 2060 мм бўлганида 700 мм;

б) минтақавий юклаш габарити ҳадида ортишда:

- бўртлар баландлиги 1880 мм бўлганида 1446 мм;
- бўртлар баландлиги 2060 мм бўлганида 1266 мм дан зиёд бўлмаслиги керак.

Устунлар темир йўл платформаларини бунинг учун мўлжалланган ёнбош ва этак устун скобаларига ўрнатилади.

Қисқа устунлар платформа бўртларини бақувватлигини ошириш учун

ўрнатилади. Қисқа устунлар баландлиги маҳкамладиган бўртни баландлигидан камида 100 мм га зиёд бўлиши керак. Платформа бўртини баландлигидан анчагина зиёд бўлган ортиш баландлигидаги юкни тўсиб туриш учун узун устунлар ишлатилади. Маҳкамлагичларни бақувватлигини ошириш учун қарама – қарши устунлар бўйини устки, заруриятли ҳолатларда эса – устки ва ўрта қисмлардан бир бирига тортмаларда бирлаштирилади.

Тирак ва кашак тиргак тўсинлардан, кашак тиргак чорчўп (рама) лардан юкларни вагонни бўйига ва энига илгариланма силжишидан маҳкамлаш учун ҳамда инерция кучларини вагон кўзови элементлари (платформани ёнбош ва этак бўртларига, ярим очик вагонни бурчак устунларига, этак останаларига кузовнинг остки сарровига) га ўзатиш учун фойдаланилади. Тўсинлар учинчи навдан паст бўлмаган игнабаргли дарахтлардан тилинган материаллардан тайёрланади. Мустаҳкамлиги тегишли норматив ҳужжатларда тасдиқланган бошқа материаллардан тирак ва кашак тиргак тўсинлар, тиргак чорчўплар тайёрлашга рухсат этилади. Тирак ва кашак тиргак тўсинларни баландлиги 50 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ёғоч остлик, тираг тўсинларни, кашак тиргак тўсинларни ва чорчўпларни вагон полининг ёғоч қопламасига, маҳкамладиган юкка ҳамда ёғоч маҳкамлаш элементларини бириктириш учун ГОСТ 283 бўйича диаметри 4 – 8 мм, узунлиги 100 – 250 мм ва қалпоғининг диаметри 7,5 – 14 мм бўлган михлардан фойдаланилади.

Маҳкамлаш элементларини (ёки уларнинг қисмларини) вагоннинг полига маҳкамлашда михлар вагоннинг полига перпендикуляр қоқилиши зарур ва уларни эгилишига йўл қўймаслик керак. Михларни узунлиги маҳкамлаш деталарининг баландлигидан 50 – 60 ммга катта бўлиши керак. Маҳкамлаш элементларига михларни қоқишда ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Заруриятли ҳолатларда эса михларни қоқишдан аввал тешикчалар пармалаш ёриқлар пайдо бўлмаслигини таъминлайди.

15-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60	Ўқув соати 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кириш – тематик мавзуси
Маъруза режаси	1. Эшелонларда негабарит юкларни ташиш учун ажратиладиган вагонлар. 2. Юклаш габаритларининг турлари.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
☐ Контейнерларда юк ташиш ҳақида маълумот бериш.	☐ Контейнерларда юк ташиш ҳақида маълумот олиш.
☐ Контейнерлар турлари ҳақида маълумот бериш.	☐ Контейнерлар турлари ҳақида маълумот олиш.
Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари ҳақида маълумот бериш.	Вагон ва контейнерларга юклашнинг техник нормалари ҳақида маълумот олиш
Таълим усуллари:	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намойиш этиш;
Таълим воситалари:	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакллари:	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Савол-жавоб, назорат саволлари

15-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинг; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар,

	таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшади (ёзади)	дафтар-ларига ёзиб олади.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайди.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайди.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб олади.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайди шарх мобойида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қилади, аниқлаштиради, саволлар беради.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қарорларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб олади

16-МАЪРУЗА. ЭШЕЛОНЛАРДА ОВИР ЮКЛАРНИ

ТАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

- 1. Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланиш.**
- 2. Ҳарбий юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш**
- 3. Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар.**

1. Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланиш.

Ҳарбий қисмларда, корхона ташкилотларда ва ҳалқ хўжалигида транспорт ҳаражатларини камайтиришнинг энг муҳим имкониятларидан бири ҳаракатдаги таркиб (вагон, контейнер, кема, автомобиль) ларнинг юк кўтариши ва сиғимидан максимал фойдаланишдир. Шунингдек вагонларни эксплуатация қилишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланишга боғлиқ. Вагонларга қанча кўп юк ортилса, белгиланган ташиш ҳажмини бажариш учун шунча кам вагон талаб қилинади, ташиш таннарҳи шунча кам ва вагонларни унумдорлиги шунча юқори бўлади.

Вагоннинг статик юкламаси юк айланмасининг структурасига, вагон паркининг таркибига, юкларни ташишга тайёрлаш усулларига, зичлаб юклашга, вагонларга юклашнинг техник нормасини бажаришга ва мазкур юкни ташиш учун вагон турларини тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

Вагоннинг солиштирма ҳажми қанча юқори бўлса, енгил вазинли юкларни ташишда унинг юк кўтаришидан шунча яхши фойдаланиш, яъний вагоннинг статик юкламаси юқори бўлиши мумкин.

2. Юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш.

Амалдаги Техник шартларда жуда катта номдаги:

ўрмон материаллари;

металл маҳсулотларни;

темирбетон, асбестоцемент ва бошқа буюм ва конструкцияларни;

яшиқларга жойлаштирилган ва ўровсиз текис таянчли юкларни;

цилиндр шаклдаги юкларни;

ғилдиракли, занжир тасмали машиналарни ва ҳ.к. ларни очик ҳаракатдаги таркибларга жойлаштириш ва маҳкамлаш чизмалари ва усуллари ҳамда маҳкамлаш восталарининг турлари, ўлчамлари ва миқдорлари кўрсатилган.

Амалдаги Техник шартлар (ТУ) да назарда тутилмаган юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг маҳаллий техник шартларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари ишлаб чиқилмаган юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш техник шартларда назарга тутилмаган усулларида амалга оширилиши керак.

Ҳозирда ортиш – тушириш ишлари механизациялашган ва комплекс механизациялашган бўлишига қарамай, ортиш пунктларида юкларни вагонларга маҳкамлаш ва тушириш пунктларида вагонларга маҳкамланган юкларни бўшатиш (маҳкамлаш воситаларини ечиб олиш) қўл учида бажарилмоқда. Бунинг оқибатида эса юкларни вагонларга маҳкамлаш ва вагонларга маҳкамланган юкларни бўшатиш билан боғлиқ бўлган ишларга, ортиш – туширишга қараганда кўпроқ вақт ва меҳнат сарфланмоқда. Келажакда эса, ортиш – тушириш машиналарнинг унумдорлигини юксалиши баробар бу тафовут вақт бўйича ўсиб боради ва бундай ҳолат ортиш – тушириш ишларида меҳнат унумдорлигини юксалишига тўсқинлик қилади.

3. Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини, юк, вагон ва контейнерларни

асрашни таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда юкларни ташишга лозим даражада тайёрлаш керак. Бу мақсадда юк жўнатувчи:

- маҳкамлаш воситаларини ўрнатиш учун мўлжалланган юкнинг узел ва деталларининг мустаҳкамлигини, заруриятли ҳолатларда эса юкни маҳкамлаш учун мосламалар билан жиҳозланишини;

- ўров ёки идиш ичида юкни пухта маҳкамлаб жойлаштиришни;

- тегишли қоидаларда белгиланган тартибда автотрактор техникаларни ташишга тайёрлашни;

- майда фракцияли юкларни ортишдан олдин вагон кузови тирқишларини зичлаш бўйича қўшимча чоралар кўришни;

- очиқ ҳаракатдаги таркибга тўкилувчан юкларни ортишдан сўнг уни сиртини текислашни, заруриятли ҳолатларда эса зичлашни, таъминлаши керак.

Вагон паркини асрашни таъминлаш мақсадида юк жўнатувчилар ва юк олувчилар қўидаги талабларга риоя қилишлари керак:

- ярим очиқ вагонларни остки тушириш туйниклари орқали тушириш назарда тутилган тўкилувчан юкларнинг алоҳида бўлакларининг энг катта ўлчамлари 400 мм дан зиёд бўлмаслигига;

- автомобилларни, тракторларни ҳамда бошқа ўзи юрар ёки ғилдиракли техникаларни ёнбошдан чиқиш ёки тушиш йўли билан ортишдан ёки туширишдан олдин платформа бўртларини тушириб қўйишга, ортиш ёки тушириш тугаганидан сўнг эса уни – кўтариб пона тамбаларга маҳкамлашга;

- автомобилларни, тракторларни ҳамда бошқа ўзи юрар ва ғилдиракли техникаларни ортишда ва туширишда платформа бўртларни шикастланишдан асраш учун ўтиш кўприкчалари ва бошқа мосламалардан фойдаланишга.

Ортиш – тушириш операцияларида:

- ярим очиқ вагонларни остки тушириш туйниклари қопқоқларини тракторлар, механик юклагичлар, чиғирлар, кранлар ва тегишли темир йўл

транспорти корхонаси билан мувофиқлаштирилмаган бошқа техникалардан фойдаланиб очиш ёки ёпишга;

- платформа полини шикастланишини олдиндан ҳимояламасдан, уни устида занжир тасмали ўзи юрар техникаларни қайрилишига;

- вагон полига юкни зарба билан туширишга;

- шайбали магнит билан жиҳозланган кранларда металл маҳсулотларни ортишни юкни ташлаб юбориш йўли билан бажаришга;

- платформа ёнбош бўртларини юкларни ортиш – тушириш учун фойдаланишга;

- музлаган юкларни қамрагич мосламалар ёрдамида итариб туширишга, юкни юмшатиш учун металл ғўла (болванка) дан ҳамда музлаган юкларни эритиш учун очиқ оловдан фойдаланишга;

- 100°С дан зиёд ҳароратли юкларни ортишга;

- сочилувчан юкларни ортиш ва туширишни гидравлик усулда амалга оширишга;

- вагоннинг металл қисмларига юкларни пайвандлаш ва пармалаш ёрдамида маҳкамлашга;

- вагонлар деталлари ва узелларини, шу жумладан платформа бўртларини ва ярим очиқ вагон эшикларини ажратиб олишга;

- тўкилувчан юкларни занжир тасмали машиналарда платформа полини устига чиқиб ва экскаватор ковшида сидириб, ҳамда оғир вазинли юкни платформа полида судраб туширишга, **йўл қўйилмайди.**

Юклар туширилгандан сўнг вагонлар, контейнерлар ичидан ва ташқарисидан тозаланиши ва юкларни маҳкамлаш элементлари ечиб олиниши шарт.

Вагонга жойлаштириладиган юк массаси, вагонни юк қўтаришидан ортиқ бўлмаслиги керак.

16-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони № 50-60

Ўқув соати 2 соат

<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланиш. 2. Ҳарбий юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш 3. Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
☐ Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланишни ўргатиш.	☐ Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланишни ўрганиш.
Юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш ҳақида маълумот бериш.	Юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш ҳақида маълумот олиш.
☐ Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар ҳақида маълумот бериш	☐ Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар ҳақида маълумот олиш.
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намойиш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

16-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар,

	ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

**17-МАЪРУЗА. ЖАНГОВОР ТЕХНИКАНИ ОЧИҚ
ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБГА ЖОЙЛАШИРИШНИНГ
АСОСИЙ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОЙДАЛАРИ**

- 1. Жанговор техникани ташиш учун ҳаракатдаги таркибларни танлаб олиш.**
- 2. Ҳарбий юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар.**
- 3. Ёпиқ вагонларга ҳарбий юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари.**
- 4. Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонларга юкларни ортиш.**

- 1. Жанговор техникани ташиш учун ҳаракатдаги таркибларни танлаб олиш.**

Юкни ташиш учун ҳаракатдаги таркибни танлашда қатор омилларни инобатга олиш керак. Энг аввало ташишга тақдим этилган маҳсулотга ҳаракатдаги таркибни танлашда, маҳсулотни ташиш шартлари ва транспорт воситалари турларини танлашга қўйилган талаблар кўрсатилган, давлат стандартларини ва техник шартларини дастурий амал қилиб олиш керак.

Юк жойларини, машина ва асбоб – ускуналарни чизикли ўлчамларига (схемасига), вагон ва контейнерларга уларни жойлашиши мумкинлигига, ортиш габаритига риоя қилинишига ва очик ҳаракатдаги таркибда ташишда маҳкамлаш мумкинлигига аҳамият бериш керак.

Ҳаракатдаги таркибларни танлаб олишда юкларни вагонларга ортишда ва вагонлардан туширишда комплекс механизациялашган ортиш – тушириш ишларини қўллаш мумкинлигини инобатга олиш ҳамда вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан самарали фойдаланишни назарда тўтиш керак.

Магистрал темир йўл танспортининг юк вагонлари универсал ва ихтисослаштирилган турларга бўлинадилар.

Универсал вагонларга ўзининг хусусияти бўйича кенг номенклатурадаги юкларни ташиш учун мўлжалланган асосий турдаги: ёпик вагонлар, платформалар ва ярим очик вагонлар мансуб бўладилар.

Ихтисослаштирилган вагонларга турли турдаги, махсус конструкцияга эга бўлган, ўзининг хусусияти бўйича яқин ва ташиш, ортиш ҳамда тушириш шарт – шароитларига алоҳида талаблар қўйувчи, бир ёки бир неча гуруҳ юкларини ташиш учун мўлжалланган, алоҳида шакилдаги кузовга, қурулма, асбоб – ускуна ва жиҳозларга эга бўлган – цистерналар, изотермик вагонлар, транспортерлар, ўзигағдаргич вагонлар, бункерли ярим очик вагонлар, автомобиллар учун вагонлар мансуб бўладилар.




Универсал платформаларда оғир вазнли, узун бўйли ва улкан юклар ҳамда тўкилувчан юклар ташилади. Платформалар қайтарма (очиладиган)

паст бўртлар, устун скобалари, этак таянч кронштейнлари билан жиҳозланган бўлиб, асосан тўрт ўқли конструкцияда ишлаб чиқарилади.

Асосий тур платформалар – тўрт ўқли, юк қўтариши 70,0; 71,0 ва 72,0 т. Юкларни маҳкамлаш учун платформалар этак устун скобалари (икки жуфт), ёнбош устун скобалари (саккиз жуфт) ва юкларни боғлаш учун ҳалқалар билан жиҳозланган.


Платформаларга оғир вазнли, узун бўйли ва улкан юкларни ортиш ва туширишда унумдорлиги 70-100 т/соат, хатто ундан ҳам зиёд бўлган турли кранлардан фойдаланиш мумкин. Баъзи бир машина ва механизмларни ўзини юргизиб, платформага ортиш ва платформадан тушириш мумкин.



Универсал тўрт ва саккиз ўқли ярим очик вагонлар энг кенг тарқалган юк вагонлари ҳисобланадилар. Улар асосан кўмир, маъдан ва маъдан концентратлари, кокс, торф, минерал қурилиш материаллари каби оммавий тўкилувчан юкларни ҳамда ўрмон материалларини ва қисман оғир вазнли ва узун бўйли юкларни ташиш учун мўлжалланганлар.

Ярим очик вагон кузовининг ҳар икки этак томонларига, кузовнинг бутун эни ва баландлиги бўйича ичкарига очиладиган қўш қанотли эшиклар ўрнатилган. Ярим очик вагонларга узун бўйли юкларни ҳамда ўзи юрар техникаларни ортишда эшик қанотлари ичкарига очилиб ён деворларга маҳкамлаб қўйилади.

Ярим очик вагонларнинг конструкцияси ортиш-тушириш ишларини механизациялашган ва комплекс механизациялашган усулда ташкил этишга ва ўта юқори унумдорликка эга бўлган ортиш-тушириш машина, механизм ва қурилмаларни қўллашга кенг имкониятлар яратади.




Цистерналарда нефть ва нефть маҳсулотлари, ёғлар, турли кислота ва ишқорлар ва шунга ўхшаш суюқ юклар ташилади. Цистерналар цилиндр шаклидаги металдан пайвандлаб ясалган резервуар (қозон) дан иборат бўлиб, унинг устки қисмида, суюқ юкларни қуйиш учун ҳамда қозонни ичини тозалаш, ювиш ва буғлаш ҳамда таъмирлаш учун, тўйнуқлар ўрнатилган.

Ташиладиган юкларнинг турига мувофиқ цистерналар икки гуруҳга бўлинадилар:

Универсал – нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш учун;

Махсус – алоҳида турдаги юкларни ташиш учун.

Универсал цистерналар ўз навбатида: равшан (бензин, керосин, легроин ва ҳ.к.) ва тўқ (нефть, дизель ёқилғиси, минерал ёғлар ва ҳ.к.) нефть маҳсулотларини ташувчи цистерналарга бўлинадилар. Универсал цистерналар тўрт ва саккиз ўқли вариантларда ишлаб чиқарилади.




Кислота ташийдиган цистерналарни ички сирти, металлни кислоталарнинг емирувчи таъсиридан сақловчи (муҳофазаловчи) ҳимоя қатлами (резина, қўрғошин) билан қопланади. Бундай юкларни ташувчи цистерналарнинг қозонлари кислотабардош металллар – зангламас пўлат ва алюминийдан ясалади.

Изотермик вагонларда тез бўзилувчан юклар ташилади. Бу вагонларда тез бузилувчан юклар ёз пайтларида совутиб, баъзи бир турдаги юклар (музлаганида ўзини сифатини йўқотувчи юклар) эса қиш пайтида иситиб ташилади. Ҳар бир турдаги тез бузулувчан юклар муайян ҳарорат режимида ташилади. Изотермик вагонларни ичидаги муносиб ҳарорат режимини ушлаб туриш учун, улар совўтиш ва иситиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланади, кузови эса иссиқликни сақлаш изоляцияси билан жиҳозланади.

Изотермик вагонлар 21, 12 ва 5 тадан бирликдаги рефрижератор поездларга ёки секцияларга бирлаштирилган бўлиб, уларда мувофиқ равишда учта, иккита ва битта вагонда дизель - электростанцияси (дизель - генератор қурилмаси), совўтиш асбоб – ускуналари ва уларга хизмат кўрсатувчи механиклар бригадасининг маиший хизмат хоналари жойлаштирилган.

Махсус вагонларга: маъданлар ва минерал қурилиш материалларини ташиш учун - думпкарлар; цемент, минерал ўғитлар ва дон ташиш учун - ёпик хопперлар; аэрацияланувчи юклар (цемент, ун, каустик сода, поливинилхлорид) ни, спирт ва суюқлантирилган газларни ташиш учун - махсус цистерналар; енгил автомобилларни ташиш учун - икки қаватли

платформалар; габаритсиз, оғир вазинли ва улкан юкларни ташиш учун - транспортёрлар ва ҳ.к. мансуб бўладилар.



Юк ортишга вагонларни техник яроқлик аломатлари

Уставнинг 53-бандига мувофиқ, темир йўл, муайян юкни ортишга соз (бешикаст), яроқли, юк қолдиқларидан ва ахлатлардан тозаланган, заруриятли ҳолатларда эса – ювилган ва дезинфекцияланган вагонларни ва контейнерларни олиб кириб бериши шартлиги белгилаб қўйилган. Вагон ва контейнернинг созлиги деб энг аввало унинг техник жиҳатдан созлиги, Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техниквий фойдаланиш Қоидалари талабларига жавоб бериши назарда тутилади.

Техник жиҳатдан вагонларни созлик аломатлари

- вагоннинг асосий узел ва деталларининг техниквий фойдаланиш Қоидалари талабларига мувофиқлиги;
- автотиркагич тузилмасининг созлиги;
- тормозлаш асбоб-ускунасининг созлиги;
- ташиладиган юкни асрашни кафолатловчи кузовнинг созлиги;
- ўтиш майдончасини, зинапояни, тутқични созлиги ҳисоланади.

Юк жўнатувчи вагонларни аввал тозалигини темир йўл транспорти ходимларидан талаб қилиши ва сўнгра юк ортиши лозим. Юк жўнатувчилар юкни ташиш учун яроқсиз вагон ва контейнерларни ортишга қабул қилишни

рад этишга ҳақлидирлар. Темир йўл ушбу ҳолатда бундай юкни ташиш учун яроқли ва соз вагон ёки контейнерни олиб кириб бериши шарт.

2. Ҳарбий юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар

Темир йўлнинг воситаларида юк ортилганда ҳам ва юк жўнатувчининг воситаларида юк ортилганда ҳам ташишда поездлар ҳаракат хавфсизлигини, юкларни асрашни таъминлаш шартларига риоя қилиш, шунингдек вагон ва контейнерлардан самарали фойдаланиш керак.

Вагон ва контейнерларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан самарали фойдаланиш талаблари:

юк жўнатувчи вагонларга ва контейнерларга белгиланган техник нормалардан кам бўлмаган миқдорларда юк ортиши шarti;

очиқ ҳаракатдаги таркибга юкларни ортиш ҳаракатдаги таркибнинг сиғимидан тўлиқ фойдаланиб, аммо унинг юк кўтаришидан оширмасдан амалга оширилиши;

юк ортишнинг техник нормалари белгиланмаган юклар вагон ёки контейнерларнинг сиғимидан тўла фойдаланиб, аммо уларнинг юк кўтаришидан оширмасдан юкланиши;

жўнатувчи темир йўл станциясида вагон ёки контейнерларнинг юк кўтаришидан зиёд юк ортиш аниқланган ҳолатларда темир йўлнинг талаби бўйича юк жўнатувчи ортиқча юкни тушириб олиши;

юкларни ортишдан сўнг юк жўнатувчи вагонни ташқи сиртини ортилган юк қолдиқларидан тозалаши.

Вагонларга, шу жумладан очиқ ҳаракатдаги таркибларга ва контейнерларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш “Темир йўл транспортида юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг Техник шартлари”га мувофиқ амалга оширилади.

Юкларни ортиш, жойлаштириш, маҳкамлаш ва ташиш учун мосламалар, жиҳозлар ҳамда материаллар (иситиш қўралари, эшик

тўсиқлари, шу жумладан сабзавот ва ғалла тўсиқлари, боғлагичлар, панжаралар, турникетлар ва бошқалар) дан фойдаланиш талаб этилади.

Юк жўнатувчидан Техник шартларига мувофиқ юк ортилган вагонларни қабул қилишни ҳамда юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилигини текширишни станциянинг катта қабул қилувчи - топширувчиси, у бўлмаган жойларда эса станция бошлиғи ёки станция бошлиғини ўринбосари амалга оширадilar ва вагон вароғида *“Груз погружен и укреплен правильно”* белгисини ёзиб, ортишни текширган хизматчи фамилиясини ёзади ва имзолайди.

Юк жўнатувчилар ишлаб чиққан ва темир йўл тасдиқланган усулдаги схема ва чизмалар бўйича юклар ортилган вагонни қабул қилишни ва юкларни жойлаштириш ҳамда маҳкамлаш тўғрилигини текширишни станция бошлиғи ёки унинг ўринбосари амалга оширадilar. Техник шартлар талабларига риоя қилмаслик ташиш жараёнида юкни силжиши, уни габаритдан чиқиши ва ҳатто кулаб тушиши каби хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

3. Ёпиқ вагонларга ҳарбий юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари

Ёпиқ вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни, маневр ва ортиш – тушириш ишларини бажаришни, вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланишни, ташилаётган юкни ва ҳаракатдаги таркибни асрашни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Юклар вагонга бир текис жойлаштирилади. Агар юкларни вагонга бир текис жойлаштиришни имкони бўлмаса, унда юк массасини умумий оғирлик марказини Техник шартлар талабларига мувофиқ силжишига йўл қўйилади.

Битта вагонга турли массадаги ҳамда турли ўровдаги юкларни ортишда, катта массадаги ва қаттиқ ўровлардаги юклар пастки қаватларга,

юмшоқ, панжарали, фанерали, картонли ва шунга ўхшаш ўровлардаги кичик массали юклар эса юқори қаватларга жойлаштирилади. Ўзининг хусусияти бўйича бошқа юкларни шкастлантирувчи ёки бузувчи юкларни битта вагонга биргаликда ортиб жўнатиш **тақиқланади**.

Идиш – ўровли ва донали юкларни ёпиқ вагонларга ортишда вагоннинг иккала томонидан ҳам юкни тушириш мумкин бўлиши учун, унинг эшиклари бемалол очилишини таъминланиш лозим. Эшиклар ўртаси бўшлиғида юклар эшиклардан 250 мм масофада тахлаб жойлаштирилиши керак. Агар эшиклар ўртаси бўшлиғида тахлаб жойлаштирилган юклар кўндаланг силжишга омонат (беқарор) бўлса, уларни тирак ва кашак тиргак тўсинчалар, боғлагич ва бошқа мосламалар билан маҳкалаш керак бўлади. Ёпиқ вагонларда юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг Техник шартларида турли юкларни (фанера, туника ва навланган металлари, бўчка, яшик, рулонлардаги қоғозларни ва бошқалар) жойлаштириш ва маҳкалаш тартиблари келтирилган. Битта жўнатмага мансуб бўлган юк жойларини вагонда шундай жойлашритиш керакки, уларни тамғалари кўриниб турсин.

Темир йўл воситаларида юкларни вагонларга ортиш

Юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланишни ҳамда юкларни ва вагонларни асрашни инобатга олиб амалга оширилади.

Юкларни қабул қилиш ва вагонга ортиш бевосита автомобиль – вагон варианты бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин, шу шарт биланки агар ҳаракатдаги таркиблар автотранспортларни кутиб тўхтаб туриши истисно қилинса. Бунинг учун вагонларни олиб кириб бериш ва юкларни автотранспортда ташиб келтириш вақти, станция ва юк жўнатувчи ўртасида олдиндан мувофиқлаштирилади. Юкларни бевосита вариант бўйича ортишда

қабул қилувчи топширувчи жойлар сонини, ўровини, жўнатувчининг тамғасини текширишни таъминлаши керак.

4. Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонларга юкларни ортиш

Темир йўл станциясининг бошлиғи юк жўнатувчининг воситаларида ортишга бўш вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида юк жўнатувчини бўш вагонларни олиб кириб беришдан **2 соатдан кеч қолмай хабар бериши** шарт. Хабар бериш тартибини станция бошлиғи белгилайди (телефон, телеграф, почта алоқаси ва бошқалар). Юк жўнатувчи хабар бериш усулларида бирини танлаб олади ва бу ҳақида станция бошлиғига маълум қилиб қўйади. Телефон орқали хабар бериш тартиби белгиланганида, юк жўнатувчи хабарни қабул қилиш учун масъул шахсни тайинлаши керак ва уни фамилияси ҳамда телефон рақамини станция бошлиғига билдириб қўйиши шарт. Агар юк ортиш, туширишга олиб кириб берилган вагонлар ҳисобидан таъминланса, ортишга вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериш талаб этилмайди.

Юк ортиш бошлангунга қадар қабул қилувчи топширувчи юк жўнатувчидан юкхатини олиб юкни ташиб келтиришга ва ортишга рухсат мавжудлигини текширади. Шундан сўнг юк жўнатувчи бевосита автомобиль транспортидан юкни вагонга ортишни бошлайди.

Юк жўнатувчи юк ортилган вагонни темир йўлининг қабул қилувчи топширувчисига тақдим этади. Қабул қилувчи топширувчи юк ортилган вагонни ташқи кўрикда жўнатувчи ўрнатган тамбалаш – пломбалаш мосламасини (агар юк жўнатувчининг пломбасида ташилса), юкни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилигини (агар юк очик ҳаракатдаги таркибда ташилса) текширади. Ортишни тугагани ҳақида юк жўнатувчи товар идорасига юк операцияларини тугалланганлиги ҳақида хабар беради.

Юк жўнатувчиларнинг, юк олувчиларнинг воситаларида ортишга, туширишга ва қайта ортишга олиб кириб берилган вагонларни нормадан ортиқ тўхтаб туриши учун юк жўнатувчилардан ёки юк олувчилардан жарималар Уставнинг 132-бандига мувофиқ ундириб олинади.

Оддий вагонлар (ёпиқ вагонлар, ярим очик вагонлар, платформалар) нормадан тўхтаб турганида қуйидаги миқдорларда жарима ундирилади:

тўхтаб туриш 1 дан 6 соатгача бўлганида – вагон соат учун **0,05 энг кам иш ҳақи** миқдорида;

тўхтаб туриш 7 дан 12 соатгача бўлганида – вагон соат учун **0,1 энг кам иш ҳақи** миқдорида;

тўхтаб туриш 13 дан 18 соатгача бўлганида – вагон соат учун **0,15 энг кам иш ҳақи** миқдорида;

тўхтаб туриш 18 соатдан зиёд бўлганида – вагон соат учун **0,25 энг кам иш ҳақи** миқдорида;

15 минутгача бўлган тўхтаб туриш ҳисобга олинмайди, 15 минут ва ундан ортиқ тўхтаб туриш тўлиқ соатга қабул қилинади.

Цистерналарни, цемент ташувчиларни, транспортерларни, бункерли ярим очик вагонларни ва бошқа махсус вагонларни (рефрижераторлардан ташқари) тўхтаб туришига жарима миқдори **2 маротабага**, рефрижератор вагонларни тўхтаб туришига **3 маротабага** оширилади.

17-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Жанговор техникани ташиш учун ҳаракатдаги таркибларни танлаб олиш. 2. Ҳарбий юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар. 3. Ёпиқ вагонларга ҳарбий юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари. 4. Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонларга юкларни ортиш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>

• Жанговор техникани ташиш учун ҳаракатдаги таркибларни танлаб олиш.	• Жанговор техникани ташиш учун ҳаракатдаги таркибларни танлаб олиш.
• Ҳарбий юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида маълумот бериш.	• Ҳарбий юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида маълумот олиш.
• Ёпиқ вагонларга ҳарбий юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари.	• Ёпиқ вагонларга ҳарбий юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари.
• Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонларга юкларни ортиш	• Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонларга юкларни ортиш
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намоиш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

17-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув машғулотига кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралик ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий	Тинглайдилар.

(60 мин.)	тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарх мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар

18-МАЪРУЗА. ҲАРБИЙ ЮКЛАРНИ ТАШИШДА ҚЎРИҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Ҳарбий эшелонларни ҳимоя қилиш.
2. Ташиладиган қўшинларни оммавий қиргин қурол

таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирлари.

1. Ҳарбий эшелонларни ҳимоя қилиш.

Йўл юраётган ҳарбий эшелонларни бевосита ҳимоя қилиш тадбирлари эшелон эҳтиёридаги ҳаво хужумидан мудофаа воситалари ҳамда бўлинмалар ихтиёридаги ўқли қуроллардан тўғри ташкиллаштирилган ўт очиш жараёни билан амалга оширилади.

Ихтиёрида ҳаво хужумидан мудофаа воситалари бўлмаган эшелонларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий поездлар тасарруфидаги ҳаво хужумидан мудофаа бўлинмалари жалб этилиши мумкин. Бундай бўлинма командирлари эшелоннинг кузатиб бориш даврида эшелон бошлиғига бўйсинади.

Ҳаво нишонларига қарата ўт очиш амалларини олиб бориш учун зарурий шарт-шароит билан таъминлаш мақсадида ҳаво хужумидан мудофаа воситалари, шу жумладан, ҳаво нишонларига қарата ўқли қуролдан ўт очиш учун ажратилган шахсий таркиб платформаларга, эшелон боши ва охирига жойлашади. Ўт очиш амаллари хавфсиз кечиши учун ҳар бир зенит тўпига (қурилмаси, жанговар машинасига) ўт очиш ман этилган секторлар ва қурол строилининг кўтарилиш бурчаклари кўрсатиб ўтилиб, белгиланади.

Темир йўлнинг электрлаштирилган қисмида ўт очиш воситалари контакт симига ва контакт тармогининг электр кучланиш остидаги бошқа қисмларига 2 метрдан яқин масофага яқинлашмаслиги керак.

Йўл юриш давомида ҳаво хужумидан мудофаа воситаларининг муайян қисми ўт очиш ва унинг амалларини олиб боришга доимо шай ҳолатда бориши даркор.

Ҳаво хужуми сигнали олинishi ёки ҳаводаги душман визуал фош этилиши, барча ҳаво хужумидан мудофаа воситалари ўт очиш амалларини олиб боришга шай ҳолатга келтирилади, эшелон шахсий таркиби эса ҳаво

хужуми хавфи юзага келгани тўғрисида хабардор қилинади. Бундай ҳолатда ўт очиш ва унинг амалларини олиб бориш тадбирлари эшелон бошлиғи томонидан олдиндан берилган фармойишларга мувофиқ амалга оширилади.

Йўл юриш давомида ўт очилар экан поезд тоннель, кўприк ва шу каби бошқа сунъий иншоотларга яқин келганда эҳтиёт чораларига амал қилиш, темир йўлнинг электрлаштирилган қисмида эса бундан ташқари, контакт тармоғига қарата ўт очилишига йўл қўймаслик лозим. Ёнма-ён кетган темир йўл бўйлаб ҳаракатланаётган поездлар билан учрашганда ўт очишга ҳозирланган ёки ўт очаётган зенит тўплар (қурилма, жанговар машиналар) темир йўл транспортига ортилган юкнинг ташқи ўлчамлари билан ҳаво нишони орасида қолиши керак бўлган оралиқ масофанинг бузилишига йўл қўйилмайди.

Эшелон темир йўл транспортида йўл юрадиган бўлса, кузатув постларининг (кузатувчиларнинг) фаолияти поезднинг боши ва охирида, радиацион ва кимёвий вазиятни кузатиш постининг фаолияти эса поезд бошида ташкиллаштирилади. Поезд бошидаги пост (кузатувчилар) локомотив устида (ёки темир йўл платформасида), поезднинг охиридаги пост эса платформада жойлашади. Поезд бошида жойлашадиган пост таркибига ҳаводаги вазият ҳамда радиацион ва кимёвий вазият кузатувчилари киради. Поезднинг охирида жойлашадиган пост таркиби эса одатда, фақат ҳаводаги вазият кузатувчиларидан ташкил топади.

Ҳаводаги душман ҳамда радиоактив, кимёвий ва бактериологик (биологик) зарарланиш ҳақида хабар бериш амаллари қўшинларда қўлланиладиган алоқа, товушли сигнал ёки ёруғлик сигнали воситалари ёрдамида, шунингдек, тегишли транспорт турида қўлланиладиган сигнал воситалари ёрдамида бажарилади.

Ҳаводаги душман хужум уюштирган фурсатда эшелон юкини транспортга ортиш, тушириш, қайта юклаш амаллари, шахсий таркибнинг транспортга чиқиб жойлашиши (бошқасига ўтиши) вақтинча тўхтатилади,

шахсий таркиб, ҚА, ХМТни тарқоқ жойлаштириб, панага олиш чоралари кўрилади.

Агар эшелон юкини транспортга ортиш, тушириш, қайта юклаш амаллари, шахсий таркибнинг транспортга чиқиб жойлашиши нихоясига етган ёки хали бошланмаган бўлса, поезд станциядан нари олиб чиқилиши даркор. Эшелон ортилган поездни станциядан нари олишнинг иложи бўлмаса, шахсий таркиб транспортдан тушиб, атрофга тарқалганча, панага ўтади, ҚА, ХМТ ёнида эса қоровул таркиби қолдирилади.

2. Ташиладиган қўшинларни оммавий қирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирлари.

Ташиладиган қўшинларни оммавий қирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирларининг ўзига хос томонлари жумласига:

бўлинмаларнинг транспортга чиқиш жойлари бир неча станцияларга (майдонларга) тақсимланган тарзда тарқоқ жойлашиши;

юк ортиш-тушириш ишлари давомида ниқобланиш қоидаларига амал қилиниб, катъий тартиб сақланиши;

йўл давомида ҳамда юк ортиш, тушириш ва бир транспортдан бошқасига қайта жойлашиш ҳудудлари радиоактив, кимёвий, бактериологик, биологик жихатдан зарарланганлиги ҳақида қўшинларга хабар бериш учун транспорт турида мавжуд алоқа воситаларидан фойдаланилиши;

душман томонидан оммавий қирғин қурол қўлланилишининг оқибатларини бартараф этиш тадбирларига Ўзбекистон Республикаси транспорт органлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) тасарруфидаги махсус тузилма ва ташкилотларнинг жалб этилиши киради.

Ташилаётган ҳарбий қисм штаби ва эшелон бошлиғи ҳаракат йўналишида юзага келган радиацион, кимёвий, бактериологик, биологик ва

метеорологик, гидрометеорологик вазият ҳақидаги ахборотни ҳарбий округ штаби, ҳарбий ҳаракатлар органи, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олади.

Душман томонидан оммавий қирғин қурол қўлланилиш хавфи ёки қўлланила бошланганлигига доир огохлантириш хабари эшелон бошлиғи томонидан ФВВ, катта бошлиқ ёки транспорт органларининг кўрсатмасига биноан берилади.

Юк ортиш, тушириш, қайта юклаш жойида радиоактив, кимёвий, бактериологик, биологик зарарланиш аломатлари аниқланган ҳолатда юк ортиш, тушириш, қайта юклаш, транспортга чиқиш ишлари вақтинча тўхтатилади. Шахсий таркиб паногоҳга ўтади.

Эшелон бошлиғи темир йўлнинг зарарланган қисми ҳақида яқин ўртадаги участка ҳарбий комендантига хабар беради.

Зарарланган ҳудуд орқали ўтадиган шахсий таркиб ҳимоя қилинишини таъминлаш учун эшелон бошлиғининг кўрсатмасига биноан ҳарбий эшелон ортилган поезд зарарланган ҳудудга етиб боргунга қадар вагон катталарининг бошчилигида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

вагонларнинг эшик, дераза ва люклари зич ёпилади;

жамики тиркишлар қўл остида мавжуд латта, коғоз каби воситалар билан имкон қадар бекитилади;

темир йўл транспорти воситаларининг очик ҳаракатчан таркибига ортилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг усти махсус воситалар ва қўл ости воситалари билан ёпилади;

шахсий таркибнинг шахсий ҳимоя воситалари фойдаланишга шай ҳолатга келтирилади.


Эшелон ҳаракати йўналишида юзага келган вайроналар, ёнғинлар, тошқинлар, сув ювиб кетган йўллар ва шу каби бошқа тўсиқларга оид маълумотларни эшелон бошлиғи ҳарбий ҳаракатлар органлари ва транспорт органларининг мансабдор шахсларидан олади. Эшелон бошлиғи ҳарбий

ҳаракатлар органининг ҳарбий коменданти томонидан берилган кўрсатмалар, у билан алоқа бўлмаган ҳолатда эса тегишли транспорт турининг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилган буюртмаларга мувофиқ издан чиққан ҳаракатни тиклаш масаласида зарурий ёрдам кўрсатади.

Душман томонидан оммавий қирғин қурол қўлланилганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли ҳаракатни давом эттириш имкони бўлмаса, эшелон бошлиғи ҳарбий ҳаракатлар хизматининг ҳарбий коменданти томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ иш тутади.

Темир йўл транспорти воситасида ташилаётган ҳарбий эшелонни кўриқлаш хизмати Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомида баён этилган талабларга мувофиқ ташкиллаштирилади.

Ҳарбий юк ортилган транспортни кўриқлаб, кузатиб борадиган қоровул таркиби одам ташиш вагонига ёки йўловчи ташиш вагонининг алоҳида купесига жойлашади. Поезд ҳаракатланаётганида соқчилар постлар жадвалига мувофиқ кўриқланадиган ҚА, ХМТ яқинидаги махсус тусиққа эга платформаларга жойлашади.



Расм. Соқчи ёки кузатувчи
учун тўсилган майдон

Эшелон темир йўл транспортида ташилаётган бўлиб, қуруқликдаги

душман ҳамла қилган ҳолатда навбатчи жанговар бўлинма ва жамики шахсий таркиб томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар тартиби эшелон бошлиғи томонидан белгиланади.

Қоровул таркиби ҳарбий эшелон таркиби ва вазият шароитларига боғлиқ ҳолда ташилаётган ҳарбий қисм командири томонидан белгиланади.

Қоровул бошлиғи, тарқатувчи ва соқчиларнинг мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Гарнизон ва қоровул хизматлари баён этилган.

Қоровулхона учун йўловчи ташиш вагонининг алоҳида купеси ёки одамлар ташилаётган ёпик вагоннинг ярми ажратилади. Йил фасли ва соқчи хизматининг ўзига хос томонларига боғлиқ ҳолда қоровул таркиби тегишли пост кийими, ҳимоя кўзойнаклари, қизил тусли сигнал байроқчалари билан таъминланади.

18-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони № 50-60</i>	<i>Ўқув соати 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	<i>Кириш – тематик мавзуси</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ҳарбий эшелонларни ҳимоя қилиш. 2. Ташиладиган қўшинларни оммавий қирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирлари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	<i>Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларни шакллантириш.</i>
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
3. ☐ Ҳарбий эшелонларни ҳимоя қилишни урганиш.	☐ Ҳарбий эшелонларни ҳимоя қилишни урганиш..
☐ Ташиладиган қўшинларни оммавий қирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирлари ақида маълумот бериш.	☐ Ташиладиган қўшинларни оммавий қирғин қурол таъсиридан ҳимоя қилиш тадбирлари ақида маълумот олиш.
<i>Таълим усуллари:</i>	Маъруза, “ақлий ҳужум”, намойиш этиш;
<i>Таълим воситалари:</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, қоғозлар, маркерлар, скотч.
<i>Ўқитиш шакллари:</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Савол-жавоб, назорат саволлари

18-МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчилар	Талабаларнинг
Ўқув	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади.	Тинглайдилар.

машғулотиға кириш (10 мин.)	Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий тамонларини очиб беради.	
	1.2. Мазкур мавзу бўйича ўрганиладиган мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда амалий ва тажриба машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги; жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан топиштиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилиш.	Мавзуни дафтар-ларига ёзадилар
	1.4. “Ақлий ҳужум” усулини қўллаб, мавзу бўйича топиш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади. Барча таклифларни доскага ёзиб боради. Талабалар билан ҳамкорликда тушинчанлар рўйхати аниқлаштиради мавзудан ташқари маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар)	Ўз фикрларини билдирадилар. Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтар-ларига ёзиб оладилар.
Ахборот босқичи (60 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради	Тинглайдилар.
	2.3. Фаннинг ўрганиши лозим бўлган муаммоларини санаб ўтади	Дафтарига ёзиб оладилар.
	2.4. Фан олдида турган вазифаларни тушунтириб ўтади.	Тинглаб, ёзиб олади-лар.
	2.5. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олашни тавсия қилади. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабларнинг эътиборини асосий тушунчаларига ва аҳамиятли тамонларига жалб қилади.	Тинглайдилар шарҳ мобойнида схема, иловалар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.

Якуний босқич (10 мин.)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.	Саволлар берилади
	3.2. Ўзлаштириш даражасини синаш учун саволлар беради: Мавзу бўйича якун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блум-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради.	Саволга жавоб беради
	3.3. Мустақил иш учун вазифа беради.	Мустақил иш учун вазифани ёзиб оладилар